

ТАРИХ ВА ШАХС

ЭРГАШ ОЧИЛОВ

АЛИШЕР НАВОУЙ




•O'ZBEKISTON•

0-95

ТАРИХ ВА ШАХС

ЭРГАШ ОЧИЛОВ

АЛШЕР
НАВОУЙ



260890

“FARHOD” MS
ТОШКЕНТ
«O’ZBEKISTON»
2013
KUTUBXONASI

QIROATXONA

УЎК: 821.512.133(092)Навоий

КБК 84(5Ў)6

О-95

О-95 **Очилов, Эргаш**

Алишер Навоий / Э. Очилов.

— Тошкент Ўзбекистон, 2013. —

192 б. — (Тарих ва шахс).

ISBN 978-9943-01-943-0

Алишер Навоий ўзбек адабий тили ва адабиётига асос солган буюк суз санъаткори, Шарқ ижтимоий-фалсафий, маънавий-ахлоқий тафаккур тараққиётига катта ҳисса қўшган забардаст мутафаккир, Ҳусайн Бойқаро салтанияннинг барқарорлиги ва гуллаб-яшинашини таъминлагани йирик давлат арбоби, илму фан, адабиёт ва санъатнинг улкан хомийси бўлган машхур маърифатпарвар зот сифатида ўзбек тили, тарихи, адабиёти, маданияти ва санъати ривожида алоҳида ўрин тутади. Рисолада бу фавқулодда истебдод соҳибииннинг ибратли ҳаёти, серкирра фаолияти, давлат арбоби ва маънавият хомийси, адолатли амалдор ва саховатли инсон сиймосида амалга оширган хайрли ва эзгу ишлари, бой ва ранг-бараанг адабий-илмий мероси, ижодининг асосий йўналишлари, жанрий таркиби ва мавзу доираси, улмас ғоя ва карашлари, асарларининг бадинӣ баркамоллиги сирлари ва шонрлик махоратининг айрим кирралари тўғрисида илмий-оммабон усулда хикоя қилинади.

УЎК: 821.512.133(092)Навоий

КБК 84(5Ў)6

ISBN 978-9943-01-943-0


© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2013



Алишер Навоий халқимизнинг онг ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг фурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир...

Агар бу зотни авлиё десак, у – авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак – мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак – шоирларнинг султонидир.

Ислом КАРИМОВ



СЎЗ МУЛКИНИНГ СОҲИБҚИРОНИ

Султон Ҳусайн Бойқаро Алишер
Навоий ижодига юксак баҳо бериб,
уни нафаси ўликка жон бағишлаган
Исо Масих каби туркий тилнинг ўлган
жасадига рух ато этган сўз мулки-
нинг соҳибқирони деб таърифлаган
эди. Ҳақиқатан ҳам, ўзининг қудратли
қалами кучи билан ҳаётлигига Шарқ
мамлакатларини забт этиб:

*Олибмен таҳти фармонимга осон,
Черик чекмай Хитодин то Ҳуросон.*

*Ҳуросон демаким, Шерозу Табрез –
Ки, қилчишдур наиб килким шакаррез.*


*Кўнгул бермиш сўзумга турк, жон ҳам,
Не ёлгуз турк, балкич туркмон ҳам, –*

дея ўзининг тенгсиз шеърий салохияти, асарларининг шухрати билан ифтихор этган шоир бугунги кунда беш аср беридаги забардаст халафи Абдулла Орипов ҳавас ва ҳайрат билан ёзганидек, "миллиард мартабали жаҳон" илму адаб аҳлининг эътиборини ўзига қаратиб турибди:

*Байтингга бир бора қовушган ҳар лаб,
Такрорлаб кетгуси маҳшаргача то.
Қаратиб турибсан бу ён, не ажаб,
Миллиард мартабали жаҳонни ҳатто.*

Юксак бадиияти, теран фалсафаси, кенг қамрови, умуминсоний масалалар ўзининг ҳассос ифодасини топгани жиҳатидан Алишер Навоий асарлари жаҳон адабиётининг энг баркамол на муналари билан бўйлаша олади ва шоирнинг ўзи дунёнинг Ҳомер, Фирдавсий, Низомий, Румий, Ҳофиз, Данте, Шекспир, Бедил, Ҳёте, Бальзак, Пушкин, Толстой каби буюк санъаткорлари билан бир қаторда туради.

Жалолиддин Румий ўз даврида лутф этиб: "Агар муслимият Саноий-



нинг улуғлигини кўра билсайди, жамики мўминларнинг қалпоғи бошидан тушарди!" – деган эди. Биз бу фикрни бир оз ўзгартириб: "Агар инсоният Навоийнинг буюклигини англаб етганида, уни дунёга берган халқни бошига кўтарар эди!" – деган бўлар эдик.

"Хафт авранг" хотимасида Абдураҳмон Жомий Алишер Навоийнинг истеъоди ва маҳоратига юксак баҳо бериб, у Низомий Ганжавий ва Амир Хусрав Дехлавий панжасига муносиб панжа ура олди, ҳатто улардан ҳам ўзиб кетди. Яхшиямки, у асарлари ни туркийда яратди, агарда форсийда қалам тебратганида борми, бошқаларга бу майдонда жавлон уриш учун мажол қолмас эди, деб ёзади:

*Ки гар буди он ҳам ба назми дари,
Намонди мажоли сухангустари.
Ба мизони он назми мўжазнизом
Низомий ки буди-ю, Хусрав қадом?*

Алишер Навоий ижоди абадий барҳаётлигининг сири шундаки, у азалий ва абадий мавзуларни юк-

сак маҳорат билан қаламга олган: мұхаббат, вафо, дүстлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, поклик, тұғрилик, мәрдлик, саховат, қаноат, адолат, олийжаноблик, әзгулик, ор-номус, иффат-хаё, камтарлик каби инсоний фазилатларни улуғлаган бўлса, ёмонлик, зулм-зўрлик, ноҳақлик, эътиқодсизлик, бевафолик, дилозорлик, ҳасад, риё, кибр, ёлғон сингари иллатларни кескин танқид қилган. Инсоният жамияти мавжуд экан, бу ижобий ва салбий хусусиятлар у ёки бу даражада яшайди. Бинобарин, Навоий каби ҳассос шоирларнинг әзгуликни улуғлаш, ёвузликни қоралашга йўналтирилган асарлари ҳамма даврларда ҳам жамият манфаатларига бирдай хизмат қиласкеради.

Алишер Навоийнинг асрдан-аср га ўтган сари тобора ошиб бораётган шухратининг асл сабаби ҳам асарларининг юксак бадииятида. Шоир шеърлари нафакат мазмунининг чуқурлигию фалсафасининг қуюклиги, балки шаклан гўзаллиги, бадиий



санъатларга бойлиги, ҳассос рухи ва дилўрттар оҳанги билан ҳам кишини ўзига тортади. У ўзбек тилини улуғлабгина қолмай, айни пайтда, ўзбек адабиётини, бадиий сўзни-да баланд пояга кўтарди. Навоий асарларининг ҳамиша, ҳамма даврларда авлодлар учун қўл етмас чўкки бўлиб қолаётганинг сабаби шунда.

ТЕМУРИЙЛАРГА ЯҚИН ХОНАДОН

Алишернинг ота томонидан бобоси Амир Темурнинг Умаршайх исмли ўғли билан кўкалдош (эмикдош) эди. Кейинчалик сохибқироннинг ўғиллари Умаршайх ва Шоҳрухларнинг хизматида бўлган. Отаси Фиёсиддин Баҳодир эса Шоҳрухнинг невараси – Бойсунқур Мирзонинг ўғли Абулқосим Бобурнинг яқинларидан бўлиб, мамлакатни бошқариш ишларида иштирок этган. У довюрак ва шижаотли киши бўлганлигидан Фиёсиддин Баҳодир номи билан шуҳрат тутган. Уни Фиё-

сиiddин Кичкина, Кичкина Баҳодир ҳам деганлар. Кичкина лақаби унинг жуссасига эмас, балки ёшига нисбатан кўлланган. Чунки у Умаршайхнинг Ҳамадонда ҳукмронлик қилган бешинчи ўғли Бойқаро Мирзонинг фарзанди Фиёсиiddин Мансур билан кўкаaldoш эди – адашларни бир-биридан фарқлаш учун ёш жиҳатдан уч йилга кичик бўлган Алишернинг отасини Фиёсиiddин Кичкина деб атаганлар. Аслида эса у паҳлавон келбатли бўлиб, Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро” (“Шоирлар тазкираси”) асарида ёзишича, “замонасининг машхур кишиларидан ва Чифатой улуси қаҳрамонларидан эди”. У жуда кўп шеър ёд билар ва адабий давраларнинг фаол иштирокчиси эди. Унинг бармоқ вазнида шеърлар ёзгани ҳам нақл қилинади. Унга берилган Бахши лақаби гўё шу билан боғлиқ эмиш. Аслида бу унинг сарой амалдорларидан эканлигини билдиради – бахши деганда, девон ходимлари, котиблар, маҳкама хизматчилари назарда тутил-

ган. Давлатшоҳнинг маълумот бериши-ча, маърифатпарвар, фозил, саховатли ва мардона киши бўлган Фиёсиддин Баходир ўғлига “фазилат ўргатишни тарқ этмади, тамом ҳимматини саодатли фарзандини фазл безаклари билан зийнатлаш ва хидоят нурлари билан равshan этишга сарфлади”. Навоийнинг ўзи ҳам “Насойим ул-муҳаббат” (“Муҳаббат шабадалари”) тазкирасида отасининг олийжаноб, факиру дарвешларга меҳрибон, тасаввуф аҳлига ихлоси баланд киши эканлиги ҳақида гапириб ўтади. Бир йили кишда подшоҳ топшириғи билан Астрободга кетаётганида юпун кийинган бир дарвеш ундан кийимини сўрайди, у эса раҳми келиб, тўнини ечиб беради. Урушлар чоғида асир тушганлардан кўпчилигининг ҳам хунбаҳосини тўлаб, озод қилиб юбораверар экан.

Онаси Кобул амирзодаларидан Абусаид Чангнинг қизи бўлиб, номи маълум эмас. Абусаид Чанг Бойқаро Мирзо даврида Қандаҳорда амир бўлган. Маълум буладики, Алишер

Навоийнинг ота томонидан ҳам, она томонидан ҳам авлодлари юкори лавозимларда ишлаган обрў-эътиборли ва темурийларга яқин кишилар бўлишган. Навоийнинг “Бадоев ул-бидоя” девони дебочасида “ота-отадин етти пуштға дегинча бу рафев дудмоннинг бойири бандаси ва бу васеъ останнинг мавруси туғмаси, яъни бу хоназоданинг хонаводаси ва хонаводанинг хоназодаси эрди:

*Отам бу останнинг хокбези,
Онам ҳам бу саро бўстон канизи, –*

(“ота-бободан етти пуштгача бу кутлуғ хонадоннинг эътиборли бандаси ва бу юксак остананинг меросий туғмаси, яъни бу фақирнинг авлоди ва авлоднинг фарзанди эди. Отам бу улуғ даргоҳнинг хизматкори, онам эса бу кутлуғ қасрнинг чўриси”) деб ёзиши бежиз эмас. “Ҳар холда Алишернинг ота-онаси ё узоқ ва садоқатли хизмат натижасида ёки қон-қариндошлик на-тижасида темурийларга жуда ҳам яқин

бўлгани, улар орасида “ӯз кишиси” хисоблангани аниқ”¹.

Алишернинг ўзи эса Ҳусайн Мирзо билан эмикдош эди. Бойқаро Мирзо хонадонининг ичкиларидан бўлган онаси доя сифатида унинг ўғлини ҳам эмизган эди. Шу тариқа Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сияр”да маълумот беришича, Навоийнинг “буюк ота-боболари қадимдан Мирзо Умаршайх Баходир ибн Амир Темур Кўрагон хонадонининг хос кишилари жумласидан эдилар ва кўкалдошлиқ мансаби эътибор қалами билан уларнинг хотир лавҳига битилган эди”².

Алишернинг икки тоғаси бўлиб, каттаси Мирсаид – Кобулий, кичиги Мухаммад Али – Фарибий тахаллуси билан ижод қилишган. “Мажолис уннафоис” (“Нафис мажлислар”) тазки-

¹ Султон И. Навоийнинг калб дафтари. – Тошкент: F.Фулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. 1969. 33-бет.

² Алишер Навоий замондошлари хотирасида (Тузувчи Б.Аҳмедов). – Тошкент: F.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. 115-бет.

расида у икки тоғасининг ижодидан ҳам намуналар келтиради. Кичиги яхшигина созанда ҳам бўлиб, ёш Алишер илк мусиқий сабоқни ундан олган.

XVI аср тарихчиси Абдулмўминхоннинг “Том ут-таворих” (“Мукаммал тарихий воқеалар тўплами”) асарида маълумот берилишича, унинг Ҳасан Али Жалойир деган тоғаси ҳам бўлиб, Навоий вафот этганида энг яқин кишилари қаторида жанозага бош-қош бўлган.

Навоийнинг бир акаси ва бир укаси бўлган. Дарвеш Алибек унинг туғишиган укаси бўлиб, кўп йиллар Ҳусайн Бойқаронинг ҳали вояга етмаган ўғли Иброҳим Ҳусайн номидан Балхда беклик қилган. 1482 йилда унга амирлик рутбаси берилган. Маждиддин вазирлиги даврида саройда Навоийга қарши фитналар кучайгач, 1490 йили Ҳисор ҳокими Султон Маҳмуд билан биргаликда шохга қарши исён кўтаради, бу иши учун зиндонга солиниб, 1494 йили ҳажга бориб келиш учун рухсат олади. 1498

бўлгани, улар орасида “ӯз кишиси” хисоблангани аниқ”¹.

Алишернинг ўзи эса Ҳусайн Мирзо билан эмикдош эди. Бойқаро Мирзо хонадонининг ичкиларидан бўлган онаси доя сифатида унинг ўғлини ҳам эмизган эди. Шу тариқа Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сияр”да маълумот беришича, Навоийнинг “буюк ота-боболари қадимдан Мирзо Умаршайх Баходир ибн Амир Темур Кўрагон хонадонининг хос кишилари жумласидан эдилар ва кўкалдошлиқ мансаби эътибор қалами билан уларнинг хотир лавҳига битилган эди”².

Алишернинг икки тоғаси бўлиб, каттаси Мирсаид – Кобулий, кичиги Мухаммад Али – Фарибий тахаллуси билан ижод қилишган. “Мажолис уннафоис” (“Нафис мажлислар”) тазки-

¹ Султон И. Навоийнинг қалб дафтари. – Тошкент: F.Фулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1969. 33-бет.

² Алишер Навоий замондошлари хотирасида (Тузувчи Б.Аҳмедов). – Тошкент: F.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. 115-бет.

расида у икки тоғасининг ижодидан ҳам намуналар келтиради. Кичиги яхшигина созанда ҳам бўлиб, ёш Алишер илк мусиқий сабоқни ундан олган.

XVI аср тарихчиси Абдулмўминхоннинг “Том ут-таворих” (“Муқаммал тарихий воқеалар тўплами”) асарида маълумот берилишича, унинг Ҳасан Али Жалойир деган тоғаси ҳам бўлиб, Навоий вафот этганида энг яқин кишилари қаторида жанозага бош-қош бўлган.

Навоийнинг бир акаси ва бир укаси бўлган. Дарвеш Алибек унинг туғишиган укаси бўлиб, кўп йиллар Ҳусайн Бойқаронинг ҳали вояга етмаган ўғли Иброҳим Ҳусайн номидан Балхда беклик қилган. 1482 йилда унга амирлик рутбаси берилган. Маждиддин вазирлиги даврида саройда Навоийга қарши фитналар кучайгач, 1490 йили Ҳисор ҳокими Султон Маҳмуд билан биргаликда шоҳга қарши исён кўтаради, бу иши учун зиндонга солиниб, 1494 йили ҳажга бориб келиш учун рухсат олади. 1498

йили Макка сафаридан қайтгач, яна сарой хизматига олинади. Бир муддат табиблик билан шуғулланади, Навоий кутубхонасида китобдорлик қилади, шу билан бирга, шеърлар ҳам ёзиб туради. Ҳирот аввал Мұхаммад Шайбонийхон (1507), кейин Шоҳ Исмоил Сафавий томонидан истило қилингач (1510), аввал Шайбонийхон, 1511 йилдан Захириддин Мұхаммад Бобур хизматида бўлади.

“Хамса”нинг сўнгги – “Садди Искандарий” достонининг якуний фаслларидан бирини Навоий Дарвешалига бағишилаб:

*Манга нисбат ичра қариндошсен,
Бу беш ганжинким, ушотди тилисм,
Неча гавҳар айлай санга доги қисм, –*

деб ёзади ва унга насиҳатлар қилади. Шоир ўзининг қуидаги машхур байтини айнан укасига насиҳат ўлароқ айтади:

*Навосиз улуснинг навобахши бўл,
Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўл.*

Дарвешали тоғаси Ҳасан Али Жалойирнинг қизи Офоқбегимга уйланган. Офоқбегим ҳассос ва ҳозиржавоб шоира сифатида халқ орасида машхур эди. У, асосан, форс-тожик тилида шеърлар ёзган. Дарвешали Балх ҳокими бўлган даврда илм ахлига ҳомийлик қилган. Манбаларда унинг ҳозиржавоблик билан бадиҳа тарзида айтган гўзал рубоий ва байтлари сакланиб қолган.

Шайх Баҳлулбек Алишер Навоийнинг ота бир, она бошқа акаси бўлиб, у ҳам табобатга қизиқкан, табъи назм соҳиби сифатида муаммолар ҳам машқ қилган. Бир муддат Хоразмда ҳокимлик қилиб, истеъфога чиққач, Навоийнинг хўжалик ишларини бошқарган.

СЎЗГА ОШНО БОЛАЛИК

Алишер Навоий 1441 йил 9 февралда Ҳиротнинг Бони Датлатхона деган жойида туғилган. Машхур тарихчи Ҳондамирнинг “Макорим ул-ахлоқ”

(“Яхши хулқлар”) асарида маълумот беришича, бу ҳижрий 844 йилнинг товуқ йили бўлиб, рамазон ойининг 17 куни – чоршанбага тўғри келади.

Алишернинг болалиги Амир Темурнинг тўртинчи ўғли Шоҳруҳ Мирзо ҳукмронлигининг сўнгги йилларида кечган. У темурийзода Ҳусайн Бойқаро билан бирга тарбияланган. Тўрт ёшида мактабга бориб, ўткир зехни ва нодир қобилияти туфайли қисқа бир фурсатда савод чиқарган, кўплаб туркий ва форсий шеърларни ёд олган.

1447 йили Шоҳруҳ вафотидан кейин мамлакатда бошланиб кетган тоҷтаҳт курашлари туфайли Фиёсиддин Кичкина оиласи ҳам уз тинчлигиги кўзлаб, вақтинча Ироққа кўчади. Йўлда – Тафт шахрида олти ёшли Алишер таникли тарихчи олим, “Зифарнома” муаллифи Шарафиддин Али Яздий билан учрашиб, бийрон жавоблари ва тийрак ақли билан унинг эътироф ва дуосига сазовор бўлади.

Бир неча йиллик саргардонликдан сўнг, Навоий оиласи 1452 йили

260890

Хиротга қайтади. Бу пайтда ҳокимият Абулқосим Бобур кўлига ўтган, мамлакатда барқарорлик ўрнатилиб, Хирот ўзининг аввалги мавқеини тиклай бошлаган эди. Дарвештабиат, гўзал хулқли ва маърифатпарвар бу хукмдорни Бобур Қаландар ҳам деганлар. Давлатшоҳнинг маълумот берисича, бу хукмдор “даврида мамлакат идораси ва давлатга кафиллик унинг (Фиёсiddин Кичкинанинг – Э.О.) кўлида булиб, сultonнинг яқин кишиси эди”. 1452–1453 йилларда Бобур уни Сабзавор шахрига ҳоким қилиб тайинлайди. Алишер эса Хиротда қолиб, ўқишини давом эттиради, форс ва араб тилларини ўрганади. Шарқ адабиётини ташналик билан мутолаа қиласиди, шеърият билан шуғуллана бошлайди.

Аслида адабиётга ҳавас унда оила муҳитида уйғонган эди. Отаси Фиёсiddин Кичкина шоиртабиат инсон, тоғалари Мирсаид Кобулий ва Муҳаммадали Фарибий шоир бўлганликларидан уларнинг хонадонида шеърият муҳлислари тез-тез мифилиб,

адабиёт ва санъат ҳақида қизғин сұхбатлар қуарар әдилар. Ўз-ўзидан, бу давралар ёш Алишер тақдирида беиз кетмади. Уларнинг бирида уч ярим яшар Алишер машхур мутасаввиф шоир Косим Анворнинг бир байтини ўкиб, ҳаммани қойил қолдиради. Кейинчалик “Мажолис ун-нафоис” тазкирасининг аввалги мажлисини шеърлари ва ваъзлари Хиротда кенг шухрат тутган, тариқатдаги мақоми шеъриятдаги мавқеидан юксак бўлган темурийлар давридаги тасаввуфнинг мазкур йирик намояндаси номи билан бошлар экан, уч билан тўрт ёш орасида бўлганимда ёд олган илк шеърим шайх-шоир ғазалининг ушбу матлаи эди, деб маълумот беради:

*Риндему ошиқему жаҳонсузу жома чок,
Бо давлати гами тузи фикри жаҳон чи бок.*

Мазмуни: “Жаҳонга ўт күювчи ёқаси чок ошиқу риндлармиз. Сенинг ғаминг давлати турганда дунё ташвиши билан зарра ишимиз йўқ”.

Беш-олти ёшларида эса авлиё шоир Фаридиддин Атторнинг сўфиёна мазмундаги “Мантиқ ут-тайр” (“Кушнутки”) достони унинг эс-хушини ўғирлаїди. Бу асар ёш Алишерга шударажада кучли таъсир кўрсатадики, у ўзини одамлардан четга оладиган, ёлғизликни ёқтирадиган бўлиб қолади. Бундан ташвишга тушган ота-онаси унга бу китоб мутолаасини ман этишади. Лекин бу тақиқлар беҳуда бўлиб, у 4600 байт (9200 мисра)дан иборат мазкур достонни ёд олиб улгурган – байту мисраларини ичидаги такрорлаб, уларнинг ботиний маъноларини чақишига ҳаракат қиласар эди. Умрининг ниҳоясида унинг таъсирида назира тарзида яратган “Лисон ут-тайр” (“Куштили”) достонида бу ҳакда унинг ўзи шундай ёзади:

*Менинг ул ҳолатда табыи булҳавас
“Мантиқ ут-тайр” айлаб эрди мултамас.*

*Топти сокин-сокин ул такрордин,
Сода кўнглум баҳра ул гуфтордин.*

*Табъ ул сўзларга бўлгөоч ошно,
Қилмади майл ўзга сўзларга яно.*

*Одат этдим ул ҳикоятлар била,
Күш мақолидин киноятлар била.*

*Чун бираг сўздин топиб табъим кушиод,
Топсан эрдиким, недур ондин мурод.*

*Завқ кўп хушҳол этар эрди мени,
Шарҳи онинг лол этар эрди мени.*

“Алишернинг Аттордек буюк шоирни анча тушуниб, унинг руҳига кириб, унинг достонига жондан берилиб кетиши – Навоийдаги даҳонинг (генийнинг) илк уйғониши эди, деб айтишга асос беради”¹.

Маълумки, Шарқда бадиий сўзнинг мақоми юксак, шунга мувофиқ, шоир олдига қўйиладиган талаблар кучли бўлган. Айтайлик, шоирлик ҳавасидаги киши ўзидан олдин ўтган буюк сўз санъаткорлари меросидан 30 минг ватаникли замондош қалам ахли ижодидан 20 минг – жами 50 минг байт (100 минг мисра) шеърни ёд билиши шарт ҳисобланган. Алишер Навоий ҳам “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида

¹ Султон И. Навоийнинг калб дафтари. – Тошкент: 1969. 64-бет.

йигитлик чоғида эллик мингдан ортиқ байтни ёд билибгина қолмай, улар устида фикр юритиб, мағзини чаққани, таҳлил қилиб, муаллифлар махоратига баҳо бергани ҳакида маълумотлар берида. Чунки шоирлик унинг қисмати эди. Ўзи "Хамса"да ёзганидек:

*Шеърки, ҳам тушти менинг шонима,
Ул ўту бу тошдуур жонима.*

*Не дей олурмен тузубон баркими,
Мумкин эмас худ туторим таркини.*

"Хазойин ул-маоний" ("Маънолар хазинаси") девонлар туркуми дебочасида айтишича, у етти-саккиз ёшларидан шеър ёза бошлаган. Болалигидан у Мавлоно Лутфий, Амир Шохий Сабзаворий, Камол Турбатий каби шоирлар билан бевосита ёки мактуб орқали мулоқотда бўлади. Жумладан, Шохий ҳакида: "Факир агарчи ани кўрмадим, аммо анинг била факрни орасида эълом ва ирсол воқеъ бўлди", – деб ёzáди. "Хар ҳолда, 80 яшар бир забараст шоир билан 12 яшар ҳаваскор

боланинг хат ёзишиши боланинг адабиёт соҳасида етарли даражада тайёр бўлганлигини кўрсатади”¹.

Ўн икки ёшидаёқ ўша даврдаги туркий шеъриятнинг малик ул-каломи (сўз султони) Мавлоно Лутфийнинг эътироф ва таҳсинига сазовор бўлган.

*Оразин ёпқоч, кўзумдин сочишур ҳар
лаҳза ёш,
Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз ниҳон
бўлгоч қуёш, –*

матлали ғазалини тинглар экан, забардаст шоир:

– Кани эди мұяссар бўлса, ўзимнинг ўн-ўн икки минг форсий ва туркий байтимни шу ғазалга алмашар ва бу ишнинг амалга ошганини зўр муваффакият ҳисоблар эдим, – деган ҳайратини яшиrolмай. Бу воқеа ёш бўлишига қарамай, ўша вактдаёқ Навоийнинг шоирлик маҳорати нақадар

¹ Айний С. Алишер Навоий // Асарлар. Саккиз жилдлик. 8-жилд (Мақолалар). – Тошкент: F.Фулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967. 238-бет.

юксак бўлганлигини кўрсатади. Шундан келиб чикиб, Садриддин Айний Навоий “ун икки яшарлигида ўзини адабиёт мамлакатининг хуқукли гражданларидан бири деб ҳис қилди”, – деб ёзади.

Сайид Ҳасан Ардашер унинг 14 ёшида ёзган қуйидаги матлалар билан бошланадиган ғазалларини қайта-қайта ўқиб, завқланар экан:

*Фурқатингдин заъфарон узра тўкармен
лолалар,
Лолалар эрмаски, багримдин эрур парголалар...*

*Ул паривашким, бўлубмен зору саргардон анга,
Ишқидин олам манга ҳайрону мен ҳайрон
анга...*

У 15 ёшидаёқ машхур шоир бўлиб танилади: икки тилда бирдай маҳорат билан қалам тебратади. “Ёшлик чоғларидаёқ икки тил эгаси – туркий шевада соҳиби фан, форсийда соҳиби фазл бўлди”, деб ёзади бу ҳақда Давлатшоҳ Самарқандий. “Алишер Навоий йигитлик ва шогирдлик чоғида адабиёт соҳасида устозлик да-

ражасига етган эди"¹. Дарҳақиқат у йигитлигидәң етук ва ҳассос шеърлари билан халқ орасыда машхур бўлибина қолмай, шеъриятни нозик тушунар ва теран ҳис қилар эди. Шоирлар шеър ўқиганда услубига қараб, унинг мисралари қандай қофия билан тугашини олдиндан айтиб туради. Бу жиҳатдан унинг ўзи “Мажолис ун-нафоис” тазкирасининг иккинчи мажлисида келтирган Мавлоно Аёзий хусусидаги латифа дикқатга сазовор.

“Мавлоно Аёзий – ғарип шакллик киши эрди. Атвори ва сўзи хоҳ назм, хоҳ насрда ғарип эрди. Факир бир мажлисида Пули Молонда ани кўрдум, бир анжуманда бир қасидасин ўкуйдур эрди. Ҳар байт бунёд қилса, сўз услубидин қофиясин айта берур өрдим. Бағоят ҳайрат қилди. Уч йилдан сўнг Бони Сафедда яна бир мажлисида биайнихи ушмундоқ воқеъ бўлди. Ул яна ҳайрат бунёд қилди. Бурунги мажлис аҳлидин бу мажлисида ҳам неча киши бор эрди. Андин

¹ Айний С. Алишер Навоий. 247-бет.

сүрдиларким, ҳаргиз бу навъ киши күрубмусен, чун күзида заъф бор эрди, дедики, күрмаймен, магар уч йил мундин бурунрок Пули Молонда бир йигит күрдум, ул ҳам бу навъ шуъбадабозлик қилди. Мажлис аҳли кулуштилар".

Айни пайтда, у илм таҳсилини бир лаҳза ҳам тұхтатмайды. Забардаст арузшунос олим Яхе Себакнинг шогирди сабзаворлик Дарвеш Мансурдан аruz илми, замонасининг машхур мусиқашуноси Хожа Юсуф Бурхондан мусиқа назариясини ўрганади. Мавлоно Фасихиддин Низомий хузурида фиққ ва фалсафадан сабоқ олади. Шунингдек, тарих ва хаттотлик билан ҳам жиддий шуғулланади. Муаммо айтишда асрининг ягонаси бўлган Мавлоно Ҳумойи Навоийга муаммо фанидан дарс беради. Шу тариқа, Ҳондамирнинг ёзишича, Алишер Навоий "ёш болалик даврининг аввалидан ҳаётининг охиригача файз ва баракали вактининг кўп қисмини илм ва санъат таҳсилига сарф қилди. Турли

билимларни ўзлаштириш ва ҳар хил фанларни ҳосил қилиш йўлида озгина фурсатни ҳам қўлдан бермади".

ПУРМАҲНО ТАХАЛЛУСЛАР

Садриддин Айнийдан:

— Тахаллусингиз нима маънони англатади? — деб сўраганларида:

— Айн сўзининг 48 та маъноси бор. Мен уларнинг қайси бирини сизга айтиб берай? Яхшиси, ўзингиз луғатга караб, маъноларини билиб олаверинг, — деган экан.

Маълум бўладики, ижод ахли тахаллус танлаганда унинг ўз ижодий ниятлари ва фаолият йўналишларига мос келишигина эмас, балки кўп маънолилигига ҳам эътибор беришган. Алишер Навоий ҳам бундан мустасно эмас. Таникли шарқшунос Е.Э. Бертельснинг ёзишича, шоир "тахаллуслари шеърларининг тилига эмас, балки уларнинг фақат мазмунига асосланади". Биз биламизки, у зуллисонайн шоир бўлиб, шунга мувофиқ равишда икки тахаллус соҳиби ҳамдир: ўзбек

(туркий) тилида Навоий, тожик (форсий) тилида Фоний тахаллуси билан ижод қилган.

Навоий “наво” сўзидан олинган бўлиб, унинг маъно қирралари кўп. Бизда эса унинг факат бир – куй, оҳанг, кўшиқ, ашула маъноси ҳисобга олинган. Бу ҳақда халқ ичидаги ривоят хам тўқилган.

Фавқулодда истеъдоди, тийрак ақли, билимга чанқоқлиги билан алоҳида ажralиб турган Алишер еттисаккиз ёшлиридан шеър машқ қилиб, одамларнинг тилига тушган бўлса-да, ҳали ўзига муносиб тахаллус танламаган экан. Бир куни у янги қоралаган шеърини боғда овоз чиқариб замзама қилганида булбул унинг ёқимли ва жарангдор қироатига мафтун бўлиб:

– Сен ўқиган шеър булбулларнинг тонгги навосидан хам жозибали ва таъсирчан экан, – деб лутф этибди ва сўрабди:

– Исминг нима?

– Алишер.

– Сен янги чиққан шоир экансан.

Энди ўзингга чиройли бир тахаллус

танлаб, шеър ёзганда охирига дарж қил.

Алишерга булбулнинг тилидан чиққан “наво” сўзи ёкиб қолибди ва ўзига Навоий деб тахаллус олибди.

Наво сўзининг ҳам маъно кирралари кўп бўлиб, куй, оҳанг, қўшиқдан ташқари, у озик, кут, физо; бойлик, давлат; захира; насиба, баҳра; чора, тадбир; мададкор; мушкулни ҳал қилувчи, бир ишни бажарувчи; интизом, тартиб, равнақ; гаров, гаров тарзид; гаровга қўйилган нарса; овоз, садо; тириклик воситаси, яшаш учун зарур нарсалар каби маъноларни ҳам билдиради.

Таниқли олим Иззат Султон шоирининг:

*Даҳр боғида бўлиб комим право,
Комронглар топти назмимдан наво, —*

(“Бу дунё боғида мақсадим амалга ошиб, баҳтли инсонлар шеърларимдан баҳра топдилар”) мазмунидаги байтидан келиб чикиб, у “баҳра, насиба, мақсад” маъносига айни тахаллус-

ни танлаган деб ёзадики, бу фикрда жон бор. У шеъриятни рух ғизоси, қалб озиғи билиб шундай тахаллус олган бўлиши ҳам мумкин. Умуман, ўзига тахаллус қилиб танлаганда, Айний каби, Навоий ҳам унинг бир неча маъноларини кўзда тутган бўлиши шубҳасиз.

Шоирнинг форсий шеърларида кўллаган Фоний тахаллуси ҳам кўп маъноли бўлиб, у ҳам луғавий, ҳам мажозий, бошқача айтганда, ҳам дунёвий, ҳам тасаввуфий (асосан) маънога эга. Фоний йўқ бўлиш, ўлиш маъносидаги “фано” сўзидан олинган бўлиб, луғавий маъноси йўқ бўлувчи, завол топувчи, ўткинчи, омонат, вақтинча, собит эмас. Тасаввуфий маънода эса у моддий боғлиқликлардан буткул қутулиб, фақат Худо ёди билан яшаш, Худодан ўзгага эҳтиёжсизлик демакдир.

Маълумки, тариқатга кирган солик қалбини поклаш ва хулқини гўзаллаштириш орқали камолот касб этиш ва Ҳаққа етиш учун қатор риё-

зат босқичларини босиб ўтади. Бу тасаввуфий адабиётларда мақомлар сифатида кўрсатилса, “Мантиқ ут-тайр” ва “Лисон ут-тайр”да водийлар тарзида тасвиrlenади – улар 7 та: талаб, ишқ, маърифат, истиғно, тавҳид, ҳайрат, факру фано. Мухтасар қилиб айтганда, Ҳақни хоҳлаган киши уни излаб Талаб йўлига киради. Талаб этиш эса, ўз-ўзидан Ишқ пайдо қиласи. Ишқдан Оллоҳ ҳақидаги илм – Маърифат ҳосил бўлади. Илоҳий маърифатга етган кишининг Ҳақдан ўзгага эҳтиёжи қолмайди. Бу Истиғно – эҳтиёжсизлик мақоми. Айни дарражага етган солик Оллоҳнинг ягоналигини ҳис қилиш юксаклигига кутариладики, бу Тавҳид дейилади. Оллоҳни ҳис қилган унинг буюклигидан Ҳайратга тушади. Бу Ҳайрат уни Факру фанога олиб келади. Факру фано – тариқатнинг сунгги мақоми. Оллоҳдан бўлак ҳамма нарсадан узилиб, ёлғиз Ҳаққа боғланиш, таваккул эътиқоди билан яшаш. Таваккул – комил эътиқод ва тўла ишонч

билин үзини Яратганинг ихтиёрига топшириб, дунё, тириклик ва нафс ташвишидан бутунлай фориғ булиш. Е.Э. Бертельснинг ёзишича, фанодан кейин унинг мантикий давоми бўлмиш бақо келади. Бақо – абадийлик, мангулик. Тасаввуфда фанодан кейин келувчи сўнгги боскич. Бақога етиш учун солик дунёвий боғлиқликлардан тамомила озод бўлиб, рухини юксалтиради ва бевосита Худони тарқ этади. “Демак, фано – тариқатнинг охирни, ҳақиқатнинг эса бошланиши”¹.

Маълумки, Алишер Навоий тасаввуф аҳлига алоҳида ҳурмат ва муҳаббат билан қараган. Ўзида ҳам дарвешликка майл бўлган. Ҳатто дунёдан узилиб, факирлик йўлини тутмоқчи бўлганида Ҳусайн Бойқаро уни бу аҳдидан қайтарган. Лекин бу тоифага мойиллик охир-оқибат 1476 йили уни накшбандия сулуки муршиди Абдураҳмон Жомийга қўл бериб, расман тариқатга киришига олиб кел-

¹ Олим С. Мунда Фоний бўлмай иш ўлмас тамом // “Шарқ юлдузи”, 1991, 2-сон, 156-бет.

ган. Бинобарин, у пири раҳбарлигига риёзат боскичларини босиб ўтиб, фанофиллоҳ (Оллоҳ йўлида фано бўлган) макомига етган. Бунинг амалий натижаси сифатида умрининг охирида болалиқдан таъсирида юргани Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” асарига жавобан “таржума расми била” “Лисон ут-тайр”ни яратган ва ўзбек тилида ёзилган бўлишига қарамай, унга Фоний тахаллусини қўллаган. Бу ҳақда унинг ўзи достон ниҳоясида “Мунда фоний бўлмай иш бўлмас та мом” деб изоҳ беради. Иккинчидан, фанога етиш йўли кўрсатилган асаннинг ўзи Фоний тахаллусини тақозо қиласар эди. Учинчидан, бу тахаллус шоирда мавжуд эди.

Аслида Навоий болалигига “Мантиқ ут-тайр”ни ёд олиб, унинг таъсирида юрган пайтларидаёқ ўзига Фоний тахаллусини танлар экан, буларнинг барчасини ҳисобга олган. Лекин ёшлиқда бу олий орзу эди, ҳаёти ниҳоясига келиб эса у ҳақиқатга айланди.

Мазкур тахаллуснинг маъно киралари ва тадрижий такомили ана шулардан иборат.

Маълум бўладики, Алишер Навоий ҳар иккала тахаллусини ҳам ҳар томонлама чуқур ўйлаб, муайян мақсадларни кўзда тутиб танлаган¹.

НАВОИЙ МАШҲАДДА

Алишер Навоий 1454 йили – 13–14 ёшларида отасидан ажралгач, ўзи ҳам яхшигина шоир бўлган маърифатпарвар подшоҳ Абулқосим Бобур уни ўз ҳимоясига олади. 1456 йили мамлакат пойтахти Машҳадга кўчирилиб, Абулқосим Бобур ўз хизматида бўлган Алишерни ҳам, Ҳусайнни ҳам ўзи билан бирга олиб кетади. Лекин 1457 йили Абулқосим Бобур тўсатдан вафот этгач, Ҳусайн Бойқаро ҳокимиятни эгаллаш учун куч тўплаш мақсадида Марв ва Чоржўй томон йўл олади.

¹ Бу масала С. Олимнинг “Ишқ, ошиқ ва маъшук” рисоласида (Тошкент: “Фан”, 1992) ҳар томонлама кенг ва чуқур ёритилган.

Алишер Навоий эса Машҳадда қолиб, машхур тарихчи Мирхонд таъбири билан айтганда, “фазл касб этиш ва илм орттириш билан машғул бўлди”. “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида: “Султон Абусаид Мирзо замонида Машҳадда ғариб ва хаста бир буқъа (жой; хонақоҳ – Э.О.)да йиқилиб эрдим”, – деб ёзганидан унинг бу ерда анча қийналиб, мадраса талабалари учун ажратилган ҳужрада яшаганлиги маълум бўлади. Бир гал боши ёстиққа етганида ҳатто бир пиёла сув тутадиган киши топилмаган. Бизнингча, мана бу рубоий шоирнинг айнан Машҳаддаги мусофиричилик азобларини ўзида акс эттиради:

*Дар гурбатам афтода зи ҳижрони ҳабиб,
Аз шиддати заъф гашта бо марғ қариб.
Ёре на, ки орад ба сари хаста табиб,
Зоре на, ки жўяд кафан аз баҳри ғариб.*

Эргаш Очилов таржимаси:

*Солди мени ҳижрон ичра ҳижрони ҳабиб,
Заъф шиддатидан бўлдим ажал
бирла қариб.*

*Бир ёр қани – бу хастага келтирга
табиб,
Бир зор қани – излашга каған үлса ғарип.*

Лекин кўп ўтмай у шаҳарнинг таникли шоир ва фозилларидан бўлган Камол Турбатий билан танишади ва у доимий равишда Алишернинг ҳолидан хабар олиб туради. Саййид Ҳасан Ардашер ва Паҳлавон Муҳаммадлар ҳам уни ёлғизлатиб қўймайдилар. Шу тариқа, 18 яшар Алишер ҳаётининг олти-етти йили Машҳад мадрасаларда таҳсилини камолга етказиши билан ўтади. Машҳадда у диний ва тасаввуфий илмлар билан жиддий шуғулланади. Шунингдек, мантиқ, фалсафа ва аниқ фанлардан сабоқ олади. Абулқосим Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Дехлавий, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Хоғиз Шерозий, Камол Ҳўжаңдий, Қосим Анвор каби буюк форс-тожик сўз санъаткорлари ижодини чуқур ўрганади. Форсий ва туркийда кўплаб шеърлар ёзиб, зуллисонайн (икки тилли) шоир сифатида шухрат қозонади. Алишер Навоий

ҳаётининг Машҳад даври унинг шахс ва шоир сифатида шаклланишида алоҳида ўрин тутади.

САМАРҚАНДДА ЎТТАН ЙИЛЛАР

Абулқосим Бобур вафотидан ке-йин Хуросон таҳтини Самарқандда ҳукмронлик қилаётган Султон Муҳаммаднинг ўғли Абусаид Мирзо эгаллаб, пойтахтни Ҳиротга кўчиради. 1463–1464 йилларда Ҳиротга қайтган Алишер Абусаид Мирзо мулозаматига сазовор бўлиш учун ҳаракат қилди, лекин Мирхонднинг ёзишича, “уз ҳолига муносиб риоят ва тарбият то-полмади”. Чунки Навоийга яқин кишилар қувғин қилиниб, юқори лавозимларни Мовароуннахрдан келган Абусаид одамлари эгаллаган эди. Бунинг устига, отасидан қолган мулкни ҳам янги подшоҳ давлат ихтиёрига ўтказиб олган. Ноилож қолган Алишер Абусаиднинг амалдорларидан амир Султон

Ҳасан Арсангий хизматига киради. Бир очкүз гадойга охирги тангасини хайр қилгани ҳақидаги ҳикоясидан унинг Ҳиротда ҳам қийналиб яшагани маълум бўлади. У шундай ҳикоя қиласди:

Абусайд Мирзо замонида жума куни Ҳирот шахри ичидаги масжиди жомеда жума намозини адо қилгандан кейин Ҳиёбонда сайд қилиш учун ўша томонга жўнадим. Муфарриҳ кўчасига яқинлашганимда бошяланг ва оёқяланг ҳолда ўтирган бир гадойни кўрдим.

У айтар эди:

— Аёлманд бир кишиман, бир неча оч-яланғоч болаларим бор, эрталабдан буён ўтириб тиланаман, ҳозиргача ҳеч ким бир пул бергани йўқ.

Ўша вактда ёнимда бир танга бор эди, ундан бошқа дунё молидан ҳеч нарсам йўқ эди. Ўз-ўзимга шундай дедим: “Таваккал қилиб, бу тангани шу дарвешга берсанг, токи хотин, бола-чақаларининг бугунги овқатини тўғриласа, сенинг эса эрталик риз-кингни Худонинг ўзи етказар”.

Тангани унга бериб, ўтиб кетдим. Намозшомгача Хиёбонда сайр килиб юриб, қайтишда кўрдимки, ҳалиги дарвеш ўша жойда ўтириб, илгариги сўзларни айтиб тиланарди. Унинг ҳаддан ташқари ёлғончилиги ва гадойликдаги ўта ҳарислигидан таажжубландим. Аммо бу ишдан хабардор бўлганимни унга билдирамадим.

Кўпчилик Алишер Навоий Абусаид Мирзо томонидан Самарқандга сургун килинган деган фикрни илгари суради ва бунга бир қанча асослар бор: биринчisi – Абусаид Мирзо Абулқосим Бобурга қарши курашиб тахтни қўлга киритган, Навоий эса унинг ҳимояси ва тарбиятидаги шоир эди; иккинчи – у ўзига қарши ҳокимият учун курашаётган Ҳусайн Бойқаронинг дўсти ва тарафдори эди (тоғалари Мирсаид ва Мухаммад Али ҳам Бойқаро томонида туриб ўзига қарши курашгани учун Абусаид уларни қўлга тушириб, катл эттиргани маълум); учинчиси – Навоий Абусаид Мирзонинг зулм-зўрликка асосланган давлат сиёсатидан норо-

зи бўлиб, турли вилоятлар (масалан, Бадахшон)да унга қарши кўтарилиган исёнларни кўллаб-қувватлар эди; тўртинчиси – Навоийнинг халқ ичидага тобора ошиб бораётган нуфузи уни хавотирга соларди. Бу сабабларнинг барчаси Навоийнинг пойтахтдан узокда бўлишини тақозо қилар эди ва у таҳсилини янада камолга етказиш баҳонаси билан Самарқандга кетишига мажбур бўлади. “Чунки Абусайднинг кўли остида Ҳиротда унинг ҳаёти таҳлика остида эди”. Бунинг устига, Абусайднинг ари инига ўхшаб нотинчидора усули бор ерда тингчлик билан илм олиш мумкин эмасди”¹.

Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ҳар томонлама кенг ва чукур тадқиқ этган И. Султон шу муносабат билан икки нуктага эътиборни жалб қиласади: биринчиси – ўша “даврнинг умум ахлоқига биноан Темур авлодлари ҳакида салбий фикр айтиш ўзи айб хисобланар эди...” Шунинг учун “Навоий асарларида Абусайдга салбий му-

¹ Айний С. Алишер Навоий. 245-бет.

носабат аник, аммо күпинча пардали равища ифода этилган.

Даставвал, "Мажолис ун-нафоис" да Абусайднинг йўқлиги факти диққатни ўзига жалб этади. Замонасининг энг кўзга кўринган, илм ва санъатга сал бўлса ҳам алоқаси ва ҳомийлиги бўлган ҳамма кишиларни қисқача тавсифлаб берган, темурий шахзодаларга эса маҳсус (еттинчи) "мажлис" бағишлиланган бу китобда Абусайд факат бошқа шоирлар муносабати билан (масалан, Қабулий Лаълий ва Ибн Лаълийларнинг қотили сифатида) тилга олинади, албатта, бу тасодифий ходиса эмас. Бу факт – Навоийнинг Абусайдга қаттиқ салбий муносабатда бўлганининг нишонаси деб айтишга асос бор. Чунки бирор шахсни "Мажолис ун-нафоис" га киргизмаслигини Навоий ўзи ўша шахсга жуда салбий баҳо нишонаси деб хисоблар эди¹. Навоий ўзига фарзанд мақомида бўлган, тарбияси ва камолоти учун барча шароитларни

¹ Султон И. Навоийнинг қалб дафтари. 196-бет.

муҳайё қилиб берган, лекин истеъдо-ди ва маҳоратидан ҳаволаниб, киbru fuur орқасида ёмон йўлган кирган ва бу билан валинеъматининг кўнглини қаттиқ ранжитган Шоҳкули Фижжакчини ҳам, гарчи кейин кечирса-да, лекин жазо сифатида мазкур тазкирага киритмаганлиги фактини эсланг.

Самарқанд Навоийнинг ҳаёти ва ижодий такомилида катта роль ўйна-ди. У бу ерда илмини камолга етка-зади, шеъриятда тажриба орттиради. Фикҳ ва араб тилида даврининг яго-наси бўлган Фазлуллоҳ Абуллайсий хузурида ислом ҳуқуқшунослиги ва араб тили бўйича билимларини яна-да чуқурлаштиради. “Мажолис ун-нафонс” тазкирасида бу ҳақда: “Фа-қир икки йил аларнинг қошида сабак ўкуб эрдим, анча илтифотлари бор эр-диким, “фарзанд” дер эдилар”, – деб ёзади.

Алишер Навоий Самарқандда 1465 йил охиридан 1469 йилнинг баҳоригача яшайди. Асли ҳиротлик бўлган, Ва-фоий тахаллуси билан шеърлар ёзган

Самарқанд ҳокими Аҳмад Ҳожибек унга алоҳида хурмат-эҳтиром кўрсатиб, ҳамиша қўллаб-кувватлаб турган. Унинг ёрдамида Навоий давлат ишларида ҳам қатнашиб, муайян тажриба ҳосил қиласди. Самарқанддаги сиёсий фаолияти учун унга “Чигатой амири” унвонини беришган. Самарқандда Шайхим Суҳайлий, Мирзобек, Мавлоно Ховарий, Мир Қарший, Ҳарими Қаландар, муаммогўй Улойи Шоший, олим Мавлоно Мухаммад каби замона фозиллари билан дўстлашди.

1469 йили Абусаид Мирзо Корабоғда ўз аскарлари томонидан ўлдирилади. Бундай қулай вазиятдан фойдаланган Ҳусайн Бойқаро Ҳирот тахтини эгаллайди ва болалик дўсти Алишер Навоийни давлатни бирга бошқариш учун таклиф қиласди. 1469 йили 14 апрель куни Рамазон ҳайити муносабати билан ўтказилган қабул маросимида Алишер Навоий Ҳусайн Бойқарони тахтга чиққани билан қутлаб, унга “Ҳилолия” қасидасини тақдим этади. Ўз навбатида, подшоҳ

уни мухрдорлик вазифасига тайинлайди. Бу саройдаги энг катта мансаблардан бири бўлиб, давлат аҳамиятига молик ҳар қандай хужжат мухрдор орқали расмийлаштирилар эди. Шу кундан эътиборан Алишер Навоийнинг сиёсий фаолияти бошланади.

Хиротга қайтгач, Навоий отасидан қолган мол-мулкка эга бўлади. Бунинг устига, Ҳусайн Бойқаро ҳам унга Хирот, Сабзавор ва бошқа жойлардан катта мулклар ажратиб берди. У ўз мулкларидан келган барча даромадни хайрли ишларга сарфлар – истеъдод эгаларини қўллаб-қувватлар, бева-бечораларга ёрдам килар, хайру садака, инъом-эҳсон этар, кўшимча солиқларни ёнидан тўлаб юбориб, камбағал аҳолининг жонига оро кирап эди.

НАВОИЙ – ДАВЛАТ АРБОБИ

Мухрдор бўлиб ишлар экан, Алишер Навоий оқил сиёsatчи, одил амалдор, узокни кўра оладиган давлат ар-

боби, жасур саркарда ва моҳир дипломант сифатидаги истеъдодининг янги кирраларини намоён этади.

1469 йилнинг сентябрида Ҳиротда нотинч вазият юзага келади: ҳокимият учун интилаётган яна бир темурийзода Ёдгор Мирзо Ҳусайн Бойқарога қарши хужум бошлайди. Ҳусайн Бойқаронинг у билан жанг килгани кетганидан фойдаланган Ҳожа Абдулло ва Ҳожа Низомиддин Баҳтиёр каби амалдорлар халққа зулм ўтказиб, Ҳирот ахолисининг исён кўтаришига сабаб бўладилар. Вазиятни изга солиш учун Навоий юборилади. Навоий халқнинг ҳакли талаб-истаклари эътиборга олиниши, золимлар тегишли жазога тортилиб, мамлакатда адолат ўрнатилиши лозимлиги тўғрисидаги шоҳнинг расмий фармойишини олиб келади ҳамда халқни тинчлантириб, уни жоме масжидида ўқиб эшиттиради. Шу тарика, у оқил ва тадбиркор сиёсатчи сифатидаги ноёб истеъдодини намойиш килиб, ҳеч кимга бўйсунмаган халқни тинчтиш чорасини топади, айбор-

ларни жазога тортади. Ҳиротда тартиб ва тинчлик ўрнатиб, Султоннинг эътиборини қозонади.

Хусайн Бойқаро Машҳад яқинида Ёдгор Мирзони енгса-да, ўзига қарши юриш бошлаган Мовароуннахр ҳокими Султон Аҳмад Мирзо билан урушга киришади. Бундан фойдаланган Ёдгор Мирзо Ҳиротдаги аммаси Поянда Султон Бегим билан тил бириктиради ва Озарбайжон ҳукмдори Узун Ҳасандан ёрдам олиб, 1470 йил 30 июня Ҳирот тахтини эгаллайди. Лекин у эришган муваффакиятидан фуурланиб, айшу ишратга берилиб кетади, мамлакатда тартибсизлик авжига чиқади. Унинг тахтга келишига ёрдам берган Озарбайжонлик амирлар зулмининг ҳаддан ошиши халқни норози қиласди. Вазиятни синчковлик билан кузатиб турган Хусайн Бойқаро Ҳиротга кўшин тортади. Навоийнинг маслаҳати билан кечаси тұсатдан ҳужум қилишга келишилади. Ҳужум 1470 йил 22 август куни кечаси амалга оширилади. Ёдгор Мирзо Боги Шимолдаги қасрда

эди. Хондамирнинг хабар бернишича, Ҳусайн Бойқаро ёнидагиларни қасрга чиқишига ундаиди, лекин ҳеч ким бунга журъат этмайди. Шунда Алишер Навоий қиличини ҳасса қилиб, яширин йўл орқали қасрга чиқади. Султон унинг ортидан Амир Кул Алини юборади. Иккаласи Ёдгор Мирзони қўлга оладилар ва у қатл этилади. Шундай қилиб, Навоийнинг сиёсий ҳийласи ва жасорати туфайли Ҳусайн Бойқаро тахтни иккинчи марта қўлга киритади.

Давлатни бошқариш ишларида салохияти етарли бўлса-да, Навоий гўё икки ўт орасида қийналарди: бир томонда – биргаликда давлатни идора этайлик деб, унга умид кўзини тикиб турган болалик дўстининг юз хотири, иккинчи томонда – ўз олдига қўйилган буюқ мақсади, улкан ижодий режаларининг қолиб кетаётгани. Ўзини адабиётсиз, ижодий ишларсиз тасаввур этолмаган Навоий султонга илтимос қила-қила ўрнига самарқандлик дўсти, шоир Шайхим

Сүхайлийнинг тайинланишига эришади. Унинг мақсади саройда маслаҳатчи бўлиб қолиб, кўпроқ ижодий иш билан шуғулланиш эди. Лекин Ҳусайн Бойқаро 1472 йилнинг февралида уни янада юксак лавозимга – бош вазир мансабига кўтариб, “Амири кабир” – “Улуг амир” унвонини беради. Шоир ўз лавозимидан халқ манфаатини ҳимоя этиш, золим ва порахур амалдорларга қарши курашиш, юртни обод, элни маъмур килиш мақсадида фойдаланди. Шунинг учун ҳам Шарафиддин Роқимий: “вазирлик ишларидаги шу даражада маҳоратга эга эдикি, собит тадбири билан давлат ойинаси юзидан кудурат зангини аритди”¹, – деб ёзган эди. Унинг тинчлик, бунёдкорлик, халқпарварлик, адолатпарварлик, маърифатпарварликка асосланган сиёсий ва маданий фаолияти золим ва тамагир, ўз фойдасидан бошқа нарсани ўйламайдиган, мансабни бойлик

¹ Шарафиддин Роқимий. Тарихи томм (Х.Бобеков ва Н.Норқулов таржимаси). – Тошкент: “Маънавият”, 1998. 61-бет.

орттириш воситаси деб ҳисоблайдиган амир-амалдорларга ёқмади. Улар давлат хазинасининг ободончилик ва маданий ишларга сарфланишини сира-сира истамас эдилар. Бунинг устига, Навоийнинг талаби билан ўз мансабини суиистеъмол қилган кўплаб амалдорлар ўз вазифасидан четлатилади. Натижада, унга қарши қураш кучайди: улар Навоийни саройдан четлаштириб, Ҳусайн Бойқаронинг жиловини ўз қўлларига олиш учун Навоий устидан бўхтон устига бўхтон уюштиришар, тинимсиз ифво тўкир эдилар. Бу фитналар охир-оқибатда Навоийнинг 1476 йили вазирликдан истеъфо бериши билан ниҳоясига етди (Абу Али ибн Сино ҳам Ҳамадонда Шамсуддавланинг вазири бўлиб фаолият кўрсатганида унинг халқпарварлиги ва адолати атрофидаги амалдорларга ёқмай, унга қарши ҳарбийлар исёнини уюштиришган эди. Шунинг учун ҳомийси вафот этгач, аллома унинг ўғли Самоуддавла тахтга ўтиргач, вазирликдан истеъфо беради). Лекин

бирор расмий мансабга эга бўлмаса ҳам, Султон Ҳусайн Бойқаронинг энг яқин дўсти ва маслаҳатчиси сифатида Навоийнинг саройда таъсири ҳамиша кучли эди. 1487 йили Навоийнинг одами бўлган Ҳожа Афзалнинг вазирликдан бўшатилиб, ўрнига муттаҳам ва тамагир Муҳаммад Маждиддиннинг тайинланиши, Навоийнинг эса Астрободга ҳоким қилиб жўнатилиши ана шу уринишлар самараси эди. Султон ва унинг атрофидагилар Навоийнинг ҳалқ ўртасидаги катта обрў-эътибори, юксак нуфузидан ҳам ҳайиқардилар.

Навоий Астрободда икки йил фаолият кўрсатиб, бу ерда ҳам бутун кучини вилоятда тартиб ўрнатиш, аҳоли осойишталигини таъминлаш, ободончилик ишларини йўлга қўйиш, қўшни давлатлар билан муносабатларни яхшилашга сарфлади. Қизғин ижодий иш билан шуғулланди. Лекин пойтахтдаги душманлари уни Ҳиротдан четлашиб ҳам тинчимадилар – унга қарши фитна уюштирудилар. Бунинг тафсилоти қуйидагича:

Навоий хос мулозими бўлган жияни Ҳайдарни баъзи расмий топшириқлар билан Ҳиротга юборганида, бир даврда Навоийга сунқасд қилингани, ошпаз унга заҳар қўшилган таом бермоқчи бўлгани, бундан хабар топган шоир фазабга миниб, Ҳусайн Бойқарога қарши исён кўтармоқчи эканлигини айтади. Бу гап Ҳиротда овоза бўлиб кетади. Ҳусайн Бойқаро дархол Навоийга мактуб йўллаб, бу ишдан мутлақо хабари йўклигини маълум қиласди. Навоий ўз жавобида бу уйдирмани рад этади ва жиянининг хатосини кечиришини илтимос қиласди. Ҳусайн Бойқаро гарчи кечирғанлигини айтиб, дўстини хотиржам қилса-да, ўз хона-дони шаънига қилинган бу тухматни унутмайди. Ҳайдар барча хизматлардан четлатилади. У Бадахшонга кетиб, бир неча йил ўша ерда хизмат қиласди. 1498 йили Бадахшондан Ҳиротга элчи бўлиб келганида уни тутиб, катл эттиради.

Ўша даврда етилган вазиятни чуқур таҳлил этган, сарой фитнала-

рининг оқибатини мулоҳаза қилган Садриддин Айний замон муаррихлари бу ҳакда рўй-рост гапирмай, унга гўё миш-миш тусини берсалар-да, шундай бир воқеа содир бўлишини мантиқ тақозо қилишини айтади:

“Аммо Султон Ҳусайн, Маждиддин ва сарой аъёнлари кайфиятидан уларнинг Алишерни заҳарлаш фикрига тушгандари равshan кўриниб туриди. Бу фармон яширинча баковулга берилган ҳам. Аммо Алишернинг хизматчилари унга ошиқлардай содик бўлганликлари туфайли баковул бу хабарни маҳфий равишда унга етказган, у эса буни эшитиб, Султон билан ўз орасига рахна солиб, очик юзмаяз олишувга бориб етмаслик учун бу сирни маҳфий тутишни лозим кўрган. Бироқ Алишернинг тоғаваччаси Мирҳайдар бу сирни фаҳмлаб, Навоийнинг норозилигига қарамай, мастлик билан фош қилиб кўйган. Бу ишда ҳақиқатда ҳам айбдор бўлган Султон саросимага тушиб, ўзини гуноҳсиз қилиб кўрсатиш учун қасам ичган.

Ҳақиқатда ҳам агар подшоҳ бегуноҳ бўлганда эди, тухматдан халос бўлиш учун касам ичишнинг нима ҳожати бор эди? Қасамсиз ҳам ҳақиқат юзага чиқар эди. Бир ҳақиқатни юзага чиқариш подшоҳ учун у қадар қийин эмас эди”¹.

Бу воқеадан хабар топган Навоийнинг укаси Дарвешали Балхда исён кўтаради. Мажбур бўлган Ҳусайн Бойқаро Навоийнинг Ҳиротга қайтишига рухсат беради. Лекин унга бир қанча лавозимни таклиф этса-да, шоир бирортасига рози бўлмайди. Шундан кейин Навоийга “Муқарраби ҳазрати султоний” (“Султон ҳазратларининг энг яқин кишиси”) деган расмий унвон берилади. Бу унвонга кўра у давлат аҳамиятига молик барча ишларга аралаша олар, хукмдор билан ҳар куни кўришиши мумкин эди. Ҳатто Маждиддин ҳам ҳар бир масала юзасидан у билан маслаҳатлашишга мажбур бўлади. Зулми ҳаддан ошиб, норозиликлар кучайгач, бу золим ва

¹ Айний С. Асарлар. 282-бет.

фиску фасод соҳиби 1490 йилда сиёсий ҳаётдан кетади. Унинг ўрнини эса яна бир золим ва жоҳил Низомулмулк эгаллади.

Алишер Навоий уз сиёсий фаолиятининг бошиданоқ Ҳусайн Бойқарони адолат билан сиёсат юритиш, ҳалқка зулм қиласликка, мамлакатни хароб эмас, балки обод килиш, иқтисодни кўтаришга, савдо-сотикни ривожлантириш, фан ва маданиятни қўллаб-кувватлашга даъват этиб келди.

Ҳусайн Бойқаро ҳокимиятни қўлга киритганидан кейин ўтган салкам кирқ йиллик ҳукмронлик мобайнида бирор юртга истилочилик юришларини уюштирмади, аксинча, мамлакатни ижтимоий-иктисодий жиҳатдан юксалтириш, ободончилик ва бунёдкорлик ишларини олиб бориш, фан, маданият адабиёт ва ҳунармандчиликни ривожлантириш, истеъдод эгаларини қўллаб-кувватлаш йўлини тутдики, бунда Навоийнинг хизмати ва таъсири катта.

Алишер Навоий Ҳусайн Бойқаро давлатини мустаҳкамлаш, унинг Мова-

роуннахр, Эрон, Ирок, Озарбай-
жон билан дўстона алоқаларни йўлга
кўйиш, ўзаро урушларнинг олдини
олиш, подшоҳ ва ўғиллари ўртасидаги
низоларни бартараф этиш, мамлакат-
да тинчлик ва тартиб ўрнатиш, халқ
осойишталигини таъминлаш, адолат-
ни устувор этиш, соликларни муайян
меъёрга солиш, кишлоқ хўжалиги,
хунармандчилик ва савдо-сотиқни ри-
вожлантириш, ободончилик ва бунёд-
корлик ишларини кучайтириш, илм-
фан, маданият ва санъатга эътибор
бериш, қисқаси, мамлакатнинг гуллаб-
яшнатиш йўлида бутун куч-ғайратини
сарф этди. Ҳусайн Бойқаро даврида
Ҳиротнинг Шарқнинг машхур илм ва
маданият марказига айланишида Али-
шер Навоийнинг хизматлари катта.

АБАДИЯТТА МУҲРЛАНГАН УМР

Навоий XV асрнинг 80-йиллари ик-
кинчи ярмидан эътиборан соғлигидан
шикоят қила бошлаган эди – бу нарса

унинг шеърларида ҳам баъзида ишоралар тарзида кўринади.

Хондамир “Макорим ул-ахлоқ” китобида улуг шоирнинг сўнгти кунларини бутун тафсилотлари билан ёзиб қолдирган. 1500 йил жумодилохир ойининг еттинчи куни – сешанбада у Астрободда отасига қарши исён кўтарган Муҳаммад Ҳусайн Мирзони тинчтиб, Ҳиротга қайтаётган Ҳусайн Бойқарони кутиб олиш учун Кусавия кишлоғига йўл олади. Йўлда Париён работида тўхтаб дам оладилар. Работ деворларига ёзилган шеърлардан умрнинг ўткинчилиги ҳақидаги биттаси шоирга кучли таъсир қилиб, атрофидагиларга фурсати етганда барча ҳам бу фоний дунёдан бокий дунёга кўчиши, Оллоҳнинг иродасига қарши бориб бўлмаслиги ҳақида гапиради. Бу воқеа эртаси куни – чоршанбада содир бўлади. Яна йўлга чиқадилар. Навоий кун бўйи ўқиган шеърининг таъсирида юради. Поёб работида тўхтаганларида кечаси Султоннинг Амир Шоҳмалик деган работга келиб тўхташи ва эр-

таси куни яна йўлда давом этиши хакидаги хабар келади. Шу кечаси Навоий яхши ухлай олмайди, соғлиги ёмонлашиб, тез-тез бошида оғриқ туради. Париён работида ўқиган шеъри таъсирида сўнгги ғазалини ёзиб, китобдори Мавлоно Али Бурхонийга буюриб кўчиритиради-да, чопар орқали Ҳусайн Бойқарога юборади. Пайшанба куни у бомдод намозини ўқигач, Амир Шоҳмалик работи сари йўл олади. Шунда у ўзининг боши айланаётганини сезиб, Амир Ҳожа Шаҳобиддин Абдулла деган яқин кишисига ўзидан хабардор бўлишини айтади.

Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий Ҳиротдан ўн бир тош наридаги Ҳожа Аббос деган жойда учрашадилар. Шоир шоҳ билан кўришиш учун отдан тушганида юриш учун ҳам мажоли қолмагани маълум бўлади. Амир Ҳожа Шаҳобиддин ва Мавлоно Жалолиддин Қосимлар унинг икки қўлтифидан тутиб, Султон қошига олиб борадилар. Бу ҳолдан Ҳусайн Бойқаро ташвишга тушиб, шоирни ўзининг тахтираво-

нига ётқизиб, зудлик билан Ҳиротга олиб боришни буюради. Ҳожа Абдуллаға эса унинг ахволидан хабардор бўлишни тайинлаб, Работи Париёнга қараб жўнайди. Шу маҳал рангининг ўзгариши ва нафас олишидан унда сакта аломатлари пайдо бўлгани маълум бўлади. Тиб илмидан хабари бор кишилар қон олса, тузалиб кетишини маслаҳат берадилар. Аммо табобатда моҳир бўлишига қарамай, Абдулҳай табиб хато қилиб қўйишдан қўркиб, масъулиятни бўйнига олишни истамайди: “Ҳиротга боргач, табиблар билан кенгашиб, биргаликда бир иложини топиш керак”, – дейди. Йўлда хастанинг дарди оғирлашгач, Ҳондамир изтиробга тушиб, агар тезда қон олинмаса, кейин иложи бўлмаслиги мумкинлигини айтади. Бу гапдан тараддуға тушган Ҳожа Абдулла Султонга хабар етказиб, вазиятни тушунтиради. Қон олишга рухсат берилади. Лекин чопар бориб келгунча фурсат бой берилган эди. Ҳар қанча уринмасинлар, бешолти томчидан ортиқ қон чиқмайди.

Касал борган сари кучаяди. 1501 йил 1 январь – жума куни кечаси шаҳарга кириб келадилар. 2 январь куни эрталабдан барча табиблар тўпланиб, бир неча марта қон олишга уринадилар, аммо вакт қўлдан кетганлиги учун фойдаси бўлмайди. Дўстининг бошига келган Султон ҳам унинг ҳушдан кетиб, ахволи тузатиб бўлмайдиган даражага етганини ҳис қиласди. 1501 йилнинг 3 январи – якшанба тонгига буюк шоир оламдан ўтади.

Навоий дўсти билан биргаликда асосини қўйган ва биргаликда мустаҳкамлаган давлат тобора инқирозга юз тутиб борар эди. Аввал Маждиддин, кейин Низомулмулк каби муттаҳам ва жоҳил кишиларнинг вазирлик лавозимиға тайинланишлари, уларнинг даврида амир-амалдорлар орасида тамагирлик ва халққа зулм ўтказиш кучайиб кетгани, Султон Ҳусайн Бойқаро билан ўғиллари ўртасида юз бераетган муттасил курашлар ва низолар улуғ шоирни руҳий жиҳатдан бениҳоя толиктирган эди. Ота-онасидан ёш

жудо бўлиб, етимликнинг барча азобларини тортгани, тоғалари Мирсаид ва Муҳаммад Али Абусаид Мирзога карши жангларда ўлиб кетиб, суюнчиқсиз қолгани, Машҳад, Ҳирот ва Самарқанддаги мاشаққатларга тўла хаёти ҳам шоирни эрта қаритган эди. Бунинг устига, кетма-кет у севган ва суюнган устозлари – Сайид Ҳасан Ардашер (1488), Абдураҳмон Жомий (1492), Пахлавон Муҳаммад (1493) вафот этадилар. 1496 йили Низомулмulk ва Ҳадичабегимнинг фитнасига учиб, шоҳ невараси – Бадиуззамон Мирзонинг ўғли ва Навоийнинг севикили шогирди Мўмин Мирзони қатл қилдиради. 1498 йили эса Навоийнинг жияни – тоғаси Мирсаид Кобулийнинг ўғли Ҳайдар Сабухийни ўлдиртиради. Буларнинг барчаси қалби буюк мақсад ва режаларга тўла бу буюк инсоннинг bemahal ўлимига сабаб бўлди.

САХОВАТ САЛТАНАТИНИНГ СУЛТОНИ

Миллат фахри Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига, ижодига нигоҳ ташласак, бунёдкорлик, хайру саховат, меҳру муҳаббат, эзгулик, одамларнинг оғирини енгил қилиш, дардига малҳам бўлиш, истеъдод соҳибларини, умуман, барча соҳадаги меҳнат аҳлини муттасил ва фаол қўллаб-кувватлаш, бу фидойи инсон умрининг мазмун-моҳиятига, ижодининг асосий тамойилига айланиб кетганлигининг гувоҳи бўламиз.

*Кишида барча ахлоқи ҳамида
Чу жамъ ўлди – қўярлар отин эҳсон.
Бири андин саходур, бир – мурувват,
Булар гар йўқтур, инсон эрмас инсон,*

яъни кишида барча эзгу хислатлар жам бўлса, бир сўз билан унинг отини эҳсон дейдилар. Бу фазилатларнинг бири – саховат бўлса, иккинчisi – мурувват. Бу икки фазилатдан маҳрум инсон инсон эмас, деган улуғ шоир ва

улкан давлат арбоби бўлган Алишер Навоий бутун умрини эзгулик тантанасига бағишлади, ўзи саховат ва муруватнинг олий намуналарини кўрсатиш билан кифояланмай, асарлари билан ҳам кишиларни бу эзгу фазилатларни эгаллаш ва ҳаётга татбиқ қилишга даъват этиб келди.

Машхур муаррих Мирхонд “Равзат ус-сафо” (“Поклик боғи”) асарида: “Хайру эхсон, латофат ва кўнгил зарофати бобида амир Алишернинг тенги йўқ...”, – деб ёзган эди. Дарҳакиқат, Навоийнинг барча эзгу фазилатлари ва хайрли ишларини, одамларга қилган яхшиликларини бирма-бир қайд этса, жилд-жилд китоб бўладики, уларнинг ҳажми шоирнинг ўзи ёзган асарлардан-да ошиб кетса, ажаб эмас. Хирот ва унинг атрофидаги вилоятларда Навоийдан у ёки бу даражада ёрдам олмаган, ундан бирор яхшилик кўрмаган одамни учратиш қийин эди. “Навоий сиймоси ўзи Хиротнинг энг гўзал безаги бўлишдан ташқари, пойтахтга маданий кучларни тортув-

чи оҳанрабо булиб хизмат қилар, бу ерда юзлаб истеъодли кишиларнинг равнақига мадад берар эди”¹.

Навоий, хусусан, маърифат ва маданиятнинг буюк ҳомийси эди. Унинг моддий ва маънавий мададидан баҳраманд бўлган илму фан, адабиёт ва санъат аҳлининг ҳисобига етиб бўлмайди. “Ахли фазл ва ахли хунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эрмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай”, – деб ёзади бу ҳақда Бобур. – Устоз Кулмуҳаммад ва Шайх Нойи ва Ҳусайн Удийким, созда саромад эдилар, бекнинг тарбият ва тақвияти била мунча тараққий ва шухрат қилдилар. Устоз Беҳзод ва Шоҳ Музаффар тасвирда бекнинг саъй ва эҳтимоми била мундоқ машхур ва маъруф бўлдилар. Мунча бинойи хайрким, ул қилди, кам киши мундоқка муваффак бўлғай... Мирзодин нима олмас, балки йилда Мирзоға куллий маблағлар пешкаш қилур эди”.

¹ Султон И. Навоийнинг қалб дафтари. 274-бет.

“Вақфия” асарида буни Навоий-нинг ўзи ҳам эътироф этади:

“Илгимдан келганча зулм тифин ушотиб, мазлум жароҳатиға интихол марҳамин қўйдим. Ва илгимдан келмагани ул Ҳазрат арзига еткурдим”.

Ўз навбатида, Султон Ҳусайн Бойқаро ҳам Навоийга йўллайдиган мактубларини ҳамиша шундай бошлар экан:

“Хидоят эгаси, шараф ва ҳурматнинг қайтиш жойи, дину давлат эгаларининг сараси, мулку миллат эгаларининг етакчиси, хайру эҳсонларни таъсис этувчи, хайру эҳсон муассасаларига равнақ берувчи, салтанат устуни, подшоларни кўлидан етакловчи, хоқон давлатининг умиди, султон ҳазратларининг яқин дўсти, хақиқат ва дин низоми амир Алишер...”

Маълумки, XV асрнинг иккичи ярмида Ҳиротда адабиёт, санъат, маданият, илм-фан гуллаб-яшнади. Бунда Навоийнинг давлат арбоби, ҳомий ва ташкилотчи, устоз сифатида катта ҳиссаси бор. У нафакат Ҳирот

ва унинг атрофидаги, балки бошқа мамлакатлардаги кўзга кўринган кишиларни ҳам ёнига тўплади. Мирхонд, Атоуллоҳ Ҳусайнин, Мавлоно Фасихиддин, Ҳусайн Воиз Кошифий, Абдураззок Самарқандий, Давлатшоҳ Самарқандий, Ҳондамир каби олимлар, Мавлоно Осафий, Бадриддин Ҳилолий, Зайниддин Восифий, Абдулло Хотифий каби шоирлар, Султонали Машҳадий, Абдулжамил каби хаттолар, Камолиддин Беҳзод, Қосим Али Чехракушо, Шоҳ Музаффар, Абдулло Марворид, Ҳожа Мирак Наққош, Мавлоно Мухаммад Исфаҳоний каби мусаввир ва наққошлар, Шоҳ Қули Фижжакий, Абдулқодир Нойи, Ҳусайн Удий, Дарвеш Аҳмад Конуний каби созандалар, Абдулҳай табиб, Мавлоно Ҳаким, Дарвешали табиб каби табиблар, Мавлоно Кавкабий, Ҳожа Авҳад Муставфий, Мухаммад Олим каби мунахжимлар ва бошқа кўплаб соҳа мутахассислари бевосита Навоий ҳомийлигига яшаб ижод этганлар. Чунончи, Шарқ мумтоз поэтикасининг

билимдони Атоуллоҳ Ҳусайнин ўзи мударрислик қиласидан бир ҳовли олмоқчи бўлади. Уч минг динор кепакийга уйнинг баҳосини ҳам келишадилар. Лекин шу орада бир мансабдор ундан ортиқча пул таклиф қилиб, савдони бузади. Шунда камхаржрок бўлган олим ёрдам сўраб Навоийнинг қошига келади. Навоий у харидор бўлган ҳовлидан ҳам кенг ва катта, Ҳиротнинг гўзал ва хушҳаво жойида бўлган ҳашаматли уйни унга тухфа қилиб юборади. Ёки етти жилдан иборат "Равзат ус-сафо" номли салмоқли тарихий асарини ёзиши учун Мирхондга барча шарт-шароитни мухайё қилиб беради – "Халосия" хонақоҳидаги каттагина кутубхонаси бўлган ўз хонаси ни ёзув қуроллари билан жиҳозлаб, забардаст муаррихга топширади.

"Алишер Навоий маълумотига кўра, XV асрда Ҳиротда хатларнинг 36 тури кашф этилган, мазкур хатларда ёзишини ихтисос этган маҳсус мутахассислар етишган. Ҳирот хат-

тотлари анжуманига замонасиининг машхур қиблат ул-қуттоб, яъни китоб кўчирувчи хаттолар қибласи – Султонали Машҳадий бошчилик килган”¹.

Замона фозиллари томонидан ёзилган 40 дан ортиқ асарнинг Навоий номига бағишланиши ҳам унинг ўз даври сиёсий-ижтимоий, адабий-маданий хаётида қанчалик катта роль ўйнаганлигини кўрсатиб туриди. Садриддин Айний Алишер Навоийга бағишланган тадқиқотида улуғ шоир ташаббуси билан яратилган ва унга бағишланган 46 та асарни номманин санаб кўрсатади. Улар орасида Сайфиддин Аҳмад Тафтазонийнинг “Шархи фароиз” (“Шариат фарзла-ри шархи”), Хусайн Воиз Кошифийнинг “Тафсири форсий” (“Форсча тафсир”), Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи мусикий” (“Мусика ҳакида рисола”), Мирхонднинг “Равзат уссафо”, Атоуллоҳ Ҳусайнининг “Рисо-

¹ Норқулов Н. Темурийлар даври маданияти тарихидан лавҳалар. – Урганч: “Хоразм”, 1996. 16-17-бетлар.

лаи қофия” (“Қофия ҳақида рисола”), Хондамирнинг “Маосир ул-мулук” (“Подшоҳларнинг яхши фазилатлари”) ва “Макорим ул-ахлоқ” (“Яхши хулқлар”), Аҳлий Шерозийнинг “Қасидаи маснуъ” (“Нафис қасида”), Абдулло Хотифийнинг “Лайли ва Мажнун”, “Ширин ва Хусрав” каби машхур асарлари бор.

Мамлакатдаги ободончилик ва бунёдкорлик ишларига Навоийнинг ўзи бош-қош эди. Унинг бир кунлик даромади 18 минг шохрухий динор микдорида бўлган. Лекин у ёлғиз ўзининг эҳтиёжидан ортиқ барча маблағини хайрия ишларига сарф этган. У турли шаҳарларда кўплаб мадрасалар, 17 масжид, 10 хонақоҳ, 52 работ, 20 ҳовуз, 16 кўпприк, 9 ҳаммом, 2 тўғон ва бошқа қатор бино ва иншотларни қурдирган ёки қайтадан таъмирлатган. Улар орасида Ҳиротдаги “Ихлосия”, “Низомия” мадрасалари, “Халосия” хонақоҳи, “Шифоия” шифохонаси, Куръон тиловат қилувчиларга мўлжалланган “Дор ул-хуффоз” бино-

тотлари анжуманига замонасининг машхур қиблат ул-қуттоб, яъни китоб кўчирувчи хаттолар қибласи – Султонали Машҳадий бошчилик қилган”¹.

Замона фозиллари томонидан ёзилган 40 дан ортиқ асарнинг Навоий номига бағишланиши ҳам унинг ўз даври сиёсий-ижтимоий, адабий-маданий ҳаётида қанчалик катта роль ўйнаганлигини кўрсатиб турибди. Садриддин Айний Алишер Навоийга бағишланган тадқиқотида улуғ шоир ташаббуси билан яратилган ва унга бағишланган 46 та асарни номманинг санаб кўрсатади. Улар орасида Сайфиддин Ахмад Тафтазонийнинг “Шархи фароиз” (“Шариат фарзла-ри шархи”), Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Тафсири форсий” (“Форсча тафсир”), Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолай мусикий” (“Мусиқа ҳақида рисола”), Мирхонднинг “Равзат уссафо”, Атоуллоҳ Ҳусайнининг “Рисо-

¹ Норқулов Н. Темурийлар даври маданияти тарихидан лавҳалар. – Урганч: “Хоразм”, 1996. 16-17-бетлар.

лаи қофия” (“Қофия хақида рисола”), Хондамирнинг “Маосир ул-мулук” (“Подшохларнинг яхши фазилатлари”) ва “Макорим ул-ахлоқ” (“Яхши хулқлар”), Аҳлий Шерозийнинг “Қасидаи маснуъ” (“Нафис қасида”), Абдулло Хотифийнинг “Лайли ва Мажнун”, “Ширин ва Хусрав” каби машҳур асарлари бор.

Мамлакатдаги ободончилик ва бунёдкорлик ишларига Навоийнинг ўзи бош-қош эди. Унинг бир кунлик даромади 18 минг шохрухий динор миқдорида бўлган. Лекин у ёлғиз ўзининг эҳтиёжидан ортиқ барча маблағини хайрия ишларига сарф этган. У турли шаҳарларда кўплаб мадрасалар, 17 масжид, 10 хонақоҳ, 52 работ, 20 ҳовуз, 16 кўприк, 9 ҳаммом, 2 тўғон ва бошқа қатор бино ва иншотларни қурдирган ёки қайтадан тъмирлатган. Улар орасида Ҳиротдаги “Ихлосия”, “Низомия” мадрасалари, “Халосия” хонақоҳи, “Шифоия” шифохонаси, Куръон тиловат қилувчиларга мўлжалланган “Дор ул-ҳуффоз” бино-

си, Марвдаги “Хусравия” мадрасаси ва бошқа нодир меъморчилик ёдгорликлари бор. “Алишер бу биноларни абадий хотира килиб қолдириш учун катта вакф ажратган эди.

Алишернинг Ҳиротда солдирган биноларидан яна бири “Унсия” эди. Бунда Алишернинг ўзи яшарди ва бу ерда мукаммал бир кутубхона юзага келтиради. Бу кутубхонадан замоннинг барча илм ва санъат эгалари кенг фойдаланганлар”¹. У халқнинг сайр қилиши ва дам олиши учун қатор сайргоҳ ва боғлар ҳам барпо этган. Марғани боғи, Тахти Сарипули Сангкашон, Боғчай Шавкия, Гозургоҳ, Тахти Бобо сўхта, “Ҳавзи моҳиён” иморати ёнидаги боғ шулар жумласидандир.

Маълумки, Хурросон ва Мовароуннахр худудида ер мүл бўлса ҳам, сув ҳамма жойда ҳам етарли бўлмаган. Шунинг учун Навоий ариқ ва ҳовузлар қазиш ишларига ҳам ҳамиша алоҳида

¹ Шарафиддинов О. Алишер Навоий (Ҳаёти ва ижоди). – Тошкент: Фафур Ғулом иномидаги бадиий адабиёт нашириёти, 1971. 69–70-бетлар.

ахамият берган. Унинг 19 та катта ховуз ёки сув омборлари бунёд этгани, сувсиз ерларга сув чиқаришга бошқош бўлгани бунинг ёрқин далилидир. Жумладан, Тус вилоятининг Чашмаи Гулистон боғидан Машҳадгача бўлган 70–80 км. лик канал асосан Навоий маблағи асосига қазилган. Бу ишга давлат маблағ ажратмай кўйгач, Навоий унга кетадиган барча харажатни ўз бўйнига олади, бечора аҳоли эса пул олмай ариқ қазишга рози бўлади.

Муаррихлар Навоий курдирган ва таъмирлатган бино, иншоот, масжид, мадраса, хайрия муассасалари, работ, кўприк, мақбараларнинг умумий микдорини 360 дан ортиқ деб кўрсатадилар. У савдо йўлларида курдирган ва таъмирлатган работларнинг ўзи 500 дан ортиқ деган маълумотлар ҳам йўқ эмас.

Шоир “Вакфия” асарида ўзи кўп курилиш ва ободончилик ишларини амалга оширган мавзелардан бири ўша ерда яшайдиган аҳолини иш ва тириклий воситалари билан таъминлагани

жихатидан Нематобод деб ном олганини ёзади:

*Бу буқъаки, то биноси бунёд ўлди,
Эл ҳожат ила фақрдин озод ўлди,
Дарвешу ганий неъматидан шод ўлди,
Бу важҳдин оти Нематобод ўлди.*

Давлатшоҳ Самарқандий: “Улуг амирнинг иморатлари ҳамда хайр-эҳсонларининг ҳаммасини таърифлаб тугатиб бўлмас, чунки уларнинг ҳисоб-китобига етиб бўлмас”, – деб лутф этади. Навоий даврида Хирот таниб бўлмас даражада ўзгариб кетади. Шунинг учун ҳам Давлатшоҳ Алишер Навоийга бағишлаб ширу шакар усулида (туркий ва форсийда) ёзган қасидасида Мухаммад алайҳиссалом қадами туфайли Мадина азизу мукаррам бўлгани сингари, Навоийнинг мурувват ва саховат уйғунлашган фаолияти туфайли Хирот ҳам оламнинг дорулфаズлига айланди, деган гўзал ва асосли бу фикрни билдиради:

*Ончунон, к-аз мақдами Сайийд шуда
Ясрив азиз,
Гашт дорулфаэли олам аз вужуди ў Хири.*

Хондамир эса унинг эҳсонидан бир қатрасини ерга тўксалар, лола ўрнига хар зарра тупроқдан Жамшид жоми униб чиқар эди дейди:

*Жоми Жам рӯяд ба жои лола аз ҳар
зарра хок,
Қатрае бар хок агар резанд аз эҳсони ў.*

Жамшид – Эроннинг қадимги афсонавий подшоҳларидан. Унинг машхур кашфиётларидан бири сехрли жом – кадаҳ бўлиб, ундағи май ичган билан тугамас экан. Бу ташбех орқали Хондамир Навоийнинг хайру саховати ҳам чегара билмаслиги, бениҳоялигини таъкидлайди.

1500 йилнинг августида Ҳусайн Бойқаро Мозандаронда бўлганида харажатлари учун халқдан 100 минг динор кепакий солик йифиб юборишга фармон беради. Ҳали ҳосилини йифиб олмаган фуқаро учун бу солик оғирлик қилишини айтиб, бу маблагни Навоий ўз хисобидан тўлаб юборади.

Навоий ўзи қурдирган мадраса ва хонақоҳларда истиқомат қилувчиларни

озик-овқат, кийим-кечак ва бошқа за-
рур нарсалар билан ҳам таъминлаб
турган. Бу ерларда ҳар куни мискин-
бечораларга таом тарқатилган, турли
ёрдамлар кўрсатилган. Хондамирнинг
ёзишича, "Халосия" хонақоҳида ҳар
йили 2000 та пўстин, чопон, кўйлак-
иштон, тақия ва кафш улашилган.
Навоий бино этган Хожа Абдуллоҳ
Ансорий мозорига курилган хонақоҳ,
шунингдек, "Жамоатхона", "Фаноия",
"Зиёратгоҳ" Машҳаддаги Имом Ризо
равзасида курилган "Дор ул-хуффоз",
Нишопурдаги Шайх Фаридиддин Ат-
тор сармозоридаги хонақоҳларга ҳам
ҳар куни факир, мискин ва мусофири-
ларга таом берилиб, турли хил бошқа
ёрдамлар кўрсатилган. Айниқса, Ра-
мазон ва Курбон ҳайитларида, Навоийнинг
хайру саховати чегара бил-
масди. Камбағаллар ўз ўлимларидан
олдин ўзларини кўмишда Навоийдан
ёрдам сўрашни васият қилиб кетар
эканлар. Мисол учун, бир умр боши
факирликдан чикмай, қийналиб яша-
ган Мавлоно Қабулий деган шоир

ўлими олдидан яқинларини чақириб, ўзининг ҳеч вақоси йўқлиги, жон таслим қилса, дафн харажатлари учун Навоийга мурожаат этишларини васият қилган. Навоий унинг васиятини тўла адо этади. Бу далиллар Алишер Навоийнинг хайру саховат тимсолига, ўз даврининг Хотами Тойига айланиб кетганлигидан далолат беради.

Халқнинг фойдаланиши учун шунча ижтимоий аҳамиятта молик бинолар курган, хайрия муассасалари таъсис этган, уларни етук мутахассислар ва зарур маблағлар билан таъминлаган бу саховат соҳибининг ўз ворисларига бирор-бир мерос қолдиргани маълум эмас. "Вақфия"дан маълум бўлишича, 1476 йили Султон ўзига уй қуриши учун Кўшки Марғани ёнидан унга ер ажратган ва у ерда шоир боғ-роғлик бир муҳташам ҳовли курган эди. Вафотидан кейин ўшани ҳам Ҳусайн Бойқаро эгаллаб, унинг вилоятлардаги ўғиллари ва амалдорлари келганда шу ерда туришган. У шайбонийларга қарши биргаликда курашиб учун кенгашшиб олиш

мақсадида Хиротта даъват эттанида Бобур ҳам Навоийнинг уйида яшаган.

Мехру мурувват, хайру саховатда ўзи намуна бўлган Навоий ёзган асарлари орқали ҳам кишиларни яхшилик қилишга, бир-бирини қўллаб-куватлашга чақирган. Чунончи, “Маҳбуб ул-қулуб” асарида саховат ва химмат бобида алоҳида фикр юритиб, саховатни инсоният боғининг мевали дарахтига ўхшатади, одамийлик мамлакатининг мавжли уммонига, бу уммоннинг бебаҳо гавҳарига қиёс қиласди. Саховатли кишини мул ҳосилга сабаб бўладиган серёғин булатуга, саховатсиз кимсани эса ёғмай ўтадиган баҳор булати-ю, хиди йўқ мушкка нисбат беради. Мевасиз дарахт билан ёғинсиз булатнинг, саховатсиз киши билан гавҳарсиз садафнинг баҳоси бирдир, дейди.

Саховат – инсоннинг жисми бўлса, химмат – унинг жони ва дунёдаги барча эзгууликлар олийхиммат кишилар туфайлидир. Ҳимматсиз киши – эрсонида эмас, жонсиз бадани киши

тирик демас. Одамлар күрмагунча бир-
ровга бир нарса бермайдиган киши са-
хий эмас, балки хасисдир. Сурагандан
кейингина берадиган киши ҳам сахий-
ликдан йирок. Қийин-қистов билан
бергандан кўра, бермаган яхшироқ.

Навоийнинг нуктаи назарига кўра,
молу дунёни йиғиш эмас, балки хайр-
ли ишларга, ҳалқ фаровонлиги йўлида
сарфлаш керак. Унинг ўзи шундай йўл
тутади ва бошқаларни ҳам шунга даъ-
ват қиласди. Шоирнинг ёзишича, пулу
бойликнинг қулига айланган, жонини
тикиб молу дунёга интилган киши ҳеч
қачон азиз бўлмайди:

*Ҳаргиз бўлмас жоҳу дирам зори азиз,
Жон нақди бериб, сийм ҳаридори азиз.*

Химматсиз бойнинг оқиллар олди-
да эътибори йўқ:

*Мол ўлуб, гар йўқ кишининг ҳиммати,
Маъни аҳли оллида йўқ иззати.*

“Махбуб ул-кулуб” асарида: “Битта
нонни иккига бўлиб, ярмини очга бер-
ганни сахий де, ўзи емай, ҳаммасини

мухтожга берганни ахий де", - деб ёзади.

Савол туғилади: құли очиқликда сахийдан ҳам үтадиган ахий ким бұлди экан?

Х асрдан бошлаб Хуросон ва Мовароуннахрда футувват деб аталған харакат кенг қулоч ёзған. Ўзларини жавонмардлар, ахийлар ёки айёрлар деб атаган бу тоифанинг максади - яхшилик, сифати - мардлик бўлиб, бутун умрини одамлар хизматига бағишлиш, ким бўлишидан қатъи назар барчага беғараз ёрдам қулинни чўзиш, борини ўзгалар билан баҳам кўриш, ватан, элу юрт, дўсту яқинлар учун жонини қурбон қилиш, зохиран ва ботинан пок бўлиб юриш, факат эзгулик деб яшаш уларнинг ҳаёт тарзи хисобланган. Бошқача айтганда, жавонмардлик ёки ахийлик - дунёдаги барча яхши фазилатларни эгаллаш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш демак. Шунинг учун ҳам "Қобуснома"да айтиладики: "... жавонмардликка яқин

бүлғил, токи жаҳон аҳлининг яхшиси бўлғайсан".


Ахийнинг сахидан устунлигининг сабаби шунда. Навоийнинг шу мазмундаги бир фарди ҳам машҳур:

*Мурувват барча бермакдур – емак йўқ,
Футувват барча қилмакдур – демак йўқ.*

Маълум бўладики, шоир тушунчасига кўра, ўзи емай, борини ўзгаларга бериш чинакам мурувват ҳисобланади. Футувват эса одамларга факат яхшилик қилиш-у, лекин бу ҳакда гапирмаслик, яъни миннат қилмаслик. Унинг эътиқоди бўйича яхшиликни миннат қилиш – уни йўққа чиқариш билан баробар:

*Жуз жуду сахо уйини манзил қилма,
Имсокни сахо юзига ҳойил қилма,
Кил яхшилиқу демакни дохил қилма,
Миннат била яхшилигни ботил қилма.*

Навоий бошқаларни ҳам хайру саҳоватга даъват қилиб, карам туфайли жавонмард камбағал бўлиб қолмайди, сахийнинг юзидаги ажинлар эҳсон қилгани учун эмас, чунки сепган билан



дарёning суви, сочган билан қуёшнинг нури камаймайди дейди:

*Жавонмард аз қарам муғлис нағардад,
Сахиро аз ато чин нест дар чеҳр.
Ба пошидан чи нуқс ояд ба дарё,
Ба афшондан чи кам гардад зари меҳр.*

“Девони Фоний”даги ғазаллардан бирида ёзилишича эса, осмондаги ойдан тортиб то ер остидаги балиққача хайру эҳсоннинг шукрини қилишини хоҳласанг, сен ойдан балиққача файз етказувчи бўлишинг керак:

*То ба моҳи зи маҳат файз расони бояд,
То бувад шокири жуди ту зи маҳ то моҳи.*

Алишер Навоийнинг хайру саховат, меҳру муруват бобидаги фаолиятини таҳлил қиласар экан, уни хайру саховат тажассуми, меҳру мухабbat тимсоли, ҳомийлар ҳомийси бўлган зот дейиш мумкин. Саховатни бир боғ тарзида тасаввур этсак, Навоий бу боғнинг боғбони, бир мулк деб билсак, Навоий унинг соҳиби, бир салтанат десак, Навоий бу салтанатнинг сultonидир.

Алишер Навоий ўзининг турли жанрлардаги теран мазмунли салмоқли асарлари билан ўзбек тили, адабиёти, фани, маданияти тарихида катта роль йўнаб, дунё аҳамиятига молик умуминсоний фикрлари билан ижтимоий-сиёсий тафаккур тараккиётига муносиб ҳисса кўшибгина қолмай, халқимиз тарихида эзгулик ваadolat тимсоли, саховат ва мурувват рамзи сифатида ҳам ёрқин из қолдирган.

Алишер Навоийнинг ҳаёти, фаолияти ва ижоди халқ учун умрини бахшида, миллат учун жонини фидо қилишнинг ёрқин намунаси, чинакам инсонийлик мезонидир.

Шайх Саъдий ёзган эди:

*Жавонмарду хушхулқу баҳшанда бош,
Чу Ҳақ бар ту пошад, ту бар халқ пош,*

яъни: олийхиммату яхши хулқ соҳибию, саховат эгаси бўл, Ҳақ лутфу марҳаматини сендан аямасин, сен эса топган-тутганингни халққа соч!

Алишер Навоийнинг бутун ҳаёти ва фаолияти айни фикрларнинг ама-

лий ифодасидир: Худованди карим хамма нарсанни – ақл, билим, истебдод; амал, бойлик, обру; эзгу хулқ, халқларварлик, инсонпарварлик; мемлекеткашлик, хоксорлик, фидойиликни бу нажиб инсондан дариғ тутмади, үз навбатида, у буларнинг барчасини бусбутун одамларга баҳшида этди. Алишер Навоийнинг халқимиз тарихидаги комил инсон, мутафаккир адаб ва давлат арбоби сифатидағи буюклигининг сири ҳам шунда!

ҲАЙРАТОМУЗ МЕРОС

Алишер Навоий қолдирган мерос ўзининг салмоғи ва ранг-баранглиги билан кишини хайратта солади. Чунки у нафакат шоир, айни пайтда, ёзувчи, тарихчи, тилшунос, адабиётшунос, ислом ва тасаввуф олими, таржимон сифатида ҳам самарали ижод қилди ҳамда кўплаб бебаҳо илмий, тарихий, диний ва тасаввуфий асарлар яратди.

Навоий шоир сифатида эрта танилди. Мухлислари унинг девон тузишини

кутиб ўтирмай, бу ишни ўзлари амалга оширидилар. 1465 йили улар тузган, мохир хаттот Султонали Машхадий кўчирган девон – фанда “Илк девон” номи билан машхур бўлиб, унинг 25 ёшгача ёзган 391 ғазал, 41 рубонйси, 1 мухаммас ва 1 мустазодини – жами 434 та шеърини ўз ичига олади. Девон мутолааси Навоийнинг ёшлигиданоқ забардаст шоир бўлгани ва етук бадиият дурдоналарини яратганини кўрсатади.

Навоийнинг ўзи томонидан 1470–1476 йиллар орасида тузилган “Бадоев ул-бидоя” (“Бадиийлик ибтидоси”) девони 777 ғазал, 3 мустазод, 5 мухаммас, 2 мусаддас, 3 таржеъбанд, 46 китъа, 85 рубойи, 10 луғз (чистон), 52 муаммо, 10 туюқ, 53 фарддан ташкил топган. Шу пайтгача ўтган бирор туркий шоир бундай мукаммал девон тузмаган эди. Шундан кейин ёзган 862 ғазали асосида 1476–1482 йиллар орасида иккинчи девони “Наводир уннихоя” (“Бехад нодирликлар”)ни тартиб берди.

Алишер Навоий болалигидан буюк хамсанавислар “панжасига панжа” уриш, туркийда “Хамса” яратиб, бу тилнинг бойлигини намойиш қилиш орзусида яшар эди. 1483–1485 йиллар мобайнида ниҳоят бу ният амалга ошади – “Ҳайрат ул-аброр” (“Яхшилар ҳайрати”), “Фарход ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъаи сайёр” (“Етти сайёр”) ва “Садди Искандарий” (“Искандар девори”) каби беш достони ўз ичига олган буюк “Хамса”сини ёзиб тугатади. Бу билан у ўзбек тилнинг ҳам дунёдаги энг бой тиллардан бири қаторида туришини, ўзбек адабиётининг ҳам жаҳон адабиётининг бир қисми хисобланишини, ўзининг жаҳон сўз санъатининг забардаст нағояндадаридан бири эканини амалда исботлади.

“Мухокамат ул-луғатайн”да Навоийнинг ўзи маълумот беришича, шоир “Хамса”си, кўпчилик ўйлаганидек бошдан-оёқ Низомий Ганжавий “Панж ганж” (“Беш хазина”)ига жавоб бўлмай, балки илк достони “Ҳайрат ул-

абор" унинг "Махзан ул-асрор" ("Сирлар хазинаси")га, "Фарҳод ва Ширин" – Амир Хусрав Дехлавийнинг "Хусрав ва Ширин"ига, "Лайли ва Мажнун" – Хожу Кирмонийнинг "Гавҳарнома"сига, "Сабъай сайёр" – Ашраф Мароғийнинг "Ҳафт пайкар" ("Етти малак")ига, "Садди Искандарий" – Абдураҳмон Жомийнинг "Ҳирадномаи Искандарий" ("Искандар пандномаси")сига татаббуъдир.

26 минг байт (52 минг мисра)дан иборат бу достонлар мажмуи XV асрнинг ўзига хос қомуси эди. Унинг яратилиши ўша давр кишиларини ҳайратта солади. Абдураҳмон Жомий шогирдини энг нодир ва энг юксак сўзлар билан улуғлайди, Ҳусайн Бойқаро эса дўстини ўзининг севимли оқ отига миндириб, ўзи унга жиловдорлик килади.

1491–1492 йиллардан улуғ шоир барча шеърий меросини бир ерга йиғиб, "Хазойин ул-маоний" девонлар туркумини тузишга киришади. Тўрт девондан иборат бўлганлигидан

у “Чор девон” (“Тұрт девон”) номи билан машхур бүлган. Шарқ шеъриятидаги 16 та жанрда ёзилған шеърларни үз ичига олған бу мажмуанинг илк девони “Фаройиб ус-сифар” (“Ёшлик фаройиботлари”)¹ деб аталиб, 650 ғазал, 3 мухаммас, 1 мустазод, 1 таржеъбанд, 1 маснавий, 50 китъя ва 133 рубоийдан ташкил топған. “Наводир уш-шабоб” (“Йигитлик нодирликлари”) деб аталған иккинчи девон 650 ғазал, 3 мухаммас, 1 мустазод, 1 мусаддас, 1 таржеъбанд, 1 таркиббанд, 50 китъя, 52 муаммодан иборат. Учинчи девон “Бадоев ул-васат” (“Үрта ёшлик гүзәлликлари”) да 650 ғазал, 2 мухаммас, 2 мусаддас, 1 мустазод, 1 таржеъбанд, 1 қасида, 60 китъя, 10 луғз (чистон), 13 туок мавжуд. Тұртинчи девон бүлған “Фавойид ул-кибар” (“Кексалик фойдалари”) эса 650 ғазал, 2 мухаммас, 1 мустазод, 1 мусаддас, 1 мусамман, 1 таржеъбанд, 1 сокийнома,

1 Лекин бу девонларнинг номланиши шартли бўлиб, уларга шоирнинг бошқа даврларда ёзган шеърлари хам киритилган.

50 қитъа ва 86 фардни ўзида жамлаган. Маълум бўладики, "Хазойин улмаоний"да жами 2600 ғазал, 4 муста-
зод, 10 мухаммас, 5 мусаддас, 4 тар-
жеъбанд, 1 маснавий (устози Сайид
Хасан Ардашерга мактуб), 210 қитъа,
133 рубоий, 1 таркиббанд, 52 муаммо,
10 луғз (чистон), 13 туюқ, 1 қасида, 1
мусамман, 1 соқийнома, 86 фард ёки
жами 3132 шеър мавжуд ("Девони Фо-
ний" ва бошка асарларидаши шеърла-
рини ҳам кўшса, шоир шеърларининг
умумий сони 4000 дан ошиб кетади).

"Муҳокамат ул-луғатайн"да шоир-
нинг ўзи бу тўрт девон таърифида
шундай лутф этади:

"Ул жумладин бири "Фаройиб ус-
сиғар" девонидурким, кичик ёшда
такриримдин гузориш ва таҳриримдин
нигориш топибдурким, маоний фура-
босидин ғариф алфоз либосига кию-
рупмен ва ҳалқ кўнглин ғарибистон
аҳли ўти била куйдурупмен.

Яна "Наводир уш-шабоб" девонидурки,
йигитлик авоилида баёним кил-
кидин намойиш девонига ва оройиш

бўстониға кирибдурким, ул наводир тамошосидин йигитлик мулкида ғавғо солибмен ва мулк йигитлари кўнглидин ором ва қарорни олибмен.

Яна “Бадоеъ ул-васат” девонидурким, умр авоситида хаёлим хомаси аниң зебиға нақшбандлиғ ва зийнатиға сехрпайвандлиғ қилибдурким, ул бадеълар воситасидин шайдо кўнгуллар эшигин ишқ тоши била қокибмен ва ул уйга фитна ва офат ўтин ёқибмен.

Яна “Фавойид ул-кибар” девонидурким, хаёт авоҳирида тахайюлум хомаси ани рашки нигорхонаи Чин ва ғайрати хулди барин қилибдурким, анда улуғларга фоидалар зулолин еткурупмен ва ҳаваслари шуъласига насойих зулолидин сув урубмен.

Бу тўрт девон овозасин чун рубъи маскунга еткурупмен, “Хамса” панжасига панжа урупмен”.

Фаридиддин Атторнинг мажоз йулида ёзилган – асосий қаҳрамонлари кушлар бўлган тасаввуфий мазмундаги “Мантиқ ут-тайр” асари ўзидан кейинги Шарқ адабиётида кучли таъсир

кўрсатган. Навоий ҳам болалигидан унинг мафтуни бўлиб, бу таъсир уни ҳәёти давомида тарқ этмади ва умринг охирида унинг жавобида “Лисон ут-тайр” (“Куш тили”) достонини яратди (1499).

Муҳаммад алайхиссаломга нисбат бериладиган ҳадисларнинг бирида: “Кимки менинг суннатимга оид кирқ ҳадисни ёдлаб, умматларимга етказса, қиёмат кунида мен уни шафоатимга лойик кишилар сафига киргизаман”, – дейилган. Ҳадисларни ҳалқ орасида тарғиб-ташвиқ килиш ва шу орқали пайғамбар шафоатига эришиш мақсадида кўплаб муҳаддис ва олимлар кирқ ҳадисни жамлаб, тўпламлар тузганлар. Кейинчалик бу ишга шоирлар ҳам кўл урганлар. Масалан, Абдураҳмон Жомий одоб-ахлоққа оид кирқ ҳадис (“Чихил ҳадис”)ни шеърга солади. Алишер Навоий эса устозининг рухсати ва дуосини олиб, уларни “Арбаъин” (“Кирқ ҳадис”) номи билан ўзбек тилига ижодий таржи-ма килади. Бу манзума таърифининг

сабабига тұхталар экан, шоир “форсийдонлар идрок айлаган” мазкур 40 хадис мазмун-мохиятидан туркійзабон ўқувчилар ҳам баҳраманд бүлишини тилаб, айни ишни савоб учун амалга оширгани ва ўзи кутганидан ҳам қисқа фурсатда – бир-икки кунда ніхоясига етказганини айтади. Жумладан, қуидаги машхур тұртлик “Арбаъин”да келади:

*Оналарнинг оёғи остидадур,
Равзаи жаннату жинон боги.
Равза боги висолин истар эсанг,
Бўл онанинг оёғи туфроги.*

Алишер Навоий сермаҳсул ва забардаст сўз санъаткоригина бўлиб қолмай, билимдон, нозиктабъ ва талабчан адабиётшунос олим ҳам эди. Шарқ шевриятининг барча жанрларида бадиий баркамол асарлар яратган улкан шоир бошқалардан ҳам шуни талаб қиласа эди. Навоий таҳсинига сазовор бўлиш ўша давр шоирлари учун энг олий баҳт ҳисобланган. У 1491 йили “Мажолис ун-нафоис” тазкирасини яра-

тади (1497–1498 йилларда уни қайта ишлайди ва тўлдиради). Муқаддима ва 8 бўлимдан иборат бу асарда муаллиф ўзидан олдин ўтган, бир даврда яшаган ва адабиётта энди кириб келаётган 459 нафар шоир (улардан 39 таси туркий тилда ижод қилган) ҳакида маълумот берниб, уларнинг энг машхур, энг етуқ шеърларидан иқтибослар келтиради. Навоийнинг қиска ва лўнда баҳолари у ёки бу шоир ижодининг моҳияти ва асосий йуналишларини очиб беради. “Шу нарса дикқатга сазоворки, мазкур шоирлардан етмиштаси шоирликни ўзига касб қилиб олмаган оддий хунар ахлидан эди”¹.

Навоийнинг адабиётшуносликка оид яна бир асари “Мезон ул-авзон” (“Вазнлар ўлчови”) бўлиб, 1492 йили ёзилган бу асар Шарқ шеъриятининг асосий ўлчови – аruz вазни тадқиқига бағишиланган.

¹ Норқулов Н. Темурийлар даври маданияти тарихидан лавхалар. – Урганч: “Хоразм”, 1996. 15-бет.

1499 йили икки тил мұхокамасыга бағишилантан “Мұхокамат ул-лугатайын” (“Икки тил мұхокамаси”) асарини яратади. Үнда ўзбек ва форс-тожик тилларини ўзаро қиёслаб, ўзбек тилининг ҳам ундан қолишинасын, баъзида ҳатто ундан устун томонлари ҳам борлигини аник мисоллар асосида илмий асослаб беради. Жумладан, туркий тилнинг күп маңноли ва маңнодош сүзларга бойлиги нозик маъно товланишларини ифодалашда катта имкониятлар яратиши, натижада бу шеъриятда ийхом санъати ривожлангани ва туюқ жанри вужудга келгани шулар жумласидандир. Ёки форсийда күпгина нарса-тушунчаларни ифодалайдиган сүзлар йўқлигини бирма-бир санаб кўрсатади (Масалан, кўз билан қошнинг орасини қабоқ (қовок) дейдиларки, форсийда бу узвининг номи йўқ).

“Ва улук қардош ва кичик кардошни иккаласин “бародар” дерлар ва турклар улуғни – “оға” ва кичикни “ини” дерлар. Ва алар улуғ, кичик қиз қардошни ҳам “хоҳар” дерлар: Ва

булар улуғни - "эгачи" ва кичикни
"сингил" дерлар...

Егуликлардин агарчи кўй му-
чаларидин баъзиға от қўюптурлар,
аммо орқани ва ошуғлиғ иликни ва
ён сўнгакни ва қобурғани ва иликни
ва ўрта илик ва бўғузлағуни турк-
ча айтурлар. Ва яна баъзи емаклар-
дин қаймоғ ва қатлама ва буламоғ ва
курут ва улоба ва манту ва қуймоғ
ва уркамочни ҳам туркча айтурлар.
Ва қимизни ва сузмани ва боҳсумни
ва бўзани дағи туркча айтурлар. Яна
тутмоч ва умоч ва кумоч ва толғонни
ҳам туркча айтурлар. Ва бу навъ
жузъиётқа машғуллук килса, бағоят
кўп топилур".

Бундан ташқари, араб тилида-
ги "Сабъат абхур" ("Етти денгиз")
лугатини ҳам Навоийга нисбат беради-
лар - унда турли фанларга оид 8609
сўзга изоҳ берилган.

Алишер Навоий кенг қамровли
тарихчи олим ҳам эди. Унинг "Зуб-
дат ут-таворих" ("Тарихий воқеалар
қаймоғи") деган умумий ном билан

аталувчи икки тарихий асари мавжуд. 1485–1488 йилларда ёзилган “Тарихи анбиё ва хукамо” (“Пайғамбарлар ва ҳакимлар тарихи”) деб номланган асарида, номидан кўриниб турганидек, пайғамбарлар ва ҳакимлар – до-нишмандлар тарихи ёритилади. 1488 йилда ёзилган “Тарихи мулуки Ажам” (“Ажам мамлакатлари тарихи”) пеш-додийлар, каёнийлар, ашконийлар, со-сонийлар каби Эрон шоҳлари тарихи ҳақида ҳикоя қилинади. “Тарихи му-луки Ажам” нинг асосий ғоявий пафоси – одил подшоҳларни макташ ва замона ҳукмдорларини ана шу подшоҳлардан намуна олишга чақириш”¹.

Навоий ислом таълимотини ҳам чуқур билар ва шариат арконларини оғишмай бажараб эди. Воеан, унга диннинг низоми, яъни ислом динининг қонун-қоидалари, кишиларнинг дин йўлидан чекинмаслиги ва шари-ат талабларини бажаришини назорат

¹ Султон И. Навоийнинг қалб дафтари. 347-бет.

килувчи маъносидаги Низомиддин фахрий унвонининг берилиши бежиз эмас. Султон хузуридаги мажлисларнинг доимий иштирокчиси бўлган Навоийга яқин бир кишининг: “Алишер кўп хайрли ва ёдгор бўлиб қоладиган ишларни амалга оширган, ўзининг бебаҳо асарлари билан қанчадан-қанча диллар ва элларни забт этган бўлса ҳам, қиёматда улар хисобга ўтармикан?” – деган бир оғиз сўзига жавобан 1499 йили “дину ислом уйи маъмур” ва туркий халқлар баҳраманд бўладиган “Сирож ул-муслимин” (“Мусулмонлар чироғи”) асарини яратиб, унда иймон, намоз, рӯза, закот ва ҳаж каби ислом шариатининг беш рукнини шеърий усулда бирма-бир шарҳлаб беради.

1499–1500 йилларда у “Муножот” насрий асарини яратади. Ҳаётининг сўнгги йилларида комил бир мусулмон сифатида ўтган умрини сарҳисоб килиб, Яратувчи олдида тавба қилиш эҳтиёжи билан ёзилган мазкур асарнинг биринчи қисмида Оллоҳга ҳамд

ва Мұхаммад алайхиссаломга нағыт ўқилич, иккінчи қисміда иноятидан умидворлигини изхор этиб, Оллохға муножот қилинади. Уни шоирнинг үзига хос илтижономаси дейиш мүмкін.

Маълумки, Алишер Навоий 1476 йили Абдураҳмон Жомийга құл бериб, накшбандия тарикатига киради. 1495 йили Жомийнинг "Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ул-қудс" ("Пок зоттар ҳузуридан эсган дүстликнинг хуш ислари") тазкирасини "Насойим ул-мухабbat мин шамойим ул-футувват" ("Улуғлик хушбўйликларини таратувчи севги шабадалари") номи билан эркин таржима қиласы. Жомий 618 та сўфий ҳақида маълумот берган бўлса, Навоий 770 та сўфий (35 таси авлиё аёллар) ҳаётини ёритган – таржима жараённан туркий авлиёлар ҳақидаги маълумотларни кирилганки, улар устозининг тазкирасида йўқ эди.

Таржима жараённан үзининг кирилган янгиликлари ва қилган үзгаришлари ҳақида у шундай ёзади:

"Ҳазрат шайх Фаридддин Аттор қ.с. битган "Тазкират ул-авлиё"дин баъзи кибор машойихким, "Нафаҳот ул-унс"га дохил бўлмайдур эрди – хар қайсини муносиб маҳалда дохил қилдим ва Ҳинд машойихи шарҳи ҳам оз мазкур эрди, мумкин бор тилаб, то-пиб ҳазрат қутб ул-авлиё Шайх Фарид Шакарганж қ.а.дин сўнгги машойих-гача илҳоқ қилдим ва турк машойих зикри ҳам озроқ эрди, они доди ҳазрат шайх ул-машойих Ҳожа Аҳмад Яссавий р.дин бу замонғача улча мумкин бор тилаб топиб, зикрларин ва баъзи ҳолоту сўзларин ўз маҳалида дарж қилдим.

Ва Ҳазрат Махдуми н.м.н.нинг оти ва муосири мусоҳиб машойих қ.а. зикри дағиким, ул мутабаррак китобда йўқ эрди, мунда қўшдум ва ул китобда дағи авлиёуллоҳ зикридин баъзи сўзким, замон аҳлиға кўп мухтож ун-илайҳ эрмас эрди, итноб ваҳмидин таркин тутдум ва бу таржимадин ўксуттум..."

Навоийнинг тасаввуф ғоялари тарғиб этилган яна бир асари “Назм ул-жавохир” (“Жавохирлар шодаси”) бўлиб, у Ҳазрат Алига нисбат берилган “Наср ул-лаолий” (“Насрдаги инжулар”) номли ҳикматларнинг назмий таржимасидир. Ҳусайн Бойқаронинг “Рисола”сига жавобан унга бағишилаб яратилган бу асарда ҳар бир ҳикмат бир рубоий шаклига солиниб, шоирнинг ўз фикр-карашлари билан бойитилган ҳолда таронаи рубоий (тўртала мисраси ҳам кофияланган) усулида адо этилган. У 268 та рубоийдан иборат бўлиб, муқаддимада келтирилган 30 та рубоийни ҳам қўшса, уларнинг адади 298 тага етади. Навоийнинг қуйидаги машҳур рубоийлари айни асар таркибида келган:

*Сўздурки, нишон берур ўлукка жондин,
Сўздурки, берур жонга ҳабар жонондин,
Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билким, гуҳаре шарифроқ йўқ ондин.*

* * *

*Эл қочса бирордин, эл ямони бил они,
Аҳволида идбор нишони бил они,*

Февъл ичра улус балойи жони бил они,
Олам элининг ямон-ямона бил они.

Илк насрый асари "Вакфия" (1481)
Навоийнинг ўзи томонидан вакф
килинган мулки ва улардан кимлар
фойдаланиши хақида.

1494 йили ёзилган "Хамсат ул-
мутахайириин" ("Беш ҳайрат") асари
1492 йили вафот этган устози ва пири
Абдураҳмон Жомий хотирасини аба-
дийлаштириш мақсадида ёзилган.

"Холоти Саййид Ҳасан Ардашер"
(1491) устози ва маслаҳатгүйи бўлган
ушбу машхур шахснинг хаёти ва фао-
лияти хақида. Бу шоир ва давлат ар-
боби бўлган олийжаноб инсон билан
Навоий 1456 йили танишиб, бир умр
қадрдон бўлиб қолади. Саййид Ҳасан
Ардашер Навоий учун маънавий ота
мақомида бўлган. Бу ҳақда шоир-
нинг ўзи "аларнинг илтифоти зотий-
си бу факир била бор эрди ва фар-
занд деб эрдилар" деб ёзади ва яна
айтадики: "бу факирни факр тарикиға
назм айтурса тарғиб кўргузурлар эрди.

Чун ул авқотда факирнинг назмлари
Хурросонда шухрат тутуб эрди, алар
даги илтифот қилиб, баъзи абётни кўп
үқурлар эрди ва мажолисда хушвақт
бўлурлар эрди".

"Холоти Паҳлавон Муҳаммад" аса-
ри 1493 йили вафот этган қирқ йиллик
қадрдони хотирасини абадийлаштириш
учун ёзилган. Паҳлавон Муҳаммад
елкаси ерга тегмаган паҳлавон бўлиш
 билан бирга, илм-фанинг кўпгина
соҳаларини яхши билган ўз даврининг
фозил кишиси эди.

"Барча содоту машойих ва уламою
фуқаронинг маҳбуб ул-қулуби" бўлган
бу нажиб инсон билан Навоий шунча-
лик яқин бўлганки, эътироф этишича,
"хеч навъ маҳфий сирри ва рози йўқ
эрдиким, бу факирдин яшурун бўлғай,
андокки, бу факирнинг ҳам андин.

Кирқ йилға яқин бу факир била
мусоҳиби жоний, маҳрами рози
нихоний эрди".

Навоий насрининг гултожи бўлган
"Маҳбуб ул-қулуб" ("Кўнгилларнинг
севгани") Шарқ панднома адабиёти-

нинг дурдоналаридан ҳисобланади (1500). У уч қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида подшоҳ, вазир, қози, табиб, мударрис, косиб, дехкон каби 40 тоифа хусусида, иккинчи қисмида инсон табиатидаги яхши ва ёмон хислатлар ҳакида фикр юритилади, учинчи қисмида эса хилма-хил панд-насиҳатлар ва ҳикматли сўзлар берилади.

Маълумки, Шарқ адабиётида мактублар иншо санъати намунаси ҳисобланган. Шунинг учун асрлар давомида сўз санъаткорлари томонидан кўплаб мактублар тўпламлари тузилган. Лекин туркий адабиётда бундай анъана ҳали мавжуд эмас эди. Адабиётимизнинг қайси соҳасида бўшлиқ кўрса, уни тўлдиришга аҳд қилган Навоий бу кемтиклини ҳам бартараф этиш ниятида умри давомида ўзи ёзган мактуб намуналарини ҳам тўплаб, "Муншаот" ("Мактублар") деган тўплам тузган. Унинг тузилиш, сабабини шоирнинг ўзи шундай изоҳлайди: "форсий алфознинг иншолари дилпи-

санд ва макотибу имлолари аржуманд эрди, хаёлға андоқ келдиким, турк ал-фозининг дағи руқъалари ҳамул мисол била битилгай ва бу тилнинг номаларини ҳам ўшул минвол билан сабт этилгай. Оз фурсатда бу руқъалар жамъ бўлиб эрди ва номалар йиғилиб эрдиким, бу авроқ зимнида сабт бўлди". Атокли навоийшунос олима Суйима Фаниеванинг ёзишича, бу орқали Навоий икки мақсадни кўзда тутган: улардан бири – ўзбек тилининг нафакат шахсий, балки ижтимоий-сиёсий масалалар юзасидан ҳам ёзишмалар олиб боришга кодирлигини исботлаш бўлса, иккинчиси – бу мактубларда ўз ифодасини топган фикр-мулоҳазалар, панднасиҳатларнинг ўқувчилар учун муҳим аҳамиятга эгалигидир¹.

Эътиборлиси шундаки, Навоий "Вақфия"дан ташқари барча насрой асарларини ҳаётининг сўнгти ўн йили давомида ёзган.

¹ Бу ҳақда қаранг: Фаниева С. Навоий насрой нафосати. – Тошкент, 2000. 115-бет.

Навоий ўзбек насрига асос солиб, унинг кейинги тарақкиётига кучли таъсир кўрсатди.

“Алишербек назири йўқ киши эди. Туркий тил била то шеър айтубтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон эмас”, – деб улуғлаган эди устозини Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Ҳақиқатан ҳам, Худо ҳар томондан ёрлақаган бу улуғ зотнинг истеъдод ва лаёқати чегара билмас эди: у деярли барча соҳалардан у ёки бу даражада хабардор бўлиб, мутахассисларга маслаҳатлар бериш, йўл-йўриқлар кўрсатиш билан бирга, ўзи ҳам кўп соҳаларда кучини синаб кўрган эди. Жумладан, унинг куйлар басталагани, кўшиқ айтгани, суратлар чизгани маълум. Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Бобурнома” асарида: “Яна мусикада яхши нималар боғлабтур. Яхши нақшлари ва яхши пешравлари бордур”, – деб ёзади. Абдурауф Фитрат бир катор манбалардаги маълумотлар асосида “Қари наво” (аслида “Қари Навоий”) куйи Алишер Навоийга

тегишли бўлса керак, деган тахминни илгари суради: “Бухоронинг эски мусиқийшунослари орасида бу куйнинг Навоий асари бўлғани сўйланади”¹.

У чизган “Занжирбанд шер” номли сурат бизгача етиб келган.

Навоийнинг ўзи “Лисон ут-тайр” достонида таъкидлашича, унинг шөврий мероси 100 минг байтдан иборат. Бунинг ёнига яна насрый, илмий ва тарихий асарларини ҳам қўшса, шоир мероси нечоғлиқ салмоқли экани ойдинлашади. Бу асарлари билан у ўзбек адабиётини жаҳон сўз санъати юксаклигига кўтарди.

ЗУЛЛИСОНАЙН ШОИР

Маълумки, Алишер Навоий нафакат ўзбек, балки форс-тоҷик тилида ҳам Фоний тахаллуси билан са-марали ижод қилган забардаст шоир хисобланади. Форс-тоҷик тилини унинг иккинчи она тили дейиш мум-

¹ Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. – Тошкент, 1993. 43-бет.

кин. Чунки у улуг форс-тожик сўз санъаткорлари таъсирида илк шеърларини шу тилда машқ қилди (шоирнинг ўзи “Мухокамат ул-луғатайн” асарида ҳали шеър даражасида бўлмаган дастлабки машқлари анъанага кўра форсийда бўлгани ҳақида маълумот беради) ва бир умр бу машғулотни канда қилмади. Алишер Навоийнинг форсийда қалам тебратишининг биринчи сабаби улуг форс-тожик сўз санъаткорларининг таъсири бўлса, иккинчиси – XV асрда форсий тилнинг ҳали адабий тил сифатидаги хукмрон мавқеи баланд эди, учинчisi эса ўзининг форсийда ҳам қалам тебрата олиши, бу борада бирордан кам эмас-лигини исботлаш эди, дейиш мумкин. Шоирнинг ўзи икки тилда ёзган асарлари ҳақида гўё сўз бозорининг бир томонида ширинликлар, иккинчи томонида эса заргарлик дўконини очган-декман, дея лутф этган эди.

*Маънийиши ширину рангинам ба турки
бекадаст,
Форси ҳам лаълу дурҳои самин гар
бингари.*

*Гүйә дар рост бозори сухан бикшодаам,
Як тараф дүкони қаннодию як сү заргари.*

Мазмуни: “Туркий тилда латиф ва ранг-баранг сүзларим ҳад-хисобсиздир, эътибор қилсанг, форсий сўзларим ҳам лаъл ва қимматбаҳо марваридлардир. Гүёки ҳақиқатда сўз бозорини очганга ўхшайман: бир томонда қандолат дўконию, бир томонда заргарлик”.

“Хазойин ул-маоний”ни тузиб бўлгач, 1495–1500 йилларда форс-тожик тилидаги ижод намуналарини ҳам тўплаб, “Девони Фоний” (“Фоний девони”)ни тартиб беради. У 552 ғазал, 1 мусаддас, 1 марсия-таркиббанд, 73 китъа, 72 рубоий, 16 таърих, 9 луғз (чистон), 373 муаммодан иборат. Ғазалларнинг аксарияти машхур форс-тожик шоирларининг шеърларига татаббуълардан иборат. Жумладан, Жомийнинг 52, Хофизнинг 237, Хусрав Дехлавийнинг 33, Саъдийнинг 25 ва бошқа шоирларнинг кўплаб ғазалларига татаббуълар боғлаган. Бу ҳақда шоирнинг ўзи форсий китъаларидан бирида шундай изоҳ берган эди:

*Татаббуъ кардани Фоний дар ашъор
На аз даъвию на аз худнамоист.
Чу арбоби сухан соҳибдилонанд,
Муродаш аз дари дилҳо гадоист.*

Мазмуни: “Фонийнинг (форс шоирлари) шеърларига татаббуъ ёзишдан мақсади бирор-бир даъво ёки ўзини кўрсатиш учун эмас. Бу сўз арбоблари маърифат ахлидирлар. (Фоний)нинг муроди улар эшигига гадоликдир”.

Ўзининг форсийда битган оригинал разалларига “Мухтара” ва “Ихтиро” деб сарлавҳа қўйган булиб, уларнинг сони 50 дан ортиқ.

Бундан ташқари, у форсийда яна 2 та қасидалар тўплами ҳам тузган. Улардан бири “Ситтаи зарурия” (“Олти зарурат”) деб номланиб, 6 қасидани ўз ичига олади: 1. “Рух ул-кудс” (“Пок рух”) – 132 байт. 2. “Айн ул-ҳаёт” (“Ҳаёт чашмаси”) – 106 байт. 3. “Тухфат ул-афкор” (“Тафаккур тухфаси”) – 99 байт. 4. “Қувват ул-қулуб” (“Қалблар қуввати”) – 120 байт. 5. “Минҳож уж-нажот” (“Нажот йўли”) – 138 байт. 6. “Насим

ул-хулд” (“Жаннат насими”) – 129 байт. “Фусули арбаа” (“Тұрт фасл”) қасидалар түркүми эса йил фасллари-га бағишиланған 4 қасидадан иборат: 1. “Саратон” (“Ёз”) – 71 байт. 2. “Хазон” (“Куз”) – 33 байт. 3. “Бахор” – 57 байт. 4. “Дай” (“Киш”) – 70 байт.

Бизгача “Девони Фоний”нинг тұ-лиқ нусхаси етиб келмаган. Унинг мавжуд күләзмалари Париж, Техрон ва Туркия кутубхоналарыда сақланади. Техрондаги нусха 1963 йили таникли адабиётшунос олим Рукниддин Ху-моюнфаррух томонидан нашр этил-ган. Ҳозирча энг мұкаммал деб қаралаётган Париж нусхаси эса 1965 йили шарқшунос Ҳамид Сулаймон то-монидан Алишер Навоийнинг ўн беш жилдлик асарлари таркибида ilk бор босилиб чиқди.

“Мухокамат ул-луғатайн” асары-да шоирнинг ўзи форсий шеърлари-ни 6 минг байтдан ортиқ, муаммола-рини эса 500 га яқин деб күрсатади. Ҳолбуки, девоннинг күлимиздаги нус-хасида 373 та муаммо мавжуд. Шу-

нингдек, “Ситтаи зарурия” ва “Фусули арбаа” тўпламларидаги 10 қасидани қўшганимиздагина шоир форсий меросининг умумий ҳажми б минг байтдан ортиқ – 6197 байт чиқади. Аслида унинг қасидалар тўпламлари девондан анча олдин алоҳида тўпламлар сифатида тузилган эди.

1485 йили ёзилган “Муфрадот” (“Муаммо ҳакида рисола”) асари муаммо назарияси ҳакида бўлиб, унда муаммонинг турли услугуб ва амаллари содда ва тушунарли баён қилиб берилганлиги сабабли кенг шухрат қозонган. Абдураҳмон Жомий ҳам унга юксак баҳо бериб, ўғли Зиёвуддин Юсуфга уни дарслик сифатида тавсия этади.

Алишер Навоийнинг форсий мероси Абдураҳмон Жомий, Абдуллоҳ Хотифий, Камолиддин Биной, Давлатшоҳ Самарқандий, Фиёсиддин Хондамир каби машҳур замондошлари томонидан юксак баҳоланганд. Шоирнинг ўзи “кўп турлик дилкаш адолар ва дилпазир маънолар воқеъ”лиги жиҳатидан форсий асарлари ҳам халқ

орасида машхур бўлиб, замондошлар уларни севиб ўқишлиарини айтиб ўтади.

Шунга қарамай, ҳалигача биз бу муazzам мероснинг ўзбек тилидаги тўла шеърий таржимасига эга эмасмиз. Форсий сўз санъатининг улуф намояндалари асарларини ўзбек тилида қиёмига етказиб жаранглатган забардаст мутаржимлар, негадир. Фоний шеърларига етарли эътибор қаратмаганлар. Ҳолбуки, у машхур салафларининг дурдона асарлари билан bemalol бўйлашадиган бетакрор бадиият намуналарини яратган.

“Девони Фоний”нинг қисқартирилган нашри Ўзбекистонда ilk бор шоирнинг ўн беш жилдлик “Асарлар”и таркибида насрий таржимаси (ғазалларни М.Муҳаммаджонов, қасида, рубойй, китъя ва бошқа кичик жанрдаги шеърларни Х.Сулаймон таржима қилганлар) билан икки китобда чоп этилди. Йигирма жилдлик Мукаммал асарлар тўпламида эса уч жилдда нисбатан тўла холда нашр қилинди.

Бу нашрда А.Мухаммаджонов таржи-
маларидан ҳам фойдаланилиб, янги
киртилган ғазалларни Ш.Ёркин ва
С.Рафиддин, қасидаларни С.Эркинов,
Х.Мухторова, А.Ҳабибуллаев, С.Ра-
фиддин, Н. Бекова, қитъа ва рубоий-
ларни Э.Очилов, муаммоларни Л.Зо-
ҳидов, мусаддас, таъриф ва луғазларни
С. Рафиддинлар насрий таржима кил-
ганлар. Кейинги таржималар шоирнинг
570 йиллик юбилеи муносабати билан
2011 йили чоп этилган ўн жилдлик
“Тўла асарлар тўплами”да алоҳида
жилдни ташкил қилди.

Албатта, шеърий таржима амал-
га оширилишини кутиб утирмай кенг
халқ оммасини улуғ шоир форсий
меросининг асосий мазмун-моҳияти,
етакчи ғоялари, мавзу қулами ва об-
разлар олами билан таништириб ту-
риш мақсадида “Девони Фоний”нинг
насрий таржимаси билан бирга эълон
қилиниши тўғри бўлган. Насрий тар-
жиманинг қулайлиги шундаки, унда
шеър мазмунини тўла ва батафсил
баён этиш имконияти мавжуд. Бугина

эмас. У шеърий таржима учун тагла-
ма вазифасини бажариши ҳам мумкин.
Лекин насрый таржима дегани асл нус-
хадаги сўзларнинг луғавий маъносини
эмас, балки байт ёки мисра ифодала-
ган яхлит маънони ўзида акс эттири-
ши керак.

“Девони Фоний”нинг шеърий тар-
жимасига биринчи бўлиб академик
шоирFaфур Гулом қўл урди. Наво-
ий таваллудининг 525 йиллиги олди-
дан у “Бир қадаҳ май излабон кетдим
буғун майхонага” ва “Яхши бўлған
олам ахлин қилмасанг ҳеч ёдларин”
мисралари билан бошланадиган икки
ғазалини ўзбекчалаштириб, эълон
килади. Чунончи, иккинчи ғазал ра-
мали мусаммани мақсур (фоилотун
фоилотун фоилотун фоилун – – V –
– – V – – – V – – – V –) да ёзилган
бўлиб, таржимон уни айни вазннинг
ўзи билан таржима қилган:

*Харчи ҳастанд аҳли олам беҳ, ки н-ори
ёдашон,
То ба хотир н-оядат аз ёдашон бедодашон.*


Яхши бўлгай олам аҳлин қилмасанг ҳеч
ёдларин,
Олмасанг ҳеч хотирингга ёдларин –
бедодларин.

Таниқли навоийшунос олим Абдуқодир Ҳайитметов Фонийнинг энг машхур қасидаси “Тухфат ул-афкор”ни ўзбекчалаштирди. Бу қасидани 1939 йили Бокий домла ҳам насрий таржи-ма қилган эди.

Кейинчалик, форс-тожик адабиёти-нинг улкан тадқиқотчиси ва сермаҳсул таржимон Ш.Шомуҳамедов Фонийнинг “Тухфат ул-афкор” қасидаси (қисқартиришлар билан)ни ўз вазнида, 9 қитъа ва 10 рубоийсини бармок вазнида таржима қилган.

Ҳабибулло Сайд Фани “Девони Фоний”даги 25 та ғазални ўз вазни, ҳатто ички қофияланиш тартибини саклаган ҳолда таржима қилиб, аслият билан бирга алоҳида китобча шаклида эълон қилди (Тошкент, 2006).

Абдуҳамид Парда шоирнинг 72 рубоийси ва 20 қитъасини таржима қилган.



Биз ҳам Фоний рубоийларини анъанавий вазнида түлиң таржима килганимиз. Шунингдек, ғазалларидан намуналар үгирганимиз.

“Девони Фоний” таржимаси йулидаги энг жиддий қадамни Ўзбекистон халқ шоири, забардаст таржимон Жамол Камол қўйди – у Алишер Навоийнинг форсий меросидан 200 ғазал ва 10 қасидани анъанавий вазнида – арузий жилоси билан таржима қилиб, алоҳида китоб ҳолида нашр эттириди¹. Унинг Шарқ мумтоз сўз адабиётини яхши билиши, форсий адабиёт таржимасида катта тажриба тўплаб, етук маҳорат ҳосил қилгани, энг муҳими, тийнатида шарқона рух мавжудлиги, ўзи ҳам арузда ҳассос ғазаллар, пурмаъно рубоийлар ва ошиқона муҳаммаслар ёзиб, қалами қайралгани Фоний ғазаллари ва қасидалари таржимаси муваффакиятини таъминлаган омиллар сирасига киради. Чунончи:

¹ Караг: Мир Алишер Навоий. Фоний гулшани (Фазаллар ва касидалар). - Тошкент: "Meriyus" 2011.

*Оламе хоҳам, ки набвад мардуми олам дар ў,
Каз жафои мардуми олач навошад гам дар ў, -*

байти билан бошланадиган рамали мусаммани мақсур вазнидаги мухтара Фонийнинг энг гўзал ва машҳур фазалларидан бўлиб, уни Ж. Камол ўз вазни билан маромида таржима килган ва таржимада шакл ва мазмун бирлигининг ёрқин намунасини яратган:

*Олам истарманки, унда аҳли олам
бўлмасин,
Унда олам аҳлининг бедодидик гач
бўлмасин.*

Таржима деярли сўзма-сўз аслига мувофик – факат “мардуми олам” иборасини мукобилини топиб “аҳли олам” деб ўзбекчалаштирган. Чунки “мардуми олам” ўқувчига бир оз тушунарсиз, “аҳли олам” эса ўз сўзимизга айланниб кетган. Яна вазн тақозосига кўра “жафо” сўзини “бедод” деб оладики, бу ҳам унинг маҳоратидан, зеро бу сўзлар ўзаро маънодош хисобланади.

Хабибий, Чустий, Носир Муҳаммад, Олимжон Бўриевлар ҳам “Де-

вони Фоний"дан намуналар таржима килганлар.

МАХОРАТ ҚИРРАЛАРИ

Навоий ижодида бадиий воситалар истифода этилмаган, шунчаки у ёки бу фикр ифодасига хизмат қиладиган оддий байт, ҳаттоки мисрани ҳам топиш кийин. Шоир ҳар қандай фикр, кечинма, манзарани гўзал бадиий санъатлар воситасида юксак маҳорат билан ифодалайди. Чунончи:

*Ер оғиз очмасқа дардим сўргали топтич
сабаб:*

*Кўп чучукликтин ёпушибшишлар магар
ул икки лаб.*

Бу байт Шарқ шеъриятида машхур ҳусни таълил санъатининг гўзал на-
мунаси. Ҳусни таълил – чиройли далил келтириш бўлиб, шоирлар ўз фикрларини бадиий гўзал шаклда асослаш учун бу санъатга мурожаат қиладилар. Бунда келтирилган далил ифодаланган фикрнинг ҳакиқий сабаби бўлмай, шоирлар лутф юзасидан

уни важ килиб кўрсатадилар. Келтирилган байтда ҳам мъшуқанинг ошик ахволини сўрамаслигига лабларининг азбаройи шириклигидан бир-бирига ёпишиб қолганлиги сабаб қилиб кўрсатилади. Албатта, бу ҳақиқат эмас, балки “гўзал ёлғон”, лекин ушбу ташбех ўзининг охорли ва бетакрорлиги билан ўқувчини ҳайратга солади.

Куйидаги байтда эса ёрининг ортиқ жабру жафо килмай қўйганини унинг кўнглида раҳм-шафқат уйғонгани эмас, балки ўзига кўрсатмаган жабру жафоси қолмагани билан асослайди:

Ерким, қылмас жафөвү жавер -
зэрмас раҳмдин -
Ким, манга күргүзмаган жавру
жафоси қолмамиш.

Маъшуканинг ўз ошифига жафо килишдан қўл тортиши (аслида уни унутиб кўйиши)нинг сабаби сифатида келтирилган бу далил гарчи ёлғон бўлса-да, ўзининг зарофати, гўзаллиги, таъбир жоиз бўлса, ҳақиқатга ўхшаб кетиши билан ўкувчида эстетик завк уйғотади.

Аслида адабиёт, хусусан, шеърият “гўзал ёлғон”дан иборат. Шоир “рост” гапира бошласа, ҳамма нарсани ўзидан “қўшиб-чатмай”, ўхشاшига қиёсламай, бор ҳолича яланғоч тасвиirlаса, шеъриятнинг оддий гапдан фарки қолмайди. Шоирнинг шоирлиги ҳам ана шу “гўзал ёлғон”ни қанчалик маҳорат билан “тўқий олиши” ва ўкувчини бунга ишонтира олишида намоён бўлади.

Илми бадеъда машҳур санъатлардан бири хусни ибтидо ёки хусни матла бўлиб, у шеърни чиройли байт билан бошлашдир. Шарқ шеъриятида матлани гўзал бошлашга ҳамиша жиддий эътибор бериб келинган. Чунки мулла бисмиллосидан маълум деганларидек, шеърнинг қандайлигини ҳам унинг илк байтидан билса бўлади. Яхши шеърнинг барча байт ва мисралари бирдай гўзал бўлади, маҳоратли шоир буш ва заиф мисралар тизмайди. Алишер Навоийнинг “Чор девон”идан ўрин олган 2600 та ғазалдан барчасининг матласи гўзал, лекин айримлари бу санъатнинг дурдоналари даражасига кўтарилган. Жумладан:

*Хусни орттар юзда зулфин анбарафшон
айлагач,
Шамъ равшанроқ бўлур торин паришон
айлагач.*

Шам шундай ҳам ёниб, ёруғлик та-
ратади, лекин торларини ёзиб юборса,
унинг ёниш доираси кенгайиб, ёруғлиги
кучаяди ва кенгроқ масофани ёритади.
Шунга ўхшаб, маҳбубанинг сочи шун-
дай ҳам ҳуснига ҳусн қўшади, шундай
ҳам ундан муаттар ҳид таралади, ле-
кин уни ёзиб юборса, ҳам хиди гурки-
раб кетади, ҳам чиройини янада очади
ва ошиқлари сафи янада кўпаяди.

Навоий ташбеҳлари ҳамиша ўзи-
нинг ҳаётийлиги билан ажралиб ту-
ради: у теварак-атрофдаги ҳамма кў-
риб, лекин ҳеч ким эътибор бермай-
диган нарса-ҳодисалардан ўз фикрини
гўзал ва таъсирчан шаклда ифодалаш
учун фавқулодда ажойиб ва охорли
қиёслар, ўхшатишлар топади:

*Андоқ кўрунди сабза аросинда лолалар –
Ким, сабзатлар илгода олтун пиёлалар.*

Бу ерда майсалар ичра яшнаб тур-
ган лолалар кўлида олтин пиёла тут-
ган гўзалларга ўхшатиласпти.

Шоирнинг ҳақиқий шоирлиги аслида у ёки бу нарсани ўзининг қанчалик муносиб ўхшашини топиб, гўзал охорли ташбехлар воситасида тасвирилашида намоён бўлади. Шунчаки баёнчилик таъби назми бор ҳар қандай одамнинг ҳам қўлидан келиши мумкин. Лекин чинакам бадиият дурданаларини яратиш ҳақиқий истеъдодга насиб қиласди.

*Келди Чин наққоши ул юз нақшини
қўлмоққа тарҳ,
Чеҳра очиб, нақши девор айладинг
наққошни.*

“Чин (Хитой)лик мусаввир суратингни чизиш учун келган эди, лекин юзингни очишинг билан унинг ўз деворга чизилган суратга ўхшаб қотиб қолди”.

Маълумки, қадимги Хитойда мусаввирлик ривожланган. Шунинг учун ҳам Шарқ адабиётида мусаввирларнинг маҳоратда тенгсизлигини таъкидлаш учун уларни албатта чинлик қилиб кўрсатадилар. “Фарход ва Ширин” достонидаги Фарходнинг

наққошлиқ санъатидаги устози Монголиянинг ҳам чинлик эканини эсланг. Шундай қилиб, таърифи етти иқлимга машхур гўзалнинг суратини чизишга келган чинлик маҳоратда тенгсиз мусаввирнинг ўзи “нақши девор” – дебордаги суратга айланади.

Хуллас, таниқли адабиётшунос олим Нуриддин Шукуров ҳақли равишда лутф этганидек:

“Бу байт асосида шундай бир ҳикоя тузиш мумкин: Навоий яшайдиган Ҳирот шаҳрида бир гўзал маҳбуба бор экан. Унинг гўзаллиги ҳакидаги овозалар бутун Ҳурросон мамлакатига ва қўшни мамлакатларга ҳам тарқалиди. Жумладан, Чин мамлакатига ҳам етиб борибди. Чин азалдан гўзал манзаралар ва гўзал одамларнинг суратини чизишга моҳир бўлган рассомлари билан машхур. Ана шундай рассомлардан бири лавху лавнини, яъни ёзув тахтаси, бўёқлари, мўйқаламларини қўлтиқлаб йўлга тушибди. Қайсиdir карvonларга эргашиб Ҳиротга етиб келиб ва ўша гўзалнинг манзилини аниқлаб, уйига

борибди. Рухсат олиб уйга кирса, бурчакда бир маҳбуба юзида пардаси билан турган экан. Накқош (рассом) унга ўз муддаосини баён этибди. Гўзал маҳбуба, марҳамат, расмимни чизсан-гиз чиза қолинг деб, юзидан пардани кўтарибди. Гўзалнинг суратини чизаман, деган наққош гўзаллик кучидан бехуш деворга ёпишганича ўзи “нақши девор” бўлиб қолибди”¹.

Ёш бола бор уйда ҳеч нарса, ҳатто үғрилик ҳам пинҳон қолмайди. Шунга үхшаб, кўз ёши ҳам кишининг ички сирини фош қилиб қўяди, дейди шоир:

Оразин күрдүм, ниҳон ашк айлади
сирримни фош,
Яшурун қолмас үгүрлүк уй ароким
бүлса ёш.

Албатта, бундай қараганда, күз ёши ва ёш боланинг бир-бирига хеч қандай нисбати йўқ. Лекин Навоийнинг маҳорати шундаки, бу ерда у күз

¹ Шукурев Н. Бу олам саҳнида... (Адабий-танқидий мақолалар). – Тошкент: F.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1982. 86-бет.

ёши ва ёш боланинг муайян хусусияти аро муштаракликни топа олган - бу: кўз ёши - инсоннинг, ёш бола - хонадоннинг сирини фош қилиши. Ёш сўзининг икки маъноси - ҳам кўз ёши, ҳам ёш болани билдириши шоирга кўл келган.

Кўринадики, Навоий ташбех санъатини ҳадди аълосига етказган - шоир шеърларида ташбехнинг фавқулодда, бир-биридан гўзал ва бетакрор намуналарига кўп дуч келамиз. Айтайлик, шоир ишқинг ўтида бутун жисму жоним куйгани учун кўнгилнинг кўкрак қафасини синдириб чикишига уриниши ҳайрон қоладиган ҳодиса эмас, деб ҳарчанд оху фарёд чекмасин, бу ҳолатни уйига ўт тушган кишининг ўзини ҳар ёкка уринишига ўхшатмаса, унчалик таъсирли чиқмас эди:

*Жисмим агар куяр, кўнгул толпинури
ажаб эмас,
Кимки уйига тушса ўт, йўқ ажаб
изтироб анга.*

Алишер Навоий муболага санъатидан ҳам маҳорат билан фойдала-

нади. Шоир тасвир жараёнида баязда у ёки бу нарса-ҳодисанинг асл ва табиий ҳолатини катталаштириб ёки кичрайтириб олади, яъни таърифи ҳаддан ташқари юксакка кўтаради ёки ерга уриб юборади. Бу усул муболага деб аталиб, унинг уч тури фарқланади. Агар шоирнинг ушбу даъвоси ақлу одатга мувофиқ бўлса, бундай муболага мақбул ҳисобланади ва таблиғ дейилади. Агар даъво ақлга сифса-ю, одатдан ташқари бўлса, унга ифрок дейилади. Агар даъво одатдан ташқари бўлиб, ақлга ҳам сифмаса, ғулув деб юритилади. Ғулув ҳаддан ўтмоқ маъносини билдиради. Навоий ижодида муболаганинг барча турларига дуч келиш мумкин. Мисол учун, у маҳбубамни кутиб, тонг отгунча кипригимга уйқу кўнмади, деса, бу гапга ҳамма ҳам ишонади:

Кечакелгумдир дебон ул сарви гулрӯй
келмади,

Кўзларимга кеча тонг отқунча уйқу
келмади.

Бу муболаганинг таблиғ турига мисол бўла олади.

Лекин шоир ушбу ҳижрон кечасини ногаҳон туш кўрсам, унинг даҳшатидан заҳрам (ут пулфагим) ёрилиб, ўлган бўлар эдим дер экан, бу даъво ақлга сиғса ҳам, одатдан ташқари. Демак, бу иғроқ ҳисобланади:

*Ушбу ҳижрон кечасин туш кўрсам
эрди ногаҳон,
Ўлгай эрдим ваҳмдин, албатта,
заҳрам ёрилиб.*

Шоир ижодида муболағанинг “Тоғни дашт қилиб, даштни тоғ айлади дардим” қабилидаги ғулув тури кўпроқ учрайди:

*Бўлибтур заъфим ул янглигки,
боссам мўрни ўлмас,
Вале ул жисмим узра чиқса, дардидин
чиқар жоним.*

“Шунчалик заифлашибманки, чумолини боссам ҳам, у ўлмайди, лекин чумоли устимга чиқса, оғирлигидан жоним чиқади”.

Албатта, одам боласининг бу даражада заифлашиши одатдан ташқари, ақлга ҳам тўғри келмайди. Байт орқали

шоир ишқ дастида халдан ортиқ ранжу азоб чекиб, ожизу нотавон бир ахволга тушганлигини муболага йүли билан билдиримоқда.

Навоий ижодида ташхис санъатига хам күл дуч келамиз. Ташхис деб илми бадеъда шахслантириш, яни табиатдаги нарса-ходисаларни жонлантириб, уларга инсонга хос хусусиятларни иисбат беришга айтилади.

Янги ойни қошике гүё қутум дебтур

ҳитоя оттиқ.

Кади тавзим учун ҳамдур бўлуб бу

нуктадин мамнун.

“Кошиниг янги ойни Хилол отлиғ кулим деганига у бу илтифотдан мамнун бўлиб, таъзим учун қаддини хам килибди”.

Бу срда хилол жонлантирилиб, инсонга ўхшаб таъзим қиласирилмоқда. Айни пайтда, байтда хусии таълил санъати хам мавжуд: хилолниң эгиклигига унинг маъшука кошига таъзим қилаётгани сабаб килиб кўрсатилмоқда.

Куийдаги байтда эса сабо жонлантирилиб, у ғунчанинг ёқасини йиртиб, кўйинни харчанд ахтармасин, маҳбубанинг жонбахш қаломидек сўз гавхарини топмаганлиги айтилаяпти:

*Калочинг гавҳарилик топчамиш, гарчи
сабо шлги*

*Ёқасин ғунчанинг йиртиб, нечаким
кўйинин ахтармиш.*

Маълум бўладики, Алишер Навоий ижодида бадний санъатлардан холи шеър тугул, байт ҳам йўқ экан. Албатта, у ташбех, тазод, талмех, ийхом, ирсол ул-масал, тажоҳули орифона, лафф ва нашр, истиора, тажнис, таносуб, ружуъ, такрор, тарсеъ, саволу жавоб, қалб, иштиқоқ, тарди акс, фахрия, қаломи жомеъ, зулқофиятайн каби кўпдан-кўп санъатлардан ҳам маҳорат билан фойдаланганки, уларнинг барчasi ҳақида бу ерда фикр юритишнинг имкони йўқ. Шоир маҳоратининг юксаклиги ҳам, асарларининг бадний баркамоллиги ҳам шунда. Айни жихатдан, Абдулла Орипов: "Навоий

ғазалларининг ҳар бир мисрасидаги образ бизнинг бутун бир шеърияти-миздаги холосадан бир неча маротаба баланд туради", – деганида ҳақли эди. Бутун бошли шеърни биргина ташбек ёки деталь асосига қураётган ҳозирги ёш шоирлар учун Алишер Навоийдек сўз санъаткорлари ижоди бу борада маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

АСРЛАРНИ БЎЙЛАГАН ХИКМАТЛАР

Биз Алишер Навоийни мутафаккир шоир деб улуғлаймиз. Мутафаккир сўзининг маъноси тафаккур соҳиби, кенг ва чукур фалсафий мушохада юритиш истеъдодига эга бўлган киши дегани. Бу иш ҳар қандай иқтидорли қалам аҳлининг ҳам қўлидан келавермайди. Шунинг учун ҳам дунёда шоир-ру ёзувчи кўп ўтган бўлса-да, улардан жуда оз қисмигина бу шарафли номга лойик кўрилган.

Мутафаккир адаб, биринчидан, чукур билим, кенг дунёқараш, катта

хаётий тажрибага эга бўлиши, иккинчидан, ҳаёт, инсон ва умрнинг маъно-мазмуни, эзгулик ва ёвузлик, муҳаббат ва нафрат, ҳалол ва ҳаром, фано ва бақо, нафосат ва қабоҳат, дўстлик ва душманлик, диёнат ва хиёнат каби азалий ва абадий тушунчаларнинг мохиятини теран англабетиши ва фалсафий нуқтаи назардан таҳлил қила олиши, учинчидан, фикрмуроҳазаларини турли бадиий тасвир воситалари ёрдамида аник, лўнда ва таъсирчан ифодалаш маҳоратини эгаллаши керак. Бу эса ҳар юз ижодкордан биттасига насиб этадиган буюк мақом.

Алишер Навоий асарлари, яхлит олганда, ҳаёт қомусига ўхшайди. Чунки бирор-бир ҳаётий масала, инсонга хос қадрият ва туйғулар, фазилат ва иллатлар йўқки, у қаламга олмаган бўлса! Президент Ислом Каримов таъбири билан айтганда: “Буюк гуманист шоиримиз фаолияти ва ижодига теран назар ташласак, унинг даҳоси ижтимоий ҳаётнинг, мафкура ва маданият-

нинг барча соҳаларини қамраб олганидан ҳайратга тушамиз"¹. Ҳақиқатан ҳам, ҳеч нарса Навоийнинг теран нигоҳидан четда қолмаган. Айтайлик, ота-онанинг фарзанд ҳаётидаги ўрни ва фарзанднинг ота-она олдидаги бурчи хақида шундай ёzáди:

*Бошни фидо айла ато қошига,
Жисмни қил садқа ано бошига.
Тун-кунунгга айлагали нур фош,
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.*

Мазмуни: “Отангнинг қошига бошингни фидо, онангнинг бошига жисмингни садқа қил. Бирини тунингни ёритадиган ой, иккинчисини кунингни чароғон этадиган қуёш деб бил”.

Ота-онанинг фарзанд ҳаётида тутган ўрнини ҳеч ким бундан ортиқ таърифлаб беролмаса керак: дунё учун ой билан қуёш қанчалик аҳамиятга эга бўлса, фарзанд учун ота-она ҳам шун-

1 Президент Ислом Каримовнинг Навоий шаҳрида Алишер Навоий ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишлиланган тантанали маросимда сўзлаган нутки // “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали. 2001, 5-сон, 4-бет.

чалик кимматга эга! Чиндан ҳам, ой туфайли тун, куёш сабабли кун ёруғ бўлганидек, ота фарзанд хаётининг тунини ёритса, она кунини нурга тўлдиради. Улардан бири бўлмаса, кеча-кундузниң ярми ёруғ бўлса, ярми коронидай туюлади, чунки етим кўнгилниң бир чеккаси ёришмай тураверади-да.

Устоз ва шогирд муносабатлари хусусида фикр юритар экан, “Ҳақ йўлида кимки машаққат чекиб, сенга биргина ҳарф ўргатган бўлса, юз ҳазина бойлик билан ҳам унинг ҳакини адо этолмайсан”, дейди:

*Ҳақ йўлинда ким сенга бир ҳарф ўқутмиш
ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз
ганж ила.*

Бу – устоз ва шогирднинг ўзаро муносабати тўғрисидаги шоирнинг фалса-фий холосаси. Дарҳақиқат, устознинг мақоми буюк – уни ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмаганидек, устоз олдидаги шогирдлик карзини ҳам икки

дунёда узиб бўлмайди. Устоз отангдан улуғ, деган мақол бежиз айтилмаган. Бир донишманддан бунинг маъносини сўраганларида: “Чунки отам мени кўқдан ерга туширган бўлса, устоз ердан яна кўкка кўтарди”, – деб жавоб берган экан.

Ёшларга қаратса шундай дейди:

*Йигитликда йиг ilmning маҳзани,
Карилик чоги сарф қилгил ани.*

Аввало, ёшликда эгалланган билим тошга ўйилган нақш каби мустаҳкам бўлиши маълум. Колаверса, кейин ҳаёт ташвишларига кўмилиб, илм эгаллашга фурсат ҳам, имкон ҳам қолмайди. Бора-бора, халқ таъбири билан айтганда, “хотира ҳам айтганни қилмайди”.

Халқ ҳаётини энг чукур қатламларигача, икир-чикирларигача яхши билган, халқ орзаки ижодидан тৃла хабардор шоир ўз асарларига халқ мақол-маталлари, образли ибораларидан кенг фойдаланади, кундалик турмушдан олинган ҳаётий

ташбехларни кўп кўллади. Ўз навбатида, замонасининг барча илмлари ни эгаллаган, ҳаётнинг бутун аччик-чучугини тотган донишманд шоирнинг кўрган-кечирганларининг хулосаси сифатидаги теран мазмунли лўнда ҳикматлари халқ орасига шунчалик сингиб кетганки, уларнинг қайси бири халкнинг ўзиники-ю, қайси бири Навоийники эканлигини ажратиб бўлмайди.

Мисоллар:

Билмагани сўруб ўрганган олим
ва орланиб сўрамаган ўзига золим.

* * *

Оз-оз ўрганиб доно бўлур, катра-
катра йиғилиб дарё бўлур.

* * *

Тилга ихтиёrsиз, элга эътиборсиз.

* * *

Айтур сўзни айт, айтмас сўздан
кайт.

* * *

Сиҳхат тиласанг, кўп ема, иззат
тиласанг, кўп дема.

* * *

Эр кишига зебу зийнат ҳикмат ва
деништур.

Алишер Навоий илк девони "Бадоэъ ул-бидоя"га ёзган дебочасидаёқ адабиёт — тарбия воситаси эканлигига ургу бериб, ҳар қандай бадиий асар маърифий фикрлар ва панд-насиҳатдан холи бўлмаслиги кераклигини қайд этиб, жумладан шундай ёзган эди: "Девон топилғайким, анда маърифатомиз бир ғазал топилмағай ва ғазал бўлғайким, анда мавъизатангиз бир байт бўлмағай. Мундоқ девон битилса, худ асру бехуда заҳмат ва зоев мاشақкат тортилғон бўлғай". Шундан кейин ўзининг ишқий ғазаллари ҳам маърифий ва фалсафий байтлардан холи эмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтади.

Аслида Шарқ ҳалқлари қадим ул-айёмдан мақол-маталлар, теран маъноли ҳикматли сўзлар, ибрат-

ли ривоятларга мойилликлари билан ажралиб турадилар. Халқ әртаклари донишманд ота-боболаримиз битта ҳикматли сўзни бир тиллага со-тиб олганлигидан шоҳидлик беради. Ривоят қилишларича, Оллоҳ таоло Лукмони Ҳакимдан: “Пайғамбарлик берайми ёки ҳикмат?” – деб сўра-ганида, у ҳикматни танлаган экан. Шундан кейин Худованди карим унга шунчалик кўп ҳикмат бер-ган эканки, барча пайғамбарлар ҳам унинг панд-насиҳатларига муҳтоҷ бўлган эканлар”. Шуning учун ҳам Шарқда дидактик адабиёт ривож-ланган. Бу ўринда “Калила ва Дим-на”, “Қобуснома”, Шайх Саъдийнинг “Бўстон” ва “Гулистон”, Абдураҳмон Жомийнинг “Баҳористон”, Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-кулуб”, Ҳо-жанинг “Мифтоҳ ул-адл” ва “Гулзор”, Абдулла Авлонийнинг “Туркий Гу-листон ёхуд ахлоқ” каби асарларини эслашнинг ўзи кифоя. Панд-насиҳат мумтоз адабиётимизнинг қат-қатига сингиб, унинг асосий хусусиятларидан бирига айланган.

Алишер Навоийнинг ўзи эзгуликни умрининг мазмунига айлантириб, бир умр одамларга яхшилик қилиб ўтди. Лекин чаён ўз халоскорига ҳам нишини санчгани каби унинг яхшилиги га ёмонлик қайтарган ҳам кўп булди. Бир устоз киноя билан лутф этганидай, "Яхшилик жазосиз қолмас"лиги, баъзилар бошини силаган кўлингни тишлашини кўрди. Шоирнинг аламизтироб билан "Мехр кўп кўргуздим, аммо меҳрибоне топмадим", "Кимга қилдим бир вафоким, юз жафосин кўрмадим" дейиши бежиз эмас. Мана шундай одамлардан аламзада пайтларида у зуваласига инсонийлик уруғи кўшиб корилмаган кимсаларни ҳар қанча тарбия қилма, барибир одам бўлмайди, деган хуносага келади:

*Нокасу ножинс авлодин киши бўлсун дебон
Чекма меҳнатким, латиф ўлмас касофат
олами -*

*Ким, кучук бирла хўтукка неча қилсанг
тарбият,*

*Ит бўлур, доги эшак, бўлмаслар асло
одами.*

Дарҳакиқат, одам боласи тарбия туғайли илму хунар эгаллаши, баъзи яхши фазилатларга эга бўлиши мумкин, лекин унинг табиатидаги ёвузлик, кин, ҳасад, баҳиллик, ғаразгўйлик, тухматчилик, ёлғончилик каби туғма иллатларни дунёнинг жами донишмандлари бир бўлиб тарбияласалар ҳам йўқотолмайдилар. "Бирор тоғни ўрнидан бошқа жойга кўчирибди деб эшитсаларинг, унга ишонаверинглар, аммо бирор кишининг хулки ўзгарибди деб эшитсаларинг ишонманглар, чунки у албатта туғма феълига қайтур", – дейилади ҳатто Ҳадиси шарифда ҳам. Шоир шеърларидағи дунё ва замонга нисбатан танқидий рухнинг кучлилиги, бани башардан норозилик оҳангларининг кўплиги худди шу билан изоҳланади. Аслида инсоният жамияти мавжуд экан, бу ижобий ва салбий хусусиятлар у ёки бу даражада яшайди. Бинобарин, Навоий каби ҳассос шоирларнинг эзгуликни улуғлаш, ёвузликни коралашга йўналтирилган асарлари ҳамма давр-

ларда ҳам жамият манфаатлариға бирдай хизмат килаверади.

Алишер Навоий күп қирралы тे-
ран фикрларни лўнда ва аниқ шакл-
да ифодалайди, ўз фикрининг таъ-
сирчанигини ошириш учун ҳаётий
ташбехлар топади. Фикр, нарса ва
холатни ўхشاшига нисбат бериш, ё
зиддига қиёслаш орқали ибратли ху-
лоса чиқаради. Чунончи:

*Сен агар тарки тачаъ қылсанг, улуг ишдур
буким,*

*Оlam аҳли барча бўлгай бир тараф,
сен бир тараф.*

Бу ерда шоир ўз фикрини қарама-
карши қўйиш – тазод санъати орқали
ифодаламоқда: хозир бутун дунё тама
кулига айланган, агар сен тамани тарк
этсанг, оламдаги барча одамлар бир
тарафу сенинг ёлғиз ўзинг бир тараф
бўласанки, бу ниҳоятда улуғ ишдир.

Кўйицаги хикмат эса ташбех –
ўхшатиш асосига қурилган: бир синик
кўнгилни кўтариш Каъбани обод
қилишга tengлаштириллади:

Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин
шод айлагай,
онча борким, Каъба вайрон бўлса,
обод айлагай.

Бу тасаввудаги кўнгилни улуғлаш
анъаналарига бориб тақалади. Кўн-
гилнинг ҳамма нарса, хатто Каъба-
дан ҳам устун қўйилишининг сабаби
шундаки, тасаввуда Оллоҳдан ке-
йин кўнгил туради. Тўғри, Каъба –
Оллоҳнинг уйи, лекин у зохирий, рам-
зий уй, унинг хақиқий уйи – инсоннинг
кўнгли. Дунё ва нафс ғуборларидан
покланган, кўзгудай мусаффо ҳолга
келган кўнгилда Оллоҳ жамоли жилва-
ланади. Шунинг учун ҳам Умар Хай-
ём лойдан бино қилинган юзта Каъба
битта кўнгилнинг ўрнини босолмайди,
деган. Навоий ҳам “Ҳайрат ул-аброр”
достонида оламнинг қибласи бўлишига
қарамай, Каъбанинг кўнгил каъбасича-
лик қадри йўқ, деб луфт этади:

Каъбаки, олачнинг ўлуб қибласи,
Қадри йўқ ончаким, кўнгул каъбаси.

Навоий олам ва одам моҳияти ҳа-
қида кўп бош котирган, тириклик

ва ўлим сабаблари устида муттасил мулоҳаза юритган, инсон ҳайтиниг мақсади, маъно-мазмуни хусусида бир умр ўйлаган, табиат ва жамият сирларини ўзича ечишга интилган. Унинг чуқур билим, кенг дунёқарашиб, катта ҳайтий тажриба, олимона теран тафаккур ва шоирона ўткир нигоҳ билан уйғунлашган фикр-мулоҳазалари, фалсафий холосалари ҳикмат каби жаранглаши шундан. Чунончи, шоир оламниг яратилиши түғрисидаги кўп йиллик мушоҳадаларининг натижаси сифатида дунёда бир қил ҳам беҳуда яратилмаган, башарти, мен унда бирор хато кўрсам, бу оламниг номукаммаллигидан эмас, балки менинг нуқтаи назаримниг хато эканлигидандир, деган теран ва ҳаққоний бир фикрни баён этади:

*Бу коргаҳда хато келмади чу бир сари мўй,
Хато менинг назаримдиндурур, хато кўрсам.*

Дунё отлиқ Ёсуман харчанд Фарходдек асл одамларни жувонмарг қилювчи бўлмасин, Хусрав каби нокас-

лар ҳам ундан вафо умид килиши ҳатодир, чунки ҳаёт тегирмони навбати билан яхшини ҳам, ёмонни ҳам ўз комига тортади. Умар Хайём айтганидек, бошқалар ўлиб, ўзингнинг тирик юрганингга мағрур бўлмаки, бир куни албатта сенинг ҳам галинг келади:

*Даҳр золи нечаким Фарҳодкушдур,
турфа кур –
Ким, ҳатодур тупса гар андин вафо
Парвез кўз.*

Бу ерда “Фарҳод ва Ширин” дostonидаги Фарходнинг Хусрав ёллаган Ёсуман макри билан ўлдирилганлигига ишора қилинаяпти. Холбуки, биламизки, Хусравнинг қувончи ҳам узоққа бормайди – Шириннинг васлига етолмай, ўғли Шеруя томонидан ўлдирилади. Ўз навбатида, падаркуш Шеруя ҳам олти ой ўтмай, ажал шарбатини тотади. Абдулла Орипов таъбири билан айтганда, фарқ шундаки, “Курбон олдин кетар, жаллод кейинрок”.

Халқдан бошингта ҳар қанча жабру жафо ёғилмасин, мен учун бошка

халқ ярат дейиш жоиз эмас, чунки еру кўкнинг Парвардигори нимани қандай яратишни ўзи билади. Нима, сен Худодан ҳам дономисанки, ундай қилиш керак эди-бундай қилиш керак эди, деб маслаҳат берасан. Айни нуқтаи на-зардан қараганда, дунё мукаммал эмас дейиш ҳам қайсиdir маънода Яратув-чига таъна қилиш ҳисобланади, бундай ҳаракатнинг гуноҳ эканлиги шубҳасиз. Аввалу охирни билгувчи улуг зот дунёни хозирги холатида яратибдими, шуни маъкул кўрган – бунда Худонинг нимани кўзда тутганини эртага не бўлишини билмайдиган бандалар қаердан билсин:

*Халқдин ҳар ярамас келса, хуш улким,
Хақга*

*Деса бўлмас, менинг учун яна бир
халқ яром.*

Навоий умрни шамолга үхшатади:
хар қанча югуриб, шамолга етиб
бўлмагани сингари, шиддатли умр
оқимини ҳам тўхтатиб туриш мумкин
эмас. Шундай экан, қўлингдан келган-

ча уни шод-хуррам ўтказ, токи сўнгти
лаҳзада бу олам айвонини афсусу на-
домат билан тарк этма:

*Эй Навоий, умр ўтар елдек, ўзунгни
шод тут,
Елга етмак мумкин эрмастур чу
суръат кўргузуб.*

Бошқа бир ғазалида изтироб билан
ёзганидай, гуллаган ёшлиқ бўстонини
харчанд иғнабанд девор билан ўраб
олма, кексалик қўшини – куз бари-
бир унга бостириб киради:

*Хазон сипоҳига, зй боғбон, эмас моневъ
Бу боғ томидга гар иғнадин тикан қилгил.*

“Девони Фоний” ҳам шоир адабий меросининг ажралмас кисми. Навоийнинг форсий шеърлари ҳам бадиий баркамоллиги, теран маъноли фикрлар ва ҳикматли сўзларга бойлиги билан ўзбекча шеърларидан қолишмайди. Чунончи, Амир Хусрав Дехлавийнинг “Дарёи аброр” қасидасига татаббуъ сифатида ёзган “Тухфат ул-афкор” қасидасида бегуноҳ кишининг кўнглини тил тифи билан жароҳатлаш

соғлом томирга наштар уриб, уни ма-
йиб қилиб күйиш билан баробардир,
деб ёзади:

*Бегунаҳро сохтан озурда аз теги забон
Нотавон кардан раги беранжро аз
наштар аст.*

Хаётнинг бутун аччиқ-чучугини тотиб, катта тажриба тўплаган, инсон феълиниң турфа турланиш ва тусланишларини кўравериб, кўзи пишган донишманд шоир бир қитъасида яхшиларга кўпроқ, ёмонларга эса камроқ яхшилик қилиш керак, дейди. Чунки яхшию ёмонга баробар яхшилик қиласанг, яхшиларга кам, ёмонларга эса кўп яхшилик қилган бўлиб чиқасан:

*Накӯи бо бадон камптар кун, аммо
Ба некон бештар кун некийи хеш.
Ба некӯ бад баробар гар куни лутф,
Фитад бо некувон кам, бо бадон беш.*

Маълум бўладики, Алишер Навоий ижоди ўзига хос ҳикмат бўстонидир. Ўзингизда туғилган хар қандай саволга жавоб излаб, унга мурожаат қиласангиз, ахволи руҳиянгизга мос бир ҳикмат

топиб, мақсадингиз хосил бўлиши, кўнглингиз таскин топиши шубхасиз. Чунки кўпни кўрган донишманд шоир ҳаётнинг деярли ҳамма яхши-ёмонини бошидан ўтказган, инсон феълининг бутун “ўру кир”ини обдан кузатган, табиат ва жамият ҳодисаларини теран таҳлил қилган, бир сўз билан айтганда, олам ва одам билан боғлиқ барча нарса-тушунчаларни акл тарозисида ўлчаб, кўнгил дафтарига дарж этган. Шоир хикматлари ҳаётдан олинганлиги, шаклан гўзал, мазмунан теран, бадий юксак эканлиги учун ҳам бирор-бир замонда ўз аҳамиятини йўқотмай, барча тоифага маъқул бўлиб келаяпти ва то ер юзида инсон авлоди яшар экан, уларнинг қиммати заррача камаймайди, билъакс тобора ортиб бораверади.

КОМИЛ ИНСОН ОРЗУСИ

Хар жихатдан етук, баркамол инсонни тарбиялаб етиштириш ҳамма даврларда ҳам асосий масала ҳисобланган.

Инсонни қусурлардан халос этиш, унда эзгу фазилатларни камол топтиришда эса адабиётнинг хизматини ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди. Зоро, инсонни камолотга даъват этиш, инсоний комилликни улуғлаб, бани башардаги қусурларни танқид қилиш барча халқлар адабиёти, умуман, сўз санъатининг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Айни жиҳатдан, Алишер Навоий мероси — маънавий-ахлокий тарбиянинг кучли куролларидан бири. Инсон тарбияси, камолоти масалаларини ўзбек адабиётида ҳеч ким у каби ҳадди аълосида куйламаган. Мутафаккир шоир инсонлик моҳиятини унинг ижтимоий фаолиятида — жамиятта фойдали касб билан шуғулланиши, халққа манфаати тегиши, одамларнинг оғирини енгил қилишида деб билади. Унинг халқ ғамини ўз ғами деб билмайдиган одамни одам қаторига қўшмаслиги бежиз эмас:

Одами эрсанг, демагил одами
Ониким, йўқ халқ ғамидин ғами.

Бу — Навоийнинг инсон ҳақидаги қарашлари тизимида энг мухим нуқта. Зеро, шоирнинг ўзи ҳам ҳалққа қанча кўп фойданг тегса, бу нарсанинг ўзингга фойдаси кўпроқ деган ақида билан яшаган:

*Нафъинг агар ҳалққа бешакдурур,
Билки, бу нафъ ўзунгга кўпракдурур.*

Шоир “Фарҳод ва Ширин” достонидаги Фарҳод сиймосига бу қарашларини сингдириб юборади. У ҳамиша ҳалқ хизматига камарбаста бўлишни, элга манфаат етказишни ўйлади. Бу нарса, айниқса, Фарҳоднинг Ширинни излаб, Арманияга борганида тоғказувчиларнинг оғир ва самарасиз меҳнатини кўрганида намоён бўлади.

*Хунарни асрарон неткумдур охир,
Олиб тупроққачу кеткумдур охир?! —*

деб “мазлуму ситамкаш” ҳалққа ёрдамга шошилади. Бугина эмас. У Ширинни кўргач, маъшуқаси учун қаср куради, унинг атрофида ҳовуз ясайди, тоғдаги қалъага сув олиб келади.

Бундан биргина Ширин эмас, бутун халқ баҳраманд бўлади. Ҳак йўлида қилинган ишнинг халқка ҳам манфаати кўп, демоқчи бу билан Навоий.

Навоий маънавий гўзалликни жисмоний гўзалликдан ажратиб қарамагани сингари илм билан хунар ҳам ўзаро омухта бўлиши тарафдори. Яъни, маънавий етук киши жисмоний жиҳатдан ҳам гўзал бўлса, бу – комил гўзаллик хисобланади. Шунга ўхшаб, илмли одамнинг хунари ҳам бўлса, ўз навбатида, хунарманд ҳам илму маърифатдан боҳабар бўлса, ҳақиқий баркамоллик – шу. Фарҳод сиймосида айни сифатларнинг бари мужассам: у барча илмларни эгаллаш баробарида ҳамма хунарлардан ҳам хабардор, маънавий жиҳатдан етук бўлибгина қолмай, жисмоний томондан ҳам кучли ва гўзал, мард ва шижоатли. Халқ билан ҳамнаfasлиги, ҳамиша элу юргизматига камарбасталиги, ўз илму хунарини одамларнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг фаровонлиги, баҳтсаодатини таъмин этишга сарфлаши

унинг Навоий орзусидаги комил инсон эканлигини кўрсатади.

Шоир орзу қилган комиллик йўли бу, биринчи навбатда, етук одоб-ахлоқ соҳиби бўлиш, жами инсоний эзгу фазилатларни эгаллаш, замонасининг барча илму ҳунарларини ўзлаштириш, илм ва ҳунарни бир-биридан ажрат-маслик, нафақат маънавий, балки жисмоний жиҳатдан ҳам баркамоллик-ка интилиш, ҳамиша элу юрт хизматига шай туриш, миллатнинг оғирини елкага олиш, Ватанга содик фарзанд бўлиш, бурч ва масъулият туйғусини ҳамма нарсадан баланд қўйиш ва ҳоказо.

Навоий барчадан талаб этган ва ҳаммада бўлишини орзу қилган эзгуликларнинг мазмун-мундарижаси шунчалик кўпки, уларни бирма-бир санаб чиқиш учун ҳам алоҳида китоб ёзиш керак бўлади. Аслида шоирнинг инсон тарбияси билан боғлиқ ўгитнасиҳатлари, фикр-мулоҳазалари, талаб-кўрсатмалари, орзу-истакларини бир ерга жамлаб, уларни тартиб билан

жойлаштириб чиқса, инсоний камолотга эришиш йўллари кўрсатилган ўзига хос назмий дастур, қўлланма вужудга келади.

Комил инсонлар бирор-бир замонда дунё тақдирига бефарқ бўлмаганлар, ҳайтни ижобий томонга ўзгартириб, адолатсизлик, тенгсизлик, зулмзўрлик, кўйингки, ёвузиликнинг барча шакллари, инсоний қусурларнинг жами кўринишларини илдизи билан маҳв этиш, аксинча, эзгулик дарахтининг гуллаб-яшнаши, фаровон турмуш ва идеал жамиятни барпо қилиш, башириятни баркамол кўриш учун курашганлар. Инсоният жамияти уни иллатлардан фориғ этиб, фазилатларга ошно қилиш учун курашадиган ана шундай инсонлар туфайли пойдордир.

Хар жихатдан етук, баркамол инсонларни тарбиялаб етиштириш мустақил Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кутарилган ҳозирги даврда миллат қуёши Алишер Навоийнинг комил инсон ҳакидаги карашлари ўз аксими топган серкирра ижодини ўкиш

ва ўрганиш ўкувчилар маънавиятини ўстириш, уларнинг мумтоз адабиёт ҳақидаги қарашларини кенгайтиришга хизмат қиласи, ёш авлоднинг Алишер Навоий мезонидаги комил инсон қандай бўлиши кераклигини теран англашлари ва улуф аждодларига муносиб ворислар бўлиб етишишлари учун илмий-маърифий жиҳатдан ёрдам беради.

НАВОИЙ ВА ЖАҲОН

Юксак санъат намуналари ҳеч қачон фақат уни яратган ҳалқагина тегишли бўлиб қолмайди, улардан бутун дунёдаги илму адаб ахли баҳраманд бўладилар. Ҳомер, Хоғиз, Умар Хайём, Данте, Шекспир, Бальзак, Толстой, Байрон каби даҳо сўз санъаткорлари бутун инсониятнинг адибиға айланганлари бежиз эмас. Зоро, дунёвий миқёсда фикрлаган, бани башар муаммоларини кўтариб чиқсан, азалий ва абадий мавзуларни маҳорат ва ҳассослик билан қаламга олган шоири

ёзувчилар ўз-ўзидан бутун инсониятта дахлдордирлар, улар яратган дурдона асарлар эса жаҳон адабиётининг ёркин саҳифаларини ташкил этади.

Ўзбек халқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиётимизнинг гўзал намуналари ҳам асрлар давомида турли тилларга таржима қилиниб, улардан бошқа халқлар ҳам баҳраманд бўлиб келганлар. Farb оламида Шарққа қизиқишининг кучайиши, Европа адабиётида шарқона мотивларнинг туғилиши ва ривожланишида форс ва ҳинд адабиёти билан бир қаторда, ўзбек адабиётининг ҳам ҳиссаси йўқ эмас. Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино каби алломаларимизнинг қомусий мазмундаги асарлари таркибида келган адабий парчаларни ҳисобга олсак, ўзбек адабиёти намуналари XII–XIII асрларда ёқ турли тилларга таржима қилингандигига гувоҳ бўламиз.

Алишер Навоий асарларини таржи-ма қилишга эҳтиёж XVI асрда ёқ бошланган эди. Шоирнинг ҳам туркий, ҳам форсий адабиёт учун бирдай аҳамиятга

эга бўлган адабиётшуносликка оид асари – “Мажолис ун-нафоис” тазкираси унинг вафотидан кўп ўтмай, бир вактнинг ўзида икки шаҳарда форс тилига таржима қилинади – 1521–1522 йиллар орасида Султон Мухаммад Фахрий Ҳиротий – Ҳиротда, 1522–1523 йилларда Мухаммад Ҳакимшоҳ Қазвиний – Қазвинда бу ишни амалга оширадилар. Орадан яна ярим аср ўтгач, XVI асрнинг 70-йилларида Шоҳ Али бин Абдул Али “Мажолис ун-нафоис”ни яна форсийга ўгиради. Ҳиндистонлик Абдулбоки Шариф Разавий бу асарни тўртинчи марта таржима қиласди.

Бурса шаҳри ҳокими Фанорий Жалолиддин Мухаммадшоҳ Навоийнинг “Хамса”си билан танишиб қолиб, шоир Ломеъийдан “Фарҳод ва Ширин” достонини усмонли турк тилида ифодалаб беришни сўрайди. Натижада, XVI асрда усмонли турк шоири Ломеъийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони дунёга келади. Навоий достони асосида яратилганлигининг ўзи унинг таржима

эканлигини кўрсатиб турибди. "Лекин бу таржималар ҳозир биз тушунгани маънодаги таржималар бўлмай, балки ўзига хос назира-таржималар эди"¹. Шунинг учун Ломеъий асарига ҳам илмда икки хил муносабат мавжуд: баъзилар уни таржима деб қарасалар, бошқалар назира сифатида баҳолайдилар.

Алишер Навоийнинг дурдона асарлари секин-аста туркий ва форсий халклар яшайдиган Шарқ минтақасидан ошиб, Фарб мамлакатлари сарҳадларини ҳам забт эта бошлади. Агар мутафаккир шонир асарларини Шарқ тилларига таржима қилиш XVI асрнинг биринчи чорагидаёқ бошланган бўлса, уларнинг Фарб тилларига таржималари шу асрнинг иккинчи ярмидаёқ амалга оширилди. Гал шундаки, 1557 йили Венецияда "Шоҳ Саандипнинг уч навқирон ўғлонларининг қандай килиб зиёратга борғони. Жавоб Христофор Арманий

¹ Олим С. Навоий асарлари таржималари. - Тошкент, 1991. 2-бет.

итальян тилига ўгирган" деган китоб босилиб чиқади. Бу нашр ўкувчиларда катта қизикиш уйғотиб, 1584, 1611, 1622 ва 1628 йилларда қайта чоп этилади. 1583 йили у немис тилига ўгирилиб, "Саандип шоҳи Жъ-фарнинг уч ўғлони бошидан кечирган янги ҳайратомуз саргузаштларнинг биринчи қисми ғоят нафосат ва фасоҳат билан ҳикоя қилинмиш, эндиликда Базель шаҳрининг фуқароси Иоганн Ветцель томонидан итальян тилидан немисчага янгидан таржима қилинмиш" номи остида Базель шаҳрида босилиб чиқади. 1599 йили бу таржима қайта босилади, 1630 ва 1723 йиллари эса Лейпцигда яна чоп этилади. Бирин-кетин бу китобнинг французча (1719), голландча (1766), инглизча (1722) таржималари пайдо бўлади. Шу тариқа, 1557–1828 йиллар мобайнида у Европанинг турли тилларида жами 15 марта нашр қилинади.

Е.Э.Бертельс бу таржиманинг Алишер Навоийнинг "Сабъаи сайёр" дос-

тонидан олинган бир хикоят эканлиги-
ни исботлаб берди.

Таржима муаллифи Христофор Ар-
маний Эрон Озарбайжонидаги Табриз
шахридан бўлиб, унинг туркий тилни
ҳам билиши ва туркий манбалардан
ҳам фойдаланган бўлишини тахмин
килиш мумкин.

XVII аср грузин шоири Нодар Ци-
цишвилиниң “Баҳромгуриани” достони
ҳам Низомийниң “Ҳафт пайкар”идан
кура Навоийниң “Сабъаи сайёр”ига
кўпроқ ўхشاши тадқиқотчилар томо-
нидан исботланган. Умуман, Е.Э.Бер-
тельснинг таъкидлашича, Навоийниң
“Сабъаи сайёр” достони Ҳусрав Дех-
лавийниң “Ҳашт беҳишт”и билан бир-
га XVI асрдан бошлаб Европа ўкув-
чилирига етиб борган ва машҳур бўлган
дастлабки Шарқ адабиёти намуналари-
дан ҳисобланади.

Навоийниң Европада илк марта
тилга олиниши эса 1697 йилга оид-
дир (Францияда нашр этилган Ев-
ропадаги биринчи энциклопедияда).
Захириддин Муҳаммад Бобурниң инг-

лиз ва немис тилларига таржима ки-линган "Бобурнома"си орқали эса европаликлар Навоий жакида тўлароқ тасаввурга эга бўлдилар.

"Европа мамлакатларида Навоий ижодига жиддий ва бевосита кизиқиши, асосан, XIX асрдан бошланган. 1841 йили француз шаркшунос олими Катремер Этьен (1782–1857) шоирнинг "Муҳокамат ул-луғатайн" ва "Тарихи мулуки Ажам" асарларини француз тилига ўгирди. Венгер туркшунос олими ва сайёхи Вамбери (1832–1913) 1863 йили Эрон орқали Ўрта Осиёга саёҳат килди. Юргита қайтгач, ўз тадқиқотларини жамлаб, "Ўрта Осиё очерклари" китобини ёзди. У китобнинг "Ўрта Осиё адабиёти" бобида Низомий, Навоий, Фузулий ва Машраб ғазалларидан таржималар келтирган"¹.

Маълум бўладики, Алишер Навоий асарларининг Farb тилларига таржималари 400 йилдан ортиқ тарихга эга.

¹ Абдуллахонов А. Навоий бадииятини немисча таржималарда қайта яратиш ва табдил этиш. Номзодлик диссертацияси автореферати. – Тошкент, 1998. 8-9-бетлар.

“Ўзбек адабиётининг асосчиси Алишер Навоий номининг рус матбуотида биринчи маротаба тилга олиниши А.С.Пушкин яшаган даврга тўғри келади. 1835 йилда рус шарқшуноси Павел Степанович Савельев “Энциклопедик лексикон”нинг 1-томига киритилган “Алишер” сарлавҳали мақолани ёзди. Рус олимидан ўз билимлари билан “яккаю ягона Алишер” олдида қарздор бўлган Хондамирнинг хотираларидан айрим парчаларни таржима қиласди”¹.

1841 йилда Э.Картемернинг “Шарқ адабиёти хрестоматияси” чоп этилиши билан Навоий Францияда танила бошлади. Улуғ ўзбек шоирининг “Мухокамат ул-луғатайн” ва “Тарихи мулуки Ажам” асарлари мазкур хрестоматиядан жой олади.

Афсуски, Фарбий Европа шарқшунослари М.Белен, Паве де Куртейль, Э.Блоше ва бошқалар Навоий шеъриятини чуқур илмий асосда тадқик этмадилар ва буюк шоирни

¹ Клименко А. Дўстлик рамзи. – Тошкент: “Фан”, 1974. 6-7-бетлар.

“таклидчи ва таржимон” ҳисоблаб, унинг адабий меросига тӯғри баҳо бера олмадилар. Улар Навоий асарларининг қўлләзмаларини тавсиф этиш билан кифояландилар, холос.

Буюк ўзбек шоирининг ижодига нисбатан бундай нотуғри қараш Европа шарқшунослигига шу қадар сингиб кетдики, ҳатто Михаил Никитский каби рус олимлари ҳам унга танқидий қарай олмадилар. Ҳолбуки, М.Никитскийнинг 1856 йилда Петербург университетининг шарқ тиллари факультетида ёқлаган “Амир Низомиддин Алишернинг давлат ва адабиёт борасидаги аҳамияти” деган магистрлик диссертацияси буюк ўзбек шоирининг номини илмий оммалаштириш ишида олға ташланган одим бўлган эди. 1857 йилда “Бобурнома” матнини нашр этган рус шарқшуноси Н.И.Ильминскийнинг фикрига кўра, Навоий “она тили учун қарийб яккаю ягона ёхуд жилла бўлмаса қудратли курашчи эди. Турколог И.Н.Березин ўша йилнинг ўзидаёқ “Турк хрестоматияси”нинг 1-томига

“Мажолис ун-нафоис”, “Маҳбуб ул-қулуб”дан парчаларни ва Навоийнинг бошқа шеърларини киритади.

Л.М.Лазерев Навоий девонидан олинган ғазалларни 1866 йилда “Турк тили хрестоматияси”да чоп этади. Шундан бир йил кейин, 1868 йилда шарқшунос В.В.Вельяминов-Зернов XVIII асрнинг биринчи ярмида Туркияда Навоий асарлари асосида номаълум муаллиф томонидан тузилган “Абушқа” луғатининг матнини нашр этади¹.

XX асрда асарларининг тизимили равишда рус тилига ва Иттифоқ халқлари тилларига таржима килиниши туфайли шоир номи янада машхур бўлиб кетди. 1941 йили Навоий таваллудининг 500 йиллигини Иттифоқ миқёсида кенг тантана қилиш хақида қарор кабул килиниб, шоир хаёти ва ижоди тадқиқи ҳамда асарларининг нашри ва таржимаси бўйича катта ишлар бошлаб юборилади. Лекин кутилмагандага юз берган Иккинчи

¹ Бу хакда каранг: Клименко А. Дўстлик рамзи. 7-8-бетлар.

жаҳон уруши туфайли бу юбилей ортга сурилиб, 1948 йили ўтказилади. 1968 йили унинг 525 йиллиги катта тантана қилинади. Шу муносабат билан 1968–1970 йилларда рус тилида Навоийнинг 10 жилдлик “Танланган асарлар”и бо-силиб чиқди (бунгача ҳам шоирнинг бир неча алоҳида тўпламлари рус ти-лида нашр килинган эди). Н.Ф.Лебе-дев, В.А.Рождественский, С.Иванов, Н.Ушаков, Н.Панов, Л.Пеньковский, В.Державин, С.Липкин, М.Лозинский каби таржимонларнинг бу борадаги хизматлари бекиёс.

“Альфред Курелла ўзбек клас-сик адабиётининг йирик намояндаси асарига мурожаат этиб, шоир куйла-ган ҳалқ ва юртни бутун қалби билан севиб қолди. У Иккинчи жаҳон урушидан кейинги дастлабки йилларда Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонидан парчалар таржи-ма қилиб, “Совет литератур”нинг 1946 йил 1-сонида, худди шу йили “Нойе Вельт” (“Янги дунё”) журналининг 15-сонида “Йилнинг тўрт фасли” номи

билин эълон қилган бўлса, кейинчалик достонни тўлалигича немис шеърхонларига таништириди”¹.

Ўзбекистон мустақиллиги Алишер Навоийни дунёга янгидан танитиди. Шоир асарлари дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинмоқда ва ўзининг жаҳон адабиётидаги муносиб ўрнига эга бўлмоқда.

ЎЗ ИЖОДИНИНГ ТАДҚИҚОТЧИСИ

Алишер Навоий асарлари ўз давридаёқ кенг тарқалиб, ижоди чукур эътироф этилиб, Лутфий, Абдурахмон Жомий, Мирхонд, Ҳусайн Бойқаро, Давлатшоҳ Самарқандий, Шохий Сабзаворий, Хондамир, Зайниддин Восифий каби устозлари, дўстлари ва шоғирдларининг юксак баҳосига сазовор бўлган.

¹ Каримов Ш. Диллардан дилларга. – Тошкент: F. Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. 125–126-бетлар.

Лекин ҳар қанча қизиқ туюлмасин, шоир ижодининг илк ва чинакам тадқиқотчиси – унинг ўзи! Чунки у ўз қаламининг қудратини ҳам, ижодининг асосий хусусиятларини ҳам, тарқалиш миқёсини ҳам, Шарқ сўз санъатида тутган ва тутажак ўрни ва мавқеини ҳам, дурдона битикларининг шухрати ва умрбокийлик даражасини ҳам жуда яхши билган ва бу борадаги фикру мулоҳазалари, ҳукму хуласалари, фахру ифтихор туйғуларини ўз асарларида лирик чекиниш тарзида келган фахрия байтларида маҳорат билан дарж этган. Чунончи, “Мезон ул-авzon”да: “... Ажам шуароси ва Фурс фусахоси ҳар қайси услубдаким, сўз арусиға жилва ва намойиш бериб эрдилар, турк тили била қалам сурдум ва ҳар нечук коидадаким, маъни абкориға зийнат ва оройиш кўргузуб эрдилар, чифатой лафзи била ракам урдум. Андоқким, то бу мазкур бўлғон тил ва лафз биносидур, ҳеч нозимға бу даст бермайдур ва ҳеч роқимға бу мұяссар бўлмайдур”, – деб ўз ижоди-

га ялли баҳо берган серқирра шоир "Мұхокамат ул-луғатайн"да ўз асарларининг тақдирни ҳақида комил ишонч ва фахру ифтихор билан шундай деган әди: "... сүзум мартабаси авждин қуий инмагай ва бу тартибим кавкабаси аъло даражадин ўзга ерни беганмагай".

Шарқнинг барча улуғ сүз санъаткорлари ижодида ўзининг истеъдод даражаси ва шон-шуҳратидан ифтихор қилиб ёзилган шеърлар ва алоҳида байтларга кўп дуч келамиз. Алишер Навоий ижодида ҳам бундай фахрия байтлар анча-мунча. "Лисон ут-тайр" достонида:

*Турк назмида чу мен тортиб алам,
Айладим ул мамлакатни яққалам, -*

деган шоир ғазалларида ҳам кўплаб байтларида ўзига муносиб баҳони ўзи бериб кетган. Чунончи, улардан бирида: "Шарбат қанча ширин бўлса, кишининг ичини шунча куйдиргани каби, Эй Навоий, ширин шеърларинг ҳам эл кўнглини шунчалик ўртади", дейди:

*Навоий, ўртади ширин ҳадисинг
эл кўнглин,
Начукки, куйдурур ичин, чу шарбат
ўлди чучук.*

Мана бу байтида эса ишкнинг турли хусусиятларини билиб олай деган киши барча ишини йиғиштириб кўйиб, бизнинг девонни ёд олсин, дейди:

*Эй Навоий, ишқ авторини ҳифз айлай
деган,
Барча ишни тарқ этаб, қилсун бизнинг
девонни ҳифз.*

Бу билан ҳассос шоир девонининг асосини ишқ тараннуми ташкил этишига ҳам ишора килади.

Ишкий мазмундаги байтларидан бирида эса айтади:

*Булбул киби хушгўй Навоийни қилиб хор,
Ул гулни кўрунг, жониби бадгўй
туптуптур.*

“Булбул каби ширин сўзли Навоийни хор қилиб, ул гулни кўрингким, ёмон сўзлининг этагини тутибди”.

Бу ерда шоир ўзини булбулга, шеърини унинг дилўрттар навосига ўхшатаяпти.

Эй Навоий, истасангким ўлмагай эл
дарддин,
Дарди ҳолингни дема назм айлабон
афғон аро.

Бу байтда шоир ўз дардининг қанчалик кучлилигини агар уни шеърга солса, ўқиганлар бу дардни кўтаролмай ўлиши билан асослайди: “Эй Навоий, эл дардан ўлмасин десанг, нолафон чекиб, дардингни назм йўли билан айтма”.

Бу билан шоир ўз шеърларининг дард ўти билан ёлқинланиб туришига ҳам нозик ишора қилиб ўтган.

Шакарқамиш ҳам, оддий қамиш ҳам най деб аталган. Айни пайтда маҷозан қамиш қалам ҳам кўзда тутилган. Сўзнинг маънодошлигидан фойдаланиб, қуйидаги байтида шоир гўзал тажнис яратади:

Килкида Навоийнинг жон шираси
музмардур,
Хар найда қачон бўлгай бу навъ шакар
пайдо.

“Навоийнинг қамиш қаламида жон шираси яшириндир, бундай шакар хар

қандай қамишда қачон пайдо булибди?!"

Шоҳ билан шоирни қиёслаб, шоҳ қилич билан мамлакатларни забт этса, шоир қалами билан уларни кўлга киритади дейди:

*Шаҳ Навоий тилидек тиг ила кўп
мулк очти,
Тортмиш очқали Багдод ила Табриз қилич.*

“Шоҳ Навоий тилидек (уткир) қиличи билан кўп мамлакатларни кўлга киритди. Энди Бағдод билан Табризни забт этиш учун қилич тортмиш”.

Бошқа байтида бу фикрни янада конкретлаштириб: “Овозаси оламни тутган шоҳ дунёни тиф кучи билан олса, Навоий шеърият мулкини тил кудрати билан олмиш”, дейди:

*Назм мулкин тил чекиб олчиш Навоий,
ўйлаким,
Чекса оламни олур шоҳи фагакмиқдор тиг.*

Мана бу байтида эса хусни каломингга эхсону таҳсин ҳожат эмас дейди, яъни у буларнинг баридан устун туради:

*Навоий, бу ҳусни қаламинг била
Эмас ҳожат эҳсону таҳсин санга.*

Ўзининг адабиётдаги мавқе-мақоми
ҳақида эса шундай ёзади:

*Эй Навоий, қилгали табъ аҳли жинси
шеър назм,
Назминг ўлди барчасига қойия, балким
радиф.*

“Эй Навоий, табъи назми борлар
шеър ёзар бўлса, сенинг ашъоринг
барчасига нафакат кофия, балки ра-
диф ҳам бўлади”.

Бу билан шоир ўз даври ижод-
корлари ўртасида устод даражаси-
га кўтарилгани, қўлига қалам тутган
борки, ундан ўрганиб, таъсирланиб,
унга эргашиши, ғазалларига татаббуъ-
лар ёзиши, мухаммаслар боғлашига
ишора килади. Чунки ўша замонда
Ҳиротда Навоий шеърлари кириб бор-
маган хонадон, атрофда унинг дево-
ни тарқалмаган шахру вилоят йўқ эди
дейиш мумкин.

Алишер Навоийнинг бундай фах-
рия байту мисралари, фикрлари ни-
хоятда кўп. Уларнинг барчасини бир

ерга тўплаб, синчилаб таҳлил қилса, улуғ шоирнинг ўз истеъдод кучию маҳорат даражаси, асарларининг мавзу кўламию бадиий юксаклиги, тарқалиш доирасиу таъсир кудрати ҳакида ўзи “кўб ва хўб” баҳо бериб кетганлигига шоҳид бўламизки, навоийшунослар бу буюк сўз санъаткорига унинг ўзидан ошириб баҳо берганларича, бу чекчегарасиз бадиият оламининг барча сир-синоатларини бутун кирралари билан кашф этиб улгурганларича йўқ.

МУСТАҚИЛЛИК ВА НАВОИЙ

Ўзбек халқини, тилини, маданияти ва адабиётини ўзига хос ва мос даражада кўриш Алишер Навоийнинг буюк орзуси эди. Ўзининг шоир, олим, давлат арбоби, мураббий сифатидаги бутун кучи ва фаолиятини шу буюк мақсад йўлига тиккан эди. Унинг орзу-армонлари орадан 500 йил ўтиб рӯёбга чикди. Алишер Навоий ва Ўзбекистон мустакиллиги ўртасида қандайдир кўзга кўринмас сирли риш-

талар, ўзаро боғлиқлик борга ўхшаб кўринади. Зеро, улуғ зотлар бу дунёдан ўтиб кетганларида ҳам уларнинг руҳи, қолдирган ишлари ҳамиша халқи билан бирга бўлади.

Мустақиллик ва Навоий эгизак тушунчаларга айланиб кетган. Зеро, мамлакатимизда “Навоий йили” деб эълон қилинган 1991 йилда биз мустақилликка эришдик. Ўз навбатида, мустақиллик Навоийга иккинчи хаёт баҳш этди.

Иккинчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисining биринчи сессиясида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Алишер Навоий асарларининг маънавий-ахлоқий тарбия учун нақадар муҳим аҳамиятта эга эканлигини алоҳида таъкидлаб, шоир ижодига яна бир марта жамоатчилик эътиборини қаратиши ва уни ўрганишга чакиришининг ўзи Навоийга давлат миқёсида эътибор берилаётгани ва мустақил Ўзбекистон давлатининг маънавий асосларини мустаҳкамлашда шоир ғоялари ва фикрлари биз билан ҳамиша биргалигини кўрсатган эди.

Истиқлол йилларида бизда Навоийга муносабат давлат сиёсати дарражасига кўтарилиди: шоир янгидан қадр топди, шон-шухрат шоҳсупасига кўтарилиди.

Мустақиллик Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганишнинг янги босқичини бошлаб берди. Сермаҳсул ва серкирра шоирнинг XX жилдлик “Муқаммал асарлар тўплами” (1987–2003) ва шу асосда X жилдлик “Тўла асарлар тўплами” (2011)нинг нашр этилиши адабий-маънавий ҳаётимизда катта воқеа бўлди.

Навоийга давлат миқёсида аҳамият берилаётгани туфайли навоийшуносликда сифат ўзгаришлари вужудга келмоқда, тадқиқотларда илмий холислик ва назарий теранлик кўзга ташланмоқда, олимлар шоир ижодини жаҳон сўз санъати контекстида олиб ўрганишга киришмоқдалар. Зоро, Навоий фақат ўзбеклар ёки туркий ва форсий халқларнинг эмас, балки барча жаҳон халқларининг шоири, у дунёвий миқёсдаги тафаккур сохиби.

У ўз асарларида башарий муаммоларни кўтариб чиқкан, умуминсоний қадриятларни улуғлаган, жаҳоншумул масалаларни ечишга уринган. Бинобарин, шоир асарларининг халқаро андозалар асосида янгича нуктаи назардан ўрганилиши, Навоийнинг фалсафий қарашлари, меросининг диний-тасаввуфий мохияти, бадииятини тадқиқ этишга қизиқишининг ортиши Навоий дахосини бутун улуғворлиги билан англашга имкон яратиши шубҳасиз.

Буюк шоир туғилган кун – 9 февраль Ўзбекистонда миллий байрам мақомига кўтарилди: бирор-бир олий ва ўрта махсус ўкув юрти, мактаб ва лицей, ташкилот ва муассаса йўкки, Навоийга бағишлиб тадбир ўтказмаса! Ҳар йили февраль Навоийхонлик кунлари билан бошланадиган ва бу ўзига хос маънавият байрамлари ойнинг деярли ярмигача давом этиб, бобурхонлик тантаналарига уланиб кетадиган бўлди.

НАВОЙ ТАЪРИФИДА

Бу кун назм арконининг рубъи маскунида қаҳрамон ултуур ва бу мамолик фатҳиға соҳибқирон ани деса бўлур.

*Эрур сўз мулкининг кишварситони,
Қаю кишварситон, хисрав нишони,
Дема хисравнишонким, қаҳрамони
Эрур гар чин десанг соҳибқирони.*

Хусайн Бойқаро

Соҳиби давлат Алишер Навоийдирки, бизнинг замонимиз унинг билан шарафлидир. Унинг табний майли ва қобилиятининг кўлами икки тилда – туркий ва форсийда шеър айтишга қодир бўлса-да, табъининг майли форсийдан кўра туркийга кўпроқдир. Низомий “Хамса”си жавобида ўттиз мингга яқин байтдан иборат туркий маснавийлари (“Хамса”си)дирки, ҳеч ким ундан кўп ва ундан хўб шеър айтган эмас ва назм гавҳарига сайқал берган эмас.

Абдураҳмон Жомий

Мулкатае хусну жамол андок
мусалламдур санго -
Ким, фазилат бобида
зотинг жаҳоннинг сарвари.

Мазхари давлат Алишер,
улки шери Ҳак эрур,
Ҳар маорикда анинг фатху
саодат ёвари.

Давлатшоҳ Самарқандий

Бўлуб мудом музaffer фасоҳат
майданнида,
Балофат аҳлидин олмиш дамодам
юз таҳсин.

Амин жаҳон элига, фазлу
фан жаҳони ўзи,
Эрур мақомида андин мулку
миллату дин.

Кўнгул денгиз киби кенг,
тенги йўқ саховатта,
Баҳор абридек андин бўлур сероб
замин.

Атоулоҳ Ҳусайнӣ

...то қиёматгача ва қиёматда ҳам улур Ҳазратнинг (яъни Навоийнинг – Э.О.) ёқимли феъллари ва яхши ишлари замон саҳифаларида, кеча ва кундуз варакларида мангу қолур.

Хондамир

(Навоий)гача ҳам, ундан кейин ҳам туркий тилда ҳеч ким унчалик кўп шеър битган эмас. У шеър илмининг устаси, унинг туркий шеърларининг шуҳрати мулло Жомийнинг форсча шеърлари шуҳрати билан teng.

Муҳаммад Ҳайдар Мирзо

Унинг (Хусайн Бойқаронинг – Э.О.) минг бир камол эгаси бўлмиш нодир, мумтоз, мислсиз, довюрак ва қилич эгаси амири бор эди, унинг исми шарифи Мир Алишер эди. У туркий тилда Араб ва Ажамга қараб бонг кўтарди. Таажжуб жойи шундаки, у буюк ишлар билан машғул бўлишига қарамасдан, ғазаллар девони яратиб, туркий тилда “Хамса”ни ёзиб тугатди.

Жаҳонгир Хошимий

Нурли юлдузлар каби ярқираб турган Навоий, Жомий, Абдураззок, Мирхонд, Хондамир, Давлатшоҳ ва бошқаларни кўрган замонни Шарқ адабиёти тарихининг мумтоз даври дейиш керак эди.

M. Белен

Навоий хукумат кишиси ва машхур шоирдир; адабиётнинг турли навъини севган, ёзма асарлар ва уларнинг ёзувчилари ҳимоячиси, Шарқнинг адабиёт тарихида фахрий ўринда туришга лойик бир кишидир.

Сильвистр де Саси

Навоий факат улкан мутафаккир ва шоиргина эмас, балки ўз халқини чиндан севувчи Инсон ҳамдир. Бундай Инсон абадий барҳаётдир.

Е. Э. Бертельс

Ақлий теранлиги ва комусий билими билан Алишер Навоий ҳатто Уйғониш даври титанлари орасида ҳам алохида ўрин тутади.

Ойбек

Навоий ҳақиқатан ҳам ўзбек адабий тилининг ва ўзбек адабиётининг мустаҳкам пойдеворини қўйган, доҳийадиб хусусиятларини ўзида жамлаб олган бир сиймо эди. Форс-тожик класик адабиётида бир гурух улуғ шоирлар бажариб кетган вазифани тарих деярли якка Навоий зиммасига юклиди. У бу юкни шараф билан кўтариб, манзилгача етказган мутафаккир ва титан (паҳлавон) эди...


Шайхзода

“Хамса”нинг яратилиши ҳам Навоий учун, ҳам ўзбек адабий тили учун катта имтиҳон эди. Навоий бу имтиҳондан аъло баҳо билан ўтиб, ўзига абадий шухрат, ўзбек халқига ва унинг тилига шараф бағишилади.

Тўхтасин Жалолов

Биз буюк Алишер Навоий мерос қилиб қолдирган ижодий мактабни, унинг сабоқлари ва анъаналарини кўз корачиғи сингари авайлашимиз зарур.

Чингиз Айтматов



НАВОЙ ҲАҚИДА РИВОЯТЛАР

ЗАРОФАТ

Бир куни Алишер Навоий билан Хусайн Бойқаро ўртасида нозик сухбат бўлиб ўтди. Навоий Бойқаронинг кулоғига сирли бир сўзни шивирлаб:

— Сиз бу сўзларни тезда унутинг, — деди.

Султон Хусайн шу лаҳзада жавоб қилди:

— Қайси сўзларни?

ПОДШОХДАН НОН ТИЛАМА

Амир Алишер Навоий Султон Абусаид замонида Муҳаммад Абусяид Баҳодир билан "Боги сафид" да сайр

қилиб юрган эди. Мухаммад Абусайд Баҳодирнинг танишларидан Юсуф исмли бир йигит вазирларнинг баъзи-сидан шикоят қилди:

— Вазир экинимга сув бермай кўйди. Мирзо Абусаидга арз қилмоқчи булиб саройга борган эдим, ясовуллари унинг ҳузурига киритишимади. Ҳозир аҳволим шу қадар оғирки, бирорвлардан бир бурда нон тилаб тириклик қилаётубман.

Амир Алишер Навоий унга қаратадана бу байтни ўқиди:

Яъни:

*Гадой, ки нон аз дари шоҳ жуст,
Бибояд зи оби худаш даст шуст.*

Мазмуни: “Шоҳ даргоҳидан нон тилаган гадой ўзининг сувига қўлини ювиши керак”.

РАҲМДИЛЛИК

Алишер Навоийнинг жамоа билан масжидда аср намозини адо этгач, намозга келмаганларни суриштириш одати бор эди. Бир куни бу одатига

хилоф равища шошилинч намозини ўқийди-да, ҳеч ким билан иши бўлмай боғига йўл олади. Одамлар ҳайрон бўлиб, бунинг сабабини сўраганларида шундай жавоб қиласди:

— Мен масжидга келаётib, фалон жойда таҳорат олган эдим. Намоз учун сафга турганимда елкамда бир чумоли кўрдим. Унинг таҳорат жойида менга илашганини билиб, уйини тополмай озор чекмасин деб, дарҳол уясига олиб бориб қўйдим ва бир гуноҳсиз жониворнинг уволига қолишдан кутулдим.

ШАФҚАТ

Ҳусайн Бойқаро Марвда қишлиб қолганида Алишер Навоий ҳам у билан бирга эди. Бир ғуррак унинг чодирига кириб-чикиб юрди, ҳеч ким унга тегинмагани учун у ерга уя ясад, тухум ҳам қўйди.

Султон Хиротга қайтишга фармон берганида ғуррак ҳали тухумини ичмаган эди. Шафқат-мурувват кони бўлган Амир күшга озор беришни хоҳламай:

— Фуррак тухумини очиб, болаларини учирма қилмагунча чодир шу ерда қолдирилсін, — деб буюрди. Ҳатто унинг муҳофазаси учун киши қолдирди.

КАМТАРЛИК ДАРАЖАСИ

Хусайн Бойқаро Алишер Навоийни мұхрдорлық мансабига тайинлаганида әгаллаб турған лавозимігі күра у әңг юқорига мұхр босишиға ҳақли әди. Лекин у бир-биридан юқорига мұхр босиши талашадыған амир-амалдорларға қарши үларок, әңг қуйига үз мұхрини босар әдіки, ундан пастта хеч ким мұхр босолмасди.

Ҳамма унинг камтарлигига қойил қолди.

ҰЛИГИ ҲАМ БИР БАЛО, ТИРИГИ ҲАМ

Мусика фанида даврининг ягонаси Мавлоно Алишоҳ бир куни Навоийга арз қилиб:

— Сизнинг олий илтифотингиз ва марҳаматингиздан умид шуки, вақф бошқарувчилари олти ойлик маошимни бирданига топширсалар, ҳар ойда хизматчиларга бош оғриғи бўлиб юрмасам, — деди.

— Мавлоно, — деди у, — умримиздан олти кун колганми, йўқми, бизга маълум эмас, сиз нима учун омонат ҳаётга бу қадар эътимод қилиб, келажак олти ойлик маошни талаб қиласиз!

Мавлоно жаноблари:

— Сиз фармон беринг, у пулларни бераверсинглар, борди-ю ўлиб қолсан, гўр-кафанимга яраб кетар, — деди.

Навоий:

— Ўлиги ҳам бир бало, тириги ҳам бир бало дегани сиз экансиз-да! — деди.



НАВОЙ ХИКМАТЛАРИДАН

Оlam аҳли, билингизким, иш эмас
душманлиғ,

Ёр ўлунг бир-билингизгаки, эрур
ёрлиғ иш.

* * *

Камол эт касбким, олам уйидин
Санга фарз ўлмағай ғамнок
чиқмок.

Жаҳондин нотамом ўтмак
биайних¹,
Эрур хаммолдан нопок чиқмок.

¹ Биайниҳ - худди, худди ўзи, айнан.

* * *

Фурбатда ғариб шодмон бўлмас
Эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас
Эмиш.
Олтун қафас ичра гар қизил гул
бутса,
Булбулға тикандек ошён бўлмас
Эмиш.

* * *

Тухм ерга кириб, чечак бўлди,
Курт жондин кечиб, ипак бўлди.

Лола тухмича ғайратинг йўқму?!
Пилла қуртича химматинг йўқму?!

* * *

Даҳр¹ бўстонида қилмоқ сайр
айлаб ҳою хуй
Харза² кезмакдур ҳаётинг
кушларини уркутуб.

¹ Даҳр – дунё, олам; замон.

² Харза – бехуда.

* * *

Молдин умрунгра осойиш агар
етмас не суд¹,
Нүх² умрин ҳосил этсанг,
ганжи Корун³ қозғаниб.

* * *

Айб эрурким, аҳли дониш⁴
қилса нодон бирла баҳс.

* * *

Эрур чун олам ичра жоҳ⁵ фоний,
яхши от бокий,
Бас, эл коминраво айла ўзунгни
комрон⁶ кўргач.

¹ Суд – фойда, наф, манфаат.

² Нүх – энг узок умр кўрган пайғамбар. Унинг 1000, ҳатто 1600 йил умр кўргани накл қилинади.

³ Корун – Мусо алайҳиссалом даврида яшаган, ҳад-ҳисобсиз бойлигини хайрли ишларга сарфламай, ҳасисликда ном чиқарган шахс. Бу такаббур кимсанни охир-окибат бутун мол-дунёси билан бирга ер ютган. У Шарқ адабиётида ҳарислик ва ҳасислик тимсоли ҳисобланади.

⁴ Аҳли дониш – донолар, олимлар.

⁵ Жоҳ – 1) амал, мартаба; 2) давлат, бойлик; 3) буюклик, шавкат.

⁶ Комрон – 1) баҳтиёрлик, мақсадга эришганлик; 2) кудратлилик, ҳукмронлик.

* * *

Бүлуб нафсингға тобеъ, банд
этарсен тушса душманни,
Сенга йўқ нафсдек душман,
қила олсанг ани қил банд.

* * *

Кирма савдо баҳриға¹ оламдин
истаб судким,
Сийм² нақди тушса, лекин
умр нақди сийғалур.

* * *

Андоқ иш қилким, пушаймон
бўлмағайсенким, эмас
Хеч осиг³ чун иш хато бўлди
пушаймонлиғда хайф.

* * *

Қайси жохилға надомат бўлгай
ул олимчаким,
Хар не билди, қилмади, ҳар
неки қилди, билмади.

¹ Баҳр – азим дарё, денгиз.

² Сийм – кумуш, танга, пул.

³ Осиг (Asig) – фойда, манфаат, наф.

* * *

Эй кўнгул, куйдур тамаъ тухмин,
таманно¹ мазраъин²,
Бу экинни чунки ҳаргиз қилмади
доно писанд.

* * *

Пил ўлса сенинг хасминг³,
десангки зарар топмай,
Бир пашшага оламда еткурма
зарар ҳаргиз.

* * *

Истасанг душманинг ўлғай
санга дўст,
Кирмагил дўст била душман аро.

* * *

Нокасу ножинс авлодин
киши бўлсун дебон,
Чекма меҳнатким, латиф ўлмас
касофат олами –

¹ Таманно – орзу, максад, истак, хошиш.

² Мазраъ – экин экиладиган жой, экинзор, майдон.

³ Хасм – душман, рақиб, мухолиф.

Ким, кучук бирла хутукка
неча қилсанг тарбият,
Ит бүлур, доғи эшак,
бүлмаслар асло одами.

* * *

Бори душворлиқларни ўзунгга
айласанг осон,
Бори душворлиқлар доғи
бүлгай шояд осонлик.

* * *

Сўзчи ҳолин бокма, бок
сўз ҳолини,
Кўрма ким дер ани, кўргилким
не дер.

* * *

Тузлукка мойил ўлки, ишинг
борғай илгари.

* * *

Чунки тамаъ бўлди гадолар иши,
Билки, гадодур тамаъ этган киши.



АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Абдуқодиров А. Алишер Навоий. – Хўжанд, 2001.

Лбдуллахонов А. Навоий бадииятини немисча таржималарда кайта яратиш ва табдил этиш. Номзодлик диссертацияси авторефера-ти. – Тошкент, 1998.

Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий (Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи П.Шамсиев). – Тошкент: “Фан”, 1966.

Айний С. Алишер Навоий // Асарлар. Саккиз жилдлик. 8-жилд. (Маколалар). Алибек таржимаси. – Тошкент: F.Фулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967. 228–377-бетлар.

Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. – Тошкент: “Фан”, 1987–2003.

Алишер Навоий. Ҳикматлар (Тўпловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Э.Очилов). – Тошкент: “O’zbekiston”, 2011.

Бертельс Е.Э. Навои и Джами. – Москва: “Наука”, 1965.

Е.Э.Бертельс. Навоий ва Аттор
(И.Мирзаев таржимаси). – Тошкент: Ўзбе-
кистон миллий энциклопедияси, 2005.

Воҳидов Р. "Мажолис ун-нафоис"нинг
таржималари. – Тошкент: "Фан", 1984.

Ғаниева С. Навоий насрни нафосати. –
Тошкент, 2000.

Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўс-
тони ("Тазкират уш-шуаро"дан). Б.Ахмедов
таржимаси. – Тошкент: F.Фулом номидаги
адабиёт ва санъат нашриёти, 1981.

Жумахўжа Ж. Сатрлар силсиласидаги
сехр. – Тошкент: "Ўқитувчи", 1996.

Зайнiddин Восифий. Бадоев ул-вакоъ
(Н.Норкулов таржимаси). – Тошкент: F.Фулом
номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.

Заҳириddин Муҳаммад Бобур. Бобурно-
ма. – Тошкент: "Шарқ", 2002.

К.Эргашев. Некоторые аспекты государ-
ственной деятельности Алишера Навои. –
Ташкент: "Фан", 2009.

Каримов Ш. Диллардан дилларга. – Тош-
кент: F.Фулом номидаги адабиёт ва санъат на-
шириёти, 1980.

Клименко А. Дўстлик рамзи (Алишер На-
воий асарлари рус ва украин тилларида). –
Тошкент: "Фан", 1974.

Муҳаммад Ҳайдар Мирзо. Тарихи Раши-
дий (В.Раҳмонов ва Я.Эгамовалар таржима-
си). Тошкент: "Sharq", 2010.

Навоий замондошлари хотирасида. (Тузувчи Б.Ахмедов). – Тошкент: F.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1985.

Норқулов Н. Темурийлар даври маданияти тарихидан лавҳалар. – Урганч: "Хоразм", 1996.

Ойбек. Муқаммал асарлар тўплами. XX жилдлик. 13-жилд (Адабий-танқидий мақолалар). – Тошкент: "Фан", 1979.

Олим С. Навоий асарлари таржималари. – Тошкент, 1991.

Олим С. Ишқ, ошиқ ва маъшук. – Тошкент: "Фан", 1992.

Очилов Э. Алишер Навоий (Рисола). – Тошкент: "Abu matbuot konsalt", 2011.

Очилов Э. Бир ҳовуч дур (Навоий ғазаллари ва байтлари шарҳи). – Тошкент: "Ўзбекистон", 2011.

Султон И. Навоийнинг қалб дафтари. – Тошкент: F.Фулом номидаги бадний адабиёт нашриёти, 1969.

Улур ўзбек шопри (Мақолалар тўплами). – Тошкент: "Фан", 1948.

Фитрат. Танланган асарлар. Иккинчи жилд. – Тошкент: "Маънавият", 2000.

Хайитметов А. Алишер Навоий // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-жилд. – Тошкент, 2000. 217–224-бетлар.

Хаққул И. Занжирбаанд шер кошида. – Тошкент: "Чўлпон", 1989.

Хондамир. Макорим ул-ахлоқ (Яхши хулклар). П.Шамсиев таржимаси. – Тошкент: "Фан", 1948.


Хусайн Бойқаро. Рисола. Девон (Нашрга тайёрловчи А.Эркинов). – Тошкент: "Шарқ", 1995.

Шарафиддинов О. Алишер Навоий (Хаёти ва ижоди). – Тошкент: F.Фулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1971.

Шарафуддин Роқимиј. Тарихи том (Форсийдан Ҳайдарбек Бобобеков ва Наим Норкуловлар таржимаси). – Тошкент: "Маънавият", 1998.

Шодиев Э. Алишер Навоийнинг форсостожик тилидаги асарлари. – Тошкент: "Фан", 1990.

Эл деса Навоийни (Навоий ҳақида халқ ривоятлари). Тўплаб нашрга тайёрловчи М.Жўраев. – Тошкент: Чўлпон, 1991.



МУНДАРИЖА

Сўз мулкининг соҳибқирони	4
Темурийларга яқин хонадон	8
Сўзга ошно болалик	15
Пурмаъно тахаллуслар.....	26
Навоий Машҳадда.....	33
Самарқандда ўтган йиллар	36
Навоий – давлат арбоби	43
Абадиятта муҳрланган умр	54
Саховат салтанатининг султони	60
Ҳайратомуз мерос	80
Зуллисонайн шоир	102
Маҳорат кирралари	114
Асрларни бўйлаган ҳикматлар	126
Комил инсон орзуси	143
Навоий ва жаҳон	149
Ўз ижодининг тадқиқотчиси.....	160
Мустакиллик ва Навоий	167
Навоий таърифида	171
Навоий ҳакида ривоятлар	176
Навоий ҳикматларидан	181
Адабиётлар рўйхати.....	187

Илмий-оммабоп нашр

Тарих ва шахс

ЭРГАШ ОЧИЛОВ

АЛИШЕР НАВОЙ

Мухаррирлар Э. Қурбонов, И. Аҳмедов

Бадинӣ мухаррир Ҳ. Кутлуқов

Техник мухаррир Т. Харитонова

Кичик мухаррир Д. Холматова

Мусаххилар М. Ишонхонова,

Н. Абдураҳмонова

Компьютерда тайёрловчи Д. Габдраҳманова

Нашриёт лицензияси АI № 158.14.08.09.

Босишига 2013 йил 17 апрелда руҳсат этилди.

Бичими 70x108^{1/4}. Офсет көғози. "Virtec Peterburg" гарнитураси. Офсет босма усулиида босилди. Шартли босма табори 4,2. Нашр табори 4,43. Адади 2000 нусха.

Буюртма №13-206.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
"O'zbekiston" нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100129. Тошкент, Навоий кӯчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

www.iptd-uzbekistan.uz

